

МАССАЖ

*(жисмоний тарбия ва тиббиёт институтлари, жисмоний тарбия
факультетлари учун ўқув құлланма)*

ТОШКЕНТ – 2008

Муаллифлар:

Нурмуҳамедов Қ.А. – биология фанлари номзоди, доцент.

Газиева З.Ю. – ЎзДЖТИ спорт тиббиёти ва ДЖТ кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Тақризчилар:

Сайдов Т.М. – тиббиёт фанлари номзоди, доцент,

Суюмов Ф.А. – РТЖД бош шифокори, олий тоифадаги шифокор.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти қошидаги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий кенгаш йиғилишида кўриб чиқилган ва нашр этишга тавсия қилинган.

МУҚАДДИМА

Соғломлаштириш ер куррасида долзарб муаммо бўлиб, унинг воситаларидан ҳамма ўз ҳаёти давомида имконият даражасида фойдаланади, лекин ҳар бир инсон ўзини соғломлаштириш борасида амалий чоратабдирларни қўллай билиши лозим, бунинг учун назарий билимга, амалий кўникмага эга бўлмоғи керак.

Соғломлаштиришда массаж алоҳида ўринга эга. Шу боисдан академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун бу соҳада маҳсус ўқув қўлланмана яратиш намунавий дастурга киритилган. Биз муаллифлар ушбу масъулиятили вазифани бажариш чоғида массаждан назарий билим ва амалий кўникмани ўқувчиларга тушунарли этиб, содда, равон тилда етказишга ҳаракат қилдик.

Ўқув қўлланмада амалий машғулот вактида ўқувчиларни массаж техникасини тез ўзлаштириб олишлари учун ҳар бир массаж усулини бажариш ҳолати акс эттирилган расмлар ҳам келтирилган. Албатта, ҳар бир ишда бўлгани каби ушбу ўқув қўлланма ҳам айрим нуқсонлардан холи эмасдир, бу нуқсонларни тузатиш борасида ўз таклифларини билдирадиган барча касбдошларимизга чукур миннатдорлик билдирамиз.

Муаллифлар.

Массаж (арабча сўз бўлиб, «қўл тегизмоқ» демакдир) — даволаш усули. Массажда кўпгина тизим ва органларга механик ва рефлектор таъсири кўрсатилади. Массажнинг физиологик таъсирида нерв тизими маълум рол ўйнайди. Массаж қилинадиган жой, массаж таъсирининг характеристи, кучли ва қанча давом этишига қараб, бош мия пўстлоғининг функционал ҳолати ўзгаради, умумий нерв қўзгалувчанини пасаяди ёки ошади. Массажнинг организмга таъсири механизмида нерв омил билан бир қаторда гуморал омил ҳам катта рол ўйнайди. Массаж таъсирида теридаги биологик актив моддалар хосил бўлиб қонга тушади, улар томир реакцияларида, нерв импульсларини ўтказишда ва бошқа реакцияларда қатнашади. Массаж бевосита таъсири қилган жойида тўқималарга механик таъсири ҳам кўрсатиб, лимфа, қон, тўқималар орасидаги суюқлик циркуляцияси кучаяди. Натижада қон ва лимфа димланиши йўқолиб, моддалар ва массаж қилинаётган жой териси орқали нафас олиш кучаяди. Тери қайишқоқ бўлиб қолади, температураси ва механик омилларга қаршилиги мускулларнинг қисқариш функцияси ошади, тонауси, эластиклиги, шунингдек, бойлам аппаратининг харакатчанлиги ортади. Массаж юрак-томир тизими ишини яхшилади. Капиллярларни кенгайтириб, массаж қилинадиган соҳагина эмас, балки ундан узоқдаги тўқималарнинг ҳам (рефлектор йўл билан) қон билан мўл таъминланишига имкон беради: қоннинг артерия ва веналардан оқиши осонлашади. Массаж муолажасидан сўнг умумий аҳвол яхшиланади, чарчок йўқолади.

Умумий (бутун гавда) ва махаллий (гавданинг бир қисми, масалан, қўл ёки оёқ панжаси) массаж бор. Асосий усуллари: силаш, уқалаш, ишқалаш ва қоқиб кўйиш.

Массажнинг нерв тизимига таъсири

Нерв тизими шартли равища соматик ва вегетатив қисмларга бўлинади. Соматик нерв тизими таянч-харакат аппаратининг — сүяклар, бўғимлар, мушаклар, тери, сезги аъзлари ва айрим ички аъзоларни; вегетатив тизими эса, асосан, ички аъзолар — овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, айирув, ички секреция безлари ва қон томирлари фаолиятини бошқаради. Вегетатив нерв тизимида симпатик ва парасимпатик бўлимлар фарқланади. Марказий нерв тизимини ташкил этувчи бош ва орқа мия, кўп сонли нерв ҳужайралари (нейронлар) ва улар ўсимтларининг нерв толаларидан иборат. Нерв толалари бош ва орқа мия қисмларини бир-бири билан боғлаб, қўзғалишларни ўтказиш функциясини бажаради.

Одамнинг орқа мияси умуртқа погонасининг каналида биринчи бўйин умуртқасининг юқори қисмидан биринчи бел умуртқасининг пастки қисмигача жойлашган бўлади.

Нервларда минг-минглаб нерв толалари бор, бу толалар сезувчи, ҳаракатлантирувчи ва аралаш (ҳаракатлантирувчи ва сезувчи нерв толала-ридан иборат) нервларга бўлинади.

Массаж вақтида терида жойлашган, марказий ва вегетатив нерв тизими билан боғланган, кўп сонли ҳар хил нерв толаларининг учлари биринчи навбатда таъсиротга учрайди. Одам организмига массаж ҳар хил физиологик таъсир кўрсатади, бунинг натижасида одам организмидаги бир қатор умумий ва маҳаллий реакциялар ҳосил бўлгиди, бунда ҳамма тўқималар, аъзолар ва тизимлар иштирок етади. Массаж таъсирининг кучини, давомийлигини ошириш ҳисобига мия пўстлогининг функционал ҳолатини ўзгартириш, умумий қўзғалувчаникни ошириш, рефлексларни кучайтириш ва йўқолган рефлексларни қайта тикилаш ҳамда турли хил ички аъзолар ва тўқималар озукаланишини яхшилаш мумкин. Массажнинг ҳар хил усуслари нерв тизимига турлича таъсир кўрсатади: бири тинчлантиради (силаш, силкитиш), бошқалари қўзғатади (уриш усуслари).

Жисмоний ва ақлий меҳнатдан сўнг массаж тетиклаштиради, иш қобилиятини оширади.

Ҳамма массаж услублари орасида тебратиш усули енг кучли рефлектор таъсирга эга. Массаж нерв-мушак тизимига ижобий таъсир етади, чарчаш ҳолатини йўқотади, мушакларнинг қисқариш қобилиятини, ўтказувчаникни яхшилади ва иш қобилиятини оширади.

Массаж олий нерв тизимига чуқур таъсир етиб, оғриқни кучлизлантиради ёки қолдиради, нервда ўтказувчаникни яхшилади, шикастланишда тузалиш жараёнини тезлаштиради.

Бироқ массажнинг нотўғри кўлланилиши натижасида одамнинг умумий ахволи ёмонлашади, ҳаддан ташқари ҳаяжонланади ва оғриқлар кучаяди. Массаж жараёнида вужудга келадиган оғриқлар рефлектор йўл билан мушаклар тонусини, қон босимини, қонда қанд ва адреналин миқдорини оширади ҳамда қон ивишини тезлатади.

Массажнинг нерв тизимига таъсири ташқи мұхит омиллари туфайли ҳам юзага келиши мумкин. Ташқи мұхитнинг салбий таъсир кўрсатувчи омилларидан навбат қутиш, шовқин-сурон, қаттиқ гаплашиш массажнинг даво таъсирини кескин камайтириб юбориши мумкин.

Массажнинг терига таъсири

Тери — кўп сонли вазифаларни бажарадиган мураккаб анатомик аъзо. У ташқи таъсириданда (механик, химик, физик) ҳимоя этиш, моддалар алмашиниши билан боғлиқ жараёнларни бошқариш каби функсияларни бажаради.

Тери юзаси ўта сезувчан. Терини массаж қилиш воситасида унинг турли қаватларига, тери томирларига, мушакларга, мураккаб безсимон аппаратга ва у орқали марказий нерв тизимига таъсир кўрсатилади.

Терининг ташқи ва ички секреция бези бўлиб, у ички аъзолар, кўшувчи тўқималар, гипофиз, буйрак усти безлари, эндокрин безлари билан

чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари, тери кўп сонли томир ва нерв реаксияларининг манбайи бўлиб, иссиқлик ва ионларни ажратади. Тери қон депоси вазифасини ҳам ўтайди. Айрим ҳолларда терининг кенгайган қон томирларига бир литрдан ортиқрок қон сифиши мумкин.

Бутун танамизда 5 литрга яқин қон айланиб юришини эсласак, бу кўрсаткич анча катта эканлиги билинади. Ички аъзоларда пайдо бўлган ўзгаришлар терининг айрим қисмларида акс этишини одамлар жуда қадимдан билишган.

Тери, асосан, уч қаватдан таркиб топган: ташқи (эпидермис), асосий тери (дерма), тери ости ёғ қавати. Эпидермисда терининг ташқи қуввати — кўп сонли сезиш нервлар жойлашган.

Асосий тери қўшуви тўқима толалари чигалидан иборат бўлиб, жуда мустаҳкам ва енгил чўзилувчандир. Терининг бу қаватида қон лимфа томирлари, тер ва ёғ безлари, сочнинг илдизи ҳамда оғрикни, иссиқни, совукни сезувчи ва марказий нерв тизимиға ўтказувчи нервлар жойлашган.

Тери ости ёғ қавати ёғ билан тўлган катта ҳужайралардан иборат. Улар ички аъзоларни шикастланишдан ғсрайди, иссиқлик сарфланишини камайтиради.

Терида жойлашган кўп сонли сезувчи нерв учлари танамиздаги сезувчи аппаратлардир. Тери орқали марказий нерв тизимиға ва кўп сонли қил қон томирларга таъсир кўрсатиш мумкин. Терининг муҳофаза функсияларини унинг ортиклари — соч, тирноқ, безлар кучайтиради. Сурункасига масаж қилинган вақтда ёғ қаватларининг камайиши умумий моддалар алмашинуви жараёнинг кўрсатилган таъсир оқибатидир. Бунда масаж организмда тўпланиб қолган ёғларнинг ёнишига олиб келади. Массаж тери устки қавати — эпидермисда ўлган ҳужайраларни механик тарзда чиқариб юборади, бу билан тери фаолияти яхшиланади. Массаж таъсирида теридаги қон томирлари кенгаяди, қон айланиши, терининг ва терида жойлашган безларнинг озиқланиши яхшиланади, терининг ҳарорати кўтарилади. Муолажа жараёнида терининг айрим хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Жўмладан, терида оғрикни сезувчи нерв толаларининг учлари ўтишини, уларнинг жойлашувини ва бошқаларни, масаж ўтказган вақтда сон, елка, билакнинг ички юзаларига майинроқ, кўл-оёқ кафтлари, қулоқ супраси, соннинг ташқи юзасига эса кучлироқ таъсир этиш мумкин.

Массажнинг мушак тизимиға таъсири

Одам ҳаёти ва фаолияти учун мушаклар мухим аҳамиятта эга, чунки одам танасини харакатта келтирувчи мушаклардир.

Силлиқ мушаклар ички аъзолар қон томирларининг фаолияти учун мухимдир. Юрак мушаклари (миокард) эса юрак фаолиятини таъминлайди. Миокарднинг ҳужайралари қўзғалувчанлик хусусиятига эга.

Массаж таъсирида мушаклар мустаҳкамланади, үларнинг тонуси ва эластиклиги ортади, қисқариш функцияси яхшиланади, қуввати кўпаяди, иш қобилияти ортади.

Массажнинг фаол услублари туфайли мушакларга артериал қон кўпроқ кела бошлади, мушаклардаги толиқиши йўқолади, тикланиш жараёни тезлашади.

Толиқан мушакларнинг иш фаолияти беш дақиқалик массаждан сўнг 3—7 марта ортади. Мушаклар иш фаолиятининг бундай ортиши жисмоний меҳнатда қатнашмаган мушакларни массаж қилганда ҳам кузатилади. Шунинг учун айрим мушак гурухлари толиқан вақтда меҳнатда иштирок етмаган мушакларни массаж қилиш мақсадга мувофиқдир. Массаж таъсири натижасида мушак атрофияси секинлашади.

Массаж мушакларда кечадиган оксидланиш — қайта тикланиш жараёнига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади, кислороднинг оқиб келишини кўпайтиради ва мушак тўқимаси ҳужайраларининг ассимиляция функциясини яхшилади.

Массаж натижасида мушакларда пластик (тузилиш) ва энергетик жаравёнлар яхшиланади, шу билан биргаликда, мушакларнинг функционал имкониятлари, мушаклар кучи ва чидамлилиги ошади.

Мушаклар — гавда мушаклари, бош мушаклари, оёқ-кўл мушакларига бўлинади. Гавда мушаклари гавданинг орқа томонида жойлашган (орқанинг юза ва чўкур мушаклари) ва гавданинг олдинги томонида жойлашган (олдинги бўйин мушаклари, кўкрак мушаклари ва қорин мушаклари) мушакларга бўлинади.

Массажнинг бўғимлар ва бойламларга таъсири

Бўғим — суяклар, баъзан пайларнинг бир-бирига ҳаракатчан тарзда бирикиши. Суякларни ҳосил қилишда иштирок етувчи учлари, бириктирувчи тўқимадан тузилган бўғим халтаси билан, ички томондан синовиал парда билан уралган.

Бойлам — суяклараро ва тоғайлараро бўғимлар мустаҳкамлигини таъминловчи ҳамда ички аъзоларни бўшлиқлар (кўкрак, қорин, чаноқ) деворлари билан боғлаб тутиб турувчи зич бириккан тўқимадан иборат тузилма.

Бўғимларни массаж қилиш вақтида ҳар бир бўғимнинг тахминий ҳаракат амплитудасини ва ҳаракат ўқини яхши билиш лозим.

Бўғим ва бойламлар ҳаракатчалиги, эластиклигининг ошиши массаж қилинаётган жойнинг қизишига боғлик. Бунда қон билан төғминланниш кучаяди, бўғимдаги синовиал суюқлик ортади. Бўғимларни массаж қилиш бўғим атрофидаги шишларни камайтиради, қон томирларида қон айланишини яхшилади, қоннинг димланишини ва бўғимларда тўпланган патологик моддаларни йўқотади. Бўғимлар совукقا, касалликларга, шикастларга, моддалар алмашинуви бузилишига нисбатан жуда таъсирчан

бўлади. Кўп қайталаниб турдиган шикастлар, ревматизм, подагра ва бошқалар бўйим қиёфасини ўзгаришига олиб келади.

Об-ҳаво совук пайтларда бўйимни массаж қилишга алоҳида аҳамият бериш керак. Бу ҳойлатларда массаж қиздирувчи восита сифатида ҳамда шикастланишнинг олдини олиш мақсадида ишлатилади. Массаж катта ёшдаги одамлар учун муҳим аҳамиятга эга, чунки уларнинг бўйимларида ёшга хос ўзгаришлар сабабли ҳаракатчанлик камаяди, ҳаракат қийинлашади. Ҳолбуки, массаж тўқималар эластиклигини оширади, бўйимларни мустаҳкамлайди ва уларни ташқи муҳит таъсиротларига чидамли қиласди.

Массажнинг қон ва лимфа томир тизимларига таъсири

Массаж ҳаммадан олдин терининг капилларларига таъсири ётади, бунинг организм учун аҳамияти ниҳоятда катта.

Маълумки, қон ва тўқима орасида алмашинув жараёни кетади, яъни капиллар девори срқали тўқимага кислород ва озуқа моддалари берилади, худди шу тариқа карбонат ангидрид чиқиндилар қон срқали тарк етилади.

Хозирги вактда капиллар тизими рефлексоген соҳа ҳисобланади. Капилларларда қон айланиш жараёни марказий нерв тизими томонидан бошқарилади. Массаж таъсирида қонда еритроцитлар ва тромбоцитлар сони ошганлиги исботланган. Массаж захира капилларларни ишга тушириб, организмда қоннинг қайтадан тақсимланишига олиб келиб, юрак ишини яхшилаши мумкин. Бу, ўз навбатида, тана ҳароратини оширади, тўқималар қизиб майнинлашади, физик ва химиявий ҳолатлар ўзгарамади, бу эса ҳар хил шикастланиш, жароҳатланишнинг олдини олишга имкон беради. Соғлом одамларнинг қон босими массаж таъсирида деярли ўзгармайди, қон босими ошган кишиларда эса массажнинг рефлектор таъсири туфайли капилларлар кенгайиб, мушаклар бўшашади ва қон босими пасаяди.

Кучли ва шиддатли массаж усуллари юрак үришини тезлаштиради, тинчлантирувчи (силаш, тебратиш, силкитиш) усуллар юрак үришини пасайтиради, веноз қон оқими тезлашиб, юрак мушакларининг иши енгиллашади.

Массаж аъзолар ва тўқималардаги лимфа оқимининг юрак томон ҳаракатланишини кучайтиради. Шу сабабли массаж лимфа оқими томон йўналтирилади. Шу тариқа ҳаракат лимфа оқими юза ва чуқур жойлашган лимфа томирларидан юза ва чуқур жойлашган лимфа тутунларига қуилади. Лимфа тутунлари қон яратиш билан бир вактда касаллик қўзғатувчи микроблар, уларнинг токсинглари, умуман, заҳарли моддалар учун тўсиқ вазифасини бажаради. Лимфа тутунчалари иммуно-биологик жараёнларни ва лимфа ҳаракатини тартибга солиб туради. Лекин лимфа тутунлари массаж қилинмайди.

Массаж таъсирида қон ва лимфа оқими тезлашади, бу эса аъзоларни кислород, озуқа моддалари билан таъминлашни фаоллаштиради ҳамда парчаланиш маҳсулотларининг организмдан чиқиб кетишини тезлаштиради. Қон

ва лимфа оқимининг тезлашиши бўғимларда, қорин ва бошқа бўшлиқларда уларнинг димланишини камайтиради.

Массаж маҳаллий лимфа оқимига таъсир етиш билан бир қаторда лимфа тизимиға рефлектор йўл билан таъсир етади, бу ҳолда лимфа томирларининг тонуси, ҳаракати яхшиланади. Массаж ўтказишда массажчи қўлининг ҳаракат йўналиши лимфа оқими бўйлаб енг яқин жойлашган лимфа тугуни томонга қаратилиши лозим. Массажчининг қўл ҳаракати лимфа оқими бўйлаб йўналмоги учун бош ва бўйиннинг пастки — ўмров ости тугуни қўлнинг тирсак ва қўлтиқ ости лимфа тугуни томон, кўкрак қафасининг олди қисми — тўш суюгидан икки томондаги қўлтиқ ости безлари томон, орқанинг юқори ва ўрта қисмлари умуртқа поғонасидан икки томондаги қўлтиқ ости лимфа тугуни томон, бел, думғаза ҳамда сонлар — чот лимфа тугуни томон, болдир, товон, оёқ кафти — тизза ости лимфа тугуни томон йўналтирилиши лозим. Қоида бўйича лимфа тугуни жойлашган қисмлар массаж қилинмайди. Бу тугунларнинг катталашуви, шишиши, оғриши организмда инфексиялар борлигидан дарак беради. Бу ҳолларда массаж ман этилади.

Массажнинг ички аъзоларга ва модда алмашинувига таъсири

Массаж моддалар алмашинувини фаоллаштириб, организмнинг ички аъзолари функциясига ва ҳаёт фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Массаж таъсиридан тўқималарнинг ҳарорати ошади, натижада кимёвий реаксиялар тезлашиб, моддалар алмашинуви жадаллашади.

Массаж туғайли организмда қоннинг аъзоларга тақсимланиши ўзгаради, очик капилларларнинг сони кўпаяди; қон оқими кучаяди ва юрак иши енгиллашади.

Умумий массаж организмнинг вегетатив функциялари (нафас олиш, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш, қон ишлаб чиқариш)ни тартибга солади. Қорин бўшлиғида жойлашган ички аъзоларга ҳам массаж ижобий таъсир етади.

Массаж сийдик ажralишини кучайтиради. Массаж организмнинг муҳофаза ва бошқарув (тартибга солувчи) функцияларини кучайтирувчи муҳим профилактик воситадир.

Массажчига қўйиладиган талаблар

Енг аввало, массажчи ўз қўлларига эътибор бериши лозим. Қўллар қуруқ, тоза бўлиши шарт. Қўл териси бутун, тирноқлари калта қилиб кесилган бўлиши лозим. Ҳар бир массаждан олдин массажчи қўлини илиқ сув ва совун билан ювади. Массаж тугагач, ювилган қўлларига кремлар ёки юмшатувчи суюқликларни суртиши керак.

залда бўлмоғи лозим. Қўлларида ҳеч нарса бўлмаслиги керак, чунки массаж вақтида тери шикастланиши мумкин.

Массаж олувчи гигиенаси

Массаж сеанси олдидан массаж олувчи илиқ душ қабул қилиши ёки ҳўл сочиқ билан артиниб, сўнг танасини қуритиши керак. Мәҳаллий массажда ифлос жойни спирт билан артиш мумкин. Агарда тери қалин тук билан қопланган бўлса, массажни мато ёпиб қўйиб ёки ҳар хил массаж емулсиялари ишлатиб өлиб бориш мумкин. Шундай қилганда туклар илдизи таъсирланмайди.

Массаж олувчи қорни билан ётганида қўл мушакларининг бўшашиш ҳолатларига еришилади. Оёқ мушакларини бўшашибтириш ҳолатига тизза бўғими остига ёстик қўйиб (тизза бўғими 25–40° букилганда) ёки оёқнинг тагидан ушлаб, осилган ҳолда тутиб турйлганда еришилади.

Массаж тизимлари

Массаж усусларининг ўзига хослиги, массаж ҳаракатларининг йўналиши — **массаж тизими** деб аталади. Массаж назарияси ва амалиётида маълум бўлган бир қанча: швед, рус, хитой, туркий (шарқ) массаж тизимлари бор. Спорт ва тиббиёт соҳасида рус, фин, швед массаж тизимлари кўпроқ қўлланилади.

Туркий массаж (кўпинча шарқ массажи деб аталувчи) тизими жуда қадимдан маълум бўлиб, ундан ҳануз фойдаланилади. Бу массаж тури ҳаддан ташқари дағал, қаттиқ ва кучли бўлиб, қўл ва оёқлар ёрдамида шиддат билан бажарилади. Ундан кўпроқ ҳамомларда фойдаланилади.

Швед массаж тизими силаш, ишқалаш ва ҳаракат усусларидан таркиб топган, бунда енг асосий эътибор бўғимларни массаж қилишга қаратилган. Швед массажи тизимида вақтнинг 60–70 фоизи ишқалашга, 30–40 фоизи ҳаракатларга (фаол, суст), 5–7 фоизи силашга ажратилади.

Фин массаж тизими. Массаж вақтида ҳаракат йўналиши оёқдан бош гомонга қаратилади, бу кам самаралидир, ҳамомларда фин массажи ишлагилмайди. Спорт амалиётида фин массаж тизимидан ешкак ешиш, бокс, кураш, оғир атлетика каби спорт турларида фойдаланиш яхши натижага бўрмайди. Аммо ясси мушаклар (орқанинг узун мушаклари, билакни ёзувчи чушақлар, болдирилнинг олди юзасида жойлашган мушаклар)ни массаж қилиш яхши натижага беради. Сўнгги йилларда фин массаж тизими янги усуслар қисобига анча бойитилган.

Собиқ Иттифоқ массаж тизими. Бу тизимнинг асосчиси, хизмат ўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор И. М. Сарсизов-Серазини ҳисобланади.

асослаб берган. У массажнинг назарий, амалий ва педагогик жиҳатларини тарғиб қилишга катта ҳисса кўшган.

Массаж үсулларининг физиологик таъсири, бажариш техникаси ва услубияти

Массаж үсулларининг техникасини ва методикасини ўрганиш қўйидаги асосий қоидаларга асосланган:


— қўлланиладиган ҳамма үсуллар лимфа оқими бўйлаб, яқин жойлашган лимфа тугунларига йўналтириб бажарилади. Қўллар — бармоқ учларидан тирсак бўғимигача; тирсак бўғимидан қўлтиқ остигача (бу ерда лимфа тугунлари жойлашган); оёклар — товондан тизза бўғимигача (тизза бўғими остидаги лимфа тугунларигача); тизза бўғимидан чот қисмигача (чот лимфа тугунларигача) массаж қилинади. Кўкрак қафаси ўртасидан бошлаб ён томонларга қўлтиқ остига йўналган ҳолда, орқа томон — умуртқадан ён томонларга, бел-думғаза қисми чот тугунига йўналган ҳолда, бўйин — соч қопланган жойдан пастга йўналган ҳолда ўмров ости бези (тугуни) томон массаж қилинади. Лимфа тугунлари массаж қилинмайди.

Массаж олувчининг ҳолати — мушакларни имкон борича бўшаштиришига имкон бериши лозим; массаж олувчининг танаси тоза бўлиши керак; массаж ўтказилганда оғриқ ҳосил бўлмаслиги лозим, чунки бу рефлектор йўл орқали бир қатор нохуш ҳисларни ўйғотиб, бунда артериал қон босимининг кўтарилишига, асабийлашишга сабаб бўлади ва массаж кутилган натижа бермайди.

Массаж самарасини ошириш мақсадида ҳар хил суртма мойлар, талк ва болалар баданига сепиладиган упалардан фойдаланиш мумкин. Даво мақсадида турли суртмаларни ва мойларни ҳам ишлатиш мумкин. Аммо ҳозирги вақтда суртадиган моддалар ишлатилмаса ҳам яхши натижа берадиган куруқ массаж кенг қўлланилмоқда. Массаж ва ўзини массаж қилиш, куруқ массаж давомийлиги тананинг бир қисмida 2–3 дақиқадан ошмаслиги лозим.

Массаж үсулларини тавсифлашда айрим иборалар ишлатилади. Жумладан, агар қўл олдинга йўналтирилади дейилса — кафт бош бармоқ ва кўрсаткич бармоқлар билан олдинга силжийди; қўл тескари ҳаракат қилади дэгандা — кафт жимжилоқ томонга силжийди. Массаж олувчининг массажчига нисбатан яқин жойлашган қўл ва оёклари «яқиндаги» ибораси билан ифодаланади; массажчидан узоқроқ жойлашган қисмлари «узоқдаги» ибораси билан ифодаланади. Агарда массажчининг тана (ёлка) ўқи массаж олувчининг танасига нисбатан перпендикулар ҳолатда бўлса, массажчининг ҳолати «кўндаланг» тушунчаси билан ифодаланади; агарда бу ўқлар параллел бўлса, массажчининг ҳолати «узунасига» тушунчаси билан ифодаланади.

Фарқланадиган усулларнинг иғиндишига өғөлиқдир. Түғри тақланган массаж усуллари мажмуси массаж методикасини ташкил етади.



1-расм. Массаж усулларини бажаришда қўл ҳаракатларининг йўналиши:
а) тўғри чизиқли; б) илон изи шаклида; д) спиралсimon;
е) доира шаклида; ф) узук-узук.

Массажнинг усули ва техникасини ўрганишдан олдин одам анатомияси ва ҳар бир усулнинг физиологик таъсири билан танишимоқ лозим.

Массажда, асосан, 8 хил усул: *силаш*, *сиккиш*, *уқалаш*, *ишқалаш*, *қоқиш*, *фаол* ва суст ҳаракатлар, тебратиш кўлланилади. Усулларнинг ҳар бири ўзининг самараорлиги ва бажарилиши билан фарқланади. Тақсанинг массаж қилинадиган жойига қараб массаж усувлари тақланади.

1-расмда массаж усуллари бажарилишидағи ҳаракат йўналишлари кўрсатилган: а) тўғри чизиқли; б) илон изи шаклида; д) спиралсimon; е) доира шаклида; ф) узук-узук.


Силаш – ҳамма массаж турларида ифтиханиладиган усул

Силаш усули факат терида бажарилади. Бу жуда майин, йенгил усул ҳисобланади. У бўшашган кафт юзаси билан бажарилади. Бу ҳолда тўртта бармоқлар зич бўлиб, катта бармоқ иложи борича тўрт бармоқдан узоклашган ҳолатда бўлади. Кафтнинг (2-расм) катаклар билан кўрсатилган қисми, массаж қилинаётган жойга бир текис қўйилади. Силаш тинч, ритмик шаклда, енгил ва эркин ҳолатда ўтказилиши лозим. Силаш нерв тизимини тинчлантиради, узоқ давом эттирилса, оғриқни қолдиради. Силаш натижасида терининг яшаб бўлган юқори қавати (эпидермис) кўчуб тушади, терининг нафас олиши яхшиланади, тер ва ёғ безларининг функсияси фаоллашади, тери қон томирлари кенгайиб капилларлар очилади.

Силаш таъсирида терининг ҳарорати кўтарилади, томирларда қон ва лимфа қайта тақсимланиши якунланади. Силаш аъзо ва тўқималарда тўпланиб, димланиб қолган суюқликларни тарқатади, тери ва мушакларнинг таранглигини оширади.

Рефлексоген соҳаларни (бўйин-енса, кўкрак қафасининг юқори қисми, тўш суги ости ва қорин соҳаси ва ҳ.к.) силаш ички аъзолар, ҳужайраларнинг ўзгарган фаолиятига рефлектор таъсир етади. Спорт амалиётида силаш юқори таъсирчанлик ҳолатларида, старт олди ҳаяжонланишида, жисмоний машқлардан сўнг тикланиш мақсадида, жароҳатланганда (биринчи.

күнларда), қон томирлари тораиганда, мушаклар бөхос қисқарғанда (томир тортишганды) құлланилади. Силаш енгил, ортиқча күч сарфланмасдан, секин ва бир текисда бажарилади.



2-расм. Силаш үсулиниң үткәзішінде кафтнинг ҳолати
(белгиланған қисми билан бажарилади).

Силаш үсулининг турлари

Силаш үсулининг түғри чизиқли, нағбатма-нағбат, синик чизиқли (илон изи), икки үсулни аралаштириб, бир құл билан, концентрик айланға шаклида (доиралар) турлари массаж жараёнида күп құлланилади.


Түғри чизиқли силаш. Массажчи перпендикулар ҳолатда туради, бүшашшан кафт олдинга силжитиш йўли билан ҳаракатлантирилади.

Тананинг орқа қисмини силаш. Массаж олувчи қорни билан ётиб, яқин томондаги құл кафти ташқи юзасига пешонасини қўяди, юзини эса массаж қилаётган томонга қарама-қарши йўналтиради. Массажчи кафтини узоқдаги орқанинг узун мушаклари бел қисмига қўяди, бу ҳолда тўрт бармоқ бир-бири билан зичлашган бўлиб, мушакка нисбатан кўндаланг жойлашади, бош бармоқ тўрт бармоқдан анча узоқлашган бўлиб, мушак йўналишига қаратилади.

Құл белдан бўйингача умуртқа поғонаси бўйлаб ҳаракатлантирилади (З-расм).

Силашни тугаллаш олдидан катта бармоқ бошқа бармоқлар биганы бириктирилиб, трапециясимон мушакларнинг юкори бойламлари силенади. Сўнгра қўлни қайтариб, аввалгидан пастроқ қисми силенади (З-расм).

Орқанинг энг сербар мушакларини силашда кафт, қориннинг қия мушаклари ёнбош суюгининг қиррасига қўйилади, құл бармоқларининг учлари күшеткага тэгади, катта бармоқ бошқа бармоқлардан анча узоқлашган бўлади (З-расм).




3-расм. Орқани тўғри чизиқ үсулида бир қўл билан силаш

Силаш юқори томонга йўналтирилади, тўртта бармоқ қўлтиқ остига, катта бармоқ елкага делтасимон мушакка етади. Агарда умуртқа поғонасининг бел қисмидаги физиологик букилмалар ҳаддан ташқари кучли бўлса (масалан, лордоз ҳолатларида), умуртқа поғонасини тўғрилаш мақсадида қоринга ёстиқча қўйилади. Аёлларнинг сут безларини оғритмаслик мақсадида кўкракнинг катта мушаклари қисмига (ўмров ости чуқурчасига) ёстиқча қўйилади.

Бўйин ва трапециясимон мушакни силаш. Массаж олувчининг боши, бармоқлари бир-бирининг орасига киритилган қўллари устига қўйилади, енгак кўкракка тегиб туради. Силаш узоқ бўйин соҳасидан, бошнинг соч ўса бошлаган чэгарасидан бошланади. Сўнгра қўл паст томонга елка бўғимиға туширилади. Бунда катта бармоқ бўйиннинг ўрта қисмини ва трапециясимон мушак қисмини, тўртта бармоқ эса бўйиннинг ён томонини силайди. Бўйиннинг ўнг томони чап қўл билан, чап томони ўнг қўл билан силанади.


Қўлни силаш. Аввалига массажчига яқин қўллар силанади. Қўл мушакларини бўшаштириш учун уни тирсак бўғимидан букиб, кафтнинг ички юзаси юқорига қаратилган бўлиши керак. Елканинг ички томони тирсак бўғимидан қўлтиқ остигача силанади (тўртта бармоқ икки бошли мушакни, катта бармоқ уч бошли мушакни силайди), сўнг билак силанади (З-расм).



З-расм. Қўлни ички юзасини силаш

Кейин қўлни бош томонга, 15–20 см олдинга олиб қўйилади (бош қарама-қарши томонга қаратилган бўлади). Бу ҳолатда елка ва билакнинг ташки юза қисмлари силанади. Массажчи қўлни ўтирган ҳолатда массаж қилиши мумкин.

Белни силаш. Бу муолажа орқа қисмни силагандек бажарилади (4-расм). Ҳаракатлар думфаза соҳасидан бошланиб, юқорига қовурғалар томонига ва ёнга қориннинг қия мушаклари томонига йўналтириб бажарилади.



4-расм. Бир қўл билан силаш

- а) белни силаш;
- б) соннинг орқа юзасини силаш
- д) болдирилганинг орқа юзасини силаш

Думба мушакларини силаш. Массажчи массаж олувчининг танасига орқа томони билан параллел ёки перпендикулар турати. Массажчи қўлининг бош бармоғи думба орасидаги бурмада жойлашган, тўрт бармоқ эса сон томонига қаратилган бўлади. Олдин думба остидаги бурмадан юқорига, тоснинг ёнбоз суяқ томонига қаратиб силанади. Сўнгра пастга қараб чот лимфа түгуnlарига йўналтирилган ҳолатда силанади.

Соннинг орқа юзасини силаш. Ҳаракатлар тизза ости чўқурчасидан юқорига қараб (4-б-расм), соннинг ички, ўрта ва ташки қисмларда бажарилади. Катта бармоқ имконият борича тўрт бармоқдан узоклаштирилиб, кафт юзаси массаж қилинаётган соҳага зич ётади. Сонни силаш думбанинг пастки бурмасида тутатилади.

Болдирилганинг орқа юзасини силаш. Массаж қилинаётган оёқ ёстиқ устида ёки массаж күшеткаларининг маҳсус кўтарилилган қисмida жойлаштириллади. Массажчининг қўли болдирига кўндаланг равишда қўйилади, бу ҳолда ҳам катта бармоқ тўрт бармоқдан имконият борича узоклашган бўлади. Силаш товондан тизза ости чўқурчаси томонига йўналтириб бажарилади (4-д-расм).

Оёқ кафтини силаш. Массаж олувчининг оёқлари ёстиқ ёки күшетканинг кўтарилилган қисмida жойлаштириллади. Массажчи массаж олувчининг ён томонида унга қараб турати. Оёқ кафти бармоқлардан товон томонига йўналтириб силанади. Массаж олувчининг орқа томонини силаб бўлгандан сўнг уни чалқанчасига ётқизилади ва тананинг олди юзасида массаж ўtkазилади (бошга ёстиқ қўйиш лозим).

Күкрак мушакларини силаш. Силашнинг бу тури күкракнинг ўзок қисмida бажарилади, бунда чап күкрак мушаклари ўнг қўл билан, ўнгдагиси чап қўл билан силанади. Ҳаракатлар кўкрак қафасининг пастки қисмидан бошланиб, кўлтиқ ости чуқурчаси соҳасида тугайди.

Соннинг олдинги юзасини силаш. Тизза бўғимидан юқорига қараб аввал соннинг ички, кейин ўрта ва ташқи томонлари силанади. Бунда массажчининг бош бармоғи ўзи томонига қаратилган, тўртта бармоғи сонга кўндаланг равишда қўйилган бўлади. Массаж қоидасига биноан, массажчига яқин жойлашган оёқ массаж қилинади.



5-расм. Бир қўл билан болдирнинг ташқи юзасини тўғри чизик шаклида силаш

Болдирнинг ташқи юзасини силаш. Массажчи массаж қилинуччининг тизза бўғимидан ушлаб, оёқ кафтини ичкарига озгина бурган ҳолда болдир мушакларини силайди. Қўл болдир суяги билан товон суягини бириктирувчи бўғимидан тизза бўғими томонига болдир мушаклари устидан йўналтирилади (5-расм).

Оёқ кафтининг устки юзасини силаш. Бу муолажа болдирни массаж қилгани каби ўтказилади. Қўл оёқ панжаларидан бошлаб болдир суяги билан товон суягини бириктирувчи бўғим томонига йўналтирилади.

Қоринни силаш. Массажчи қўлини массаж олувчининг қорин соҳасидаги қўймич суягининг қиррасига қўяди: бунда катта бармоғи қушеткага тегиб туриши, қолган тўртта бармоғи юқорига қараган ҳолда туриши керак. Қориннинг қия мушаклари, тоснинг ёнбош суягининг қиррасидан бошлаб кўкрак қафаси томонига қараб силанади. Сўнгра қўл озгина юқорироқдан яна 4–6 йўл бўйича қориннинг ўзокда жойлашган қия мушакларигача силанади. Бунда тўртта бармоқ қушеткага тегиб туриши лозим.

Кетма-кет силаш. Кетма-кет силашда қўллар тўхтовсиз равишда ҳаракатда бўлади: бир қўлнинг олдинга йўналган силовчи ҳаракати тугаши билан иккинчи қўл шу йўл бўйича орқа томон билан (жимжилоқ томони билан) силаш ҳаракатини давом еттиради. Кетма-кет силаш услуби кўрсатилган ҳолатларда, тўғри чизиқли силаш ўтказилган тана қисмларида бажарилади (6-расм).



6-расм. Орқани кетма-кет усулда силаш

Синик чизик ёки илон изи шаклида силаш. Бу силаш, юқорида кўрсатилган тўғри чизик шаклидаги силаш услуби каби бажарилади. Ундан фарқи шуки, кўлнинг кафт юзаси массаж қилинувчи соҳага озгина кийшайтириб қўйилади. Илон изи шаклида силаш кафт ҳаракатини олдинга йўналтирган ҳолда бажарилади. Ҳаракатлар йенгил ва силлиқ бўлиши керак (7-расм). Бўйин соҳасида илон изи шаклидаги силаш қўлланмайди.

Икки усулдан аралаштириб фойдаланиш. Бу силаш усули барча массаж турларида кенг қўлланилади. Бу үслуб кетма-кет силашнинг бироз ўзгарган туридир. Биринчи қўл илон изи шаклида силаса, иккинчи қўл тўғри чизик шаклида кетма-кет силайди. Масалан, орқанинг ўнг томонини силашда, ўнг қўл бел қисмидан бўйин қисмигача силлиқ илон изи шаклида олдинга ҳаракатланса, чап қўл орқа томони (жимжилоқ томони) билан ўнг қўлнинг орқасидан ергашади. Массажчининг қўллари тана сиртидан үзилмаслиги лозим. Қўллар кетма-кет тўхтовсиз ҳаракатда бўлади.

Илон изи шаклида силашни ўнг қўл билан ҳам, чап қўл билан ҳам бажариш мумкин. Икки усулни аралаштириб силаш кетма-кет силаш ўтказилган тана соҳаларида бажарилади (7-расм). Бўйин соҳасида силашнинг бу тури ишлатилмайди.

Бир қўл билан силаш. Бир қўл билан силашда массажчи ва массаж олувчининг елка ўқлари үзунасига бўлиб, массажчининг танаси, массаж олувчининг бош ва оёқ томонига қараган бўлади. Массаж қилувчининг қўли доимо олдинга йўналтирувчи ҳаракат бажаради.

Орқани силаш. Массажчи массаж олувчининг ёнида туриб, яқин қўлини орқанинг узоқ томонидаги узун мушак устига, тос ёнбош суюгининг қиррасига қўяди ва 2-3 марта бўйин қисмигача силайди. Сўнгра массажчи узоқ қўли билан орқанинг яқин томонидаги узун мушакларни силайди. Жараён орқанинг енг сербар мушаклари устини 2-3 марта силаш билан якунланади.

Белни силаш. ~~Массажчи массаж олувчининг сони ёнида туриб, белнинг ўнг томонини ўн Оқудебеклин Devalat томонини таъиуа кўл билан умуртка~~

погонасидан күшетка томонига қарата 2-3 соҳаларда силайди. Олдин ўнг томон, сўнг чап томон силанади.



7-расм. Илон изи шаклида силаш

Думба мушакларини силаш. Массажчи яқин қўли билан узокда жойлашган думба мушакларини, узоқ қўли билан массажчига яқин жойлашган мушакларнинг устини 2-3 марта силайди. Силаш думбанинг остидаги бурмадан бошланиб, бир неча соҳа бўйлаб: думфаза қисми, думба мушакларнинг ўрта қисми ва ён қисмларида чот лимфа тугунига йўналган ҳолда бажарилади.

Соннинг орқа юзасини силаш. Массажчи яқин қўлини массаж олувчи соннинг ички қисмини (тизза бўғимидан юқори) қўлнинг тўртта бармоғини күшеткага тегизиб, катта бармоқ соннинг орқа юзасига тегиб турган ҳолда чот қисми томонига йўналтириб 2-3 марта силайди. Сўнгра узоқ қўли билан соннинг ташки юзасини силайди.

Болдиринг орқа юзасини силаш. Массажчи массаж олувчининг оёқ кафтлари ёнида туради. Узоқ қўли билан массаж олувчининг болдирини, товоғи суягини болдири суяги билан бирлаштирувчи бўғимдан ушлаб, 45–90°C га кўтариб туради. Яқин қўлини товонга қўйиб, тизза бўғими остидаги чуқурчага йўналган ҳолда силайди.

Қўкрак қафасини силаш. Массаж олувчининг боши остига ёстиқ қўйиб чалқанчасига ётқизилади. Қўл қўкрак мушакларидан пастроқча қўйилади. Силаш тўш суяги бўйлаб юқорига ва қўлтиқ остига йўналтирган ҳолда, 2-3 марта бир томонга, сўнгра 2-3 марта бошқа томонга йўналтириб бажарилади.

Қорин қисмини силаш. Массаж олувчининг боши остига ёстиқ қўйиб чалқанчасига ётқизилади. Даво массажида бел остига кичкина ёстиқча қўйилади. Массажчи массаж олувчининг тос-сон бўғими ёнида туради. Ўнг қўл кафтини массаж олувчининг чап чот қисмига қўйиб, қовурғалар томонга йўналган ҳолда 2-3 марта силайди. Сўнгра чап қўл билан қориннинг ўнг томони худди шундай силанади.

Болдиринг ташки юзасини силаш. Массаж олувчининг оёғи тизза бўғимидан букилиб күшеткага қўйилади. Оёқ панжалари күшеткада ўтирган

массажчининг сонига тиради. Массажчи массаж олувчининг сёқ тиззасини якин қўли билан ушлаб, узоқ қўли билам болдир мушакларини товон-болдир бўғимидан тизза бўғимига йўналган ҳолда силайди (8-расм). Кўлнинг тўрт бармоғи олдинга қараган ҳолда (кatta бармоқ озгина ён томонга қаратилган) болдир бўйлаб силаш амалга оширилади.




8-расм. Белдиришнг ташқи қарордами бир қўл билан силаш

Икким кўл билан силаш. Бу силаш кетма-кет услубда чап ва ўнг кўл билан бажарилади, бир қўл массаж ҳаракатини тугатиши ва тезда аввалги ҳолатига қайтиши биланок, иккимчидан қўл ҳаракатни бошлайди. Бунда силаш бир қўл билам силаш каби ўтиказилиб, катта бармоқ ҳаддан ташқари узоқлаштирилади, кафтлар олдинга ҳаракатланади.

Массажчининг елка ўқлари массаж олувчига нисбатан параллел равишда туради.

Орқани силаш. Икким кўл билан бутун орқа юзаси, орқанинг узун мушаклари, ундан пастроқ соҳа ва энг сербар мушаклар силанади. Чап қўл орқанинг чап томонини, ўнг қўл ўнг томонини белдан бошлаб бўйин томонга, сўнгра кўлтиқ ости томонига йўналган ҳолда кетма-кет силайди (9-расм).



9-расм. Икким кўл билан орқани силаш

Бунда катта бармоқ аввалига узоқлашган бўлиб, ҳаракат тугаши билан тўрт бармоқка қўшилади. Шуни ёдда сақлаш керакки, узлуксиз таъсирот

хосил қымыз үчүн күлларни асли ҳолига қайтишида тери юзаси бўйлаб майин ҳаракатлантириш лозим.

Бўйин ва трапециясимон мушакларни силаш. Массажчи массаж олувчининг бош томонидә туриб, ўнг кўл билан бўйиннинг чап томоними, чап кўл билан ўнг томонини силайди (10-расм). Бу усул кетма-кет аввал бир кўл, сўнгра иккичи кўл билан соч ўсиб чиқкан қисмдан, дельтасимон мушаклар томон йўналган ҳолда бажарилади.



10-расм. Бўйин ва трапециясимон мушакларини силаш

Белни силаш. Бел икки кўл билан, юқорига йўналган ҳолда кетма-кет силанади. Белнинг ўрта қисми юқорига қараб силанади, пастки ва ён тарафлари қўймич суюгининг қирраси бўйлаб күшетка томонига силанади. Дастребли ҳаракатлар тос ёнбаш суюгининг юқори қиррасидан бошланади, кейингиси орқанинг пастки қисмидан қориннинг қия мушаклари томонига йўналтириб бажарилади.

Думба мушакларини силаш. Икки кўл думба ости бурмаларига қўйилади, бунда катта бармоқлар думбалараро бурма бўйлаб жойлашади.

Олдин думғаза қисми, сўнгра тос қисмининг ўрта ва ён томонлари силанади. Кўлларнинг ҳаракати юқорига, ён томонга хотга йўналтирилади.

Соннинг орқа юзасини силаш. Кафтлар соннинг орқа юза қисмiga кетма-кет қўйилади. Яқин кўлнинг тўрт бармоғи соннинг ички қисмини, узоқ кўлнинг тўрт бармоғи соннинг ташки қисмини, катта бармоқлар эса соннинг ўрта қисмини силайди. Кўл ҳаракатлари думбанинг пастки бурмасига яқинлашганида бармоқлар бир-бири билан қўшилгани ҳолида тутатилади.

Кўкрак қафасини силаш. Ҳаракатлар йеллигичсимон шакидага пастдан юқорига, қўлтиқ ости чуқурчасига томон қаратилган бўлади. Бунда тўрт бармоқ қўлтиқ ости чуқурчасига, катта бармоқ эса дельтасимон мушакларгача бориб тэгади. Ҳаракатлар аста-секин бутун кўкрак қафасини эгаллади.

Қоринни силаш. Икки кўл билан силаш қов суюгидан қовурғалар хисти томонга йўналган ҳолда олиб борилади. Кўлларнинг ҳаракатлари олдин

қориннинг тўғри мушакларидан бошланиб, сўнгра ен томонга силжиб борилади.


Соннинг олдинги юзасини силаш. Массаж олувчининг оёғи масажчи сонининг устида туради. Кўллар тизза бўғимидан чот томонга йўналган ҳолда ҳаракатланади (11-расм). Ҳар иккала қўл тизза бўғимида қайтишида жимжилоги билан сон терисига тегиб сирғаниши керак.



11-расм. Соннинг олдинги юзасини икки·қўл билан силаш

Болдирнинг олдинги юзасини силаш. Массаж олувчи чалқанчасига ётади, товони күшеткадан озгина осилгани ҳолда массажчининг сонига тириалиб туради. Болдир оёқ кафтидан бошлаб тизза бўғимида томон силенади. Оёқ кафтининг олдинги юзаси ҳам шу ҳолатда силенади.

Концентрик айлана шаклда силаш. Бу усул жароҳатланишларда, бўғимлар касалланганида самаралиди. Айлана шаклда силаш катта бўғимларда (тизза, елка, тирсак, болдир-товор бўғимларида) ўтказилади. Массаж қилинаётган соҳага массажчи бош бармоқлари узоқлашган икки кафтини иложи борича бир-бирига яқин ҳолда жойлаштиради (12-расм).



12-расм. Тизза бўғимини концентрик айлана шаклида силаш


Бунда бир қўлнинг тўрт бармоғи бўғимнинг ички томонидан күшеткаларга тегиб туради, иккинчи қўлнинг катта бармоғи ташқи томонда туради. Сўнгра ҳар иккала кафт узунасига йўналган ҳолатда массаж

соҳасидан юқорига силжийди. Тизза бўғими силанганда кўллар сонда ўз вазиятларини ўзгартиради. Тўрт бармоғи билан күшеткага тегиб турган кўл сонда кўндалангига ташки томонига, катта бармоқ күшеткагача силжийди, иккинчи кўл эса аксинча ҳаракат бажаради. Сўнг кафтлар тўғри чизик шаклидаги йўналиш бўйлаб тизза бўғимидан болдиринг юкори қисмига қайтади. Бу ҳаракат бир неча марта тақорорланади.

Сиқиш усулининг турлари


Массаж амалиётида сиқиш усулининг бир неча тури мавжуд: кўндалангига, кафтининг қирраси билан, бир кўл билан, икки кўл билан, икки кўлнинг кафт асослари билан, икки кўл орасига олиб сиқиш, катта бармоқ ёстиқчаси билан сиқиш шулар жумласидан.

Кўндаланг сиқиши. Бу усюя массаж олувчига нисбатан перпендикулар холатда туриб ёки ўтириб бажарилади. Тўрт бармоқ зичланган, бироз букилган, катта бармоқ кўрсангич бармоққа зич ёлишган, кафт юзаси пастга қараган холда массаж қилинётган жойга кўнда-ланг кўйилади (13-расм). Кўндаланг сиқиш катта бармоқ дўмбоғи ва катта бармоқ билан бажарилади, кафт олдинга қараб ҳаракатланади.



13-расм. Кўндаланг шаклида сиқиша кафтининг делати
(белгиланган яримни билан бажарилади)

Орка юзасида сиқиши. Массаж олувчи қоринга ётади, боши яқин сўлининг кафтида жойлашади, юзи массажчи томонига қаратилади, орка чушакларни бўшаштириш учун узоқ кўли тана бўйлаб бел соҳасида ётиши тозим. Массажчи кафтини орқанинг узун мушаклари устига кўндалангига қўйиб, бўйин бошлиладиган жойгача сиқади (14-расм). Шу шаклда ҳаракат 4-6 марта бармоқлар күшеткага етгунча тақорорланади, охирги сиқиш қўлтиқ ости тўқурчасида тугайди.



14-расм. Орқа юзасини сиқишиш

Бўйин ва трапециясимон мушакларни сиқишиш. Кафт бўйиннинг соч ўсиб чиқсан қисмига (умуртқа поғонаси ёнига) ёки энса суягининг чизифига қўйилиб, паст томонга I-II кўкрак умуртқасигача сиқилади. Кейин бўйиннинг ён томонлари ва елка усти 2-3 марта сиқилади.

Қўлни сиқишиш. Массаж олувчининг яқин қўли тана бўйлаб чўзилади, кафт юзаси юқорига қараб ётади. Елканинг ички юзасида, тирсак бўғимидан қўлтиқ ости чуқурчасигача сиқишиш усули бажарилади. Билак 3-4 соҳа бўйлаб, кафтдан тирсак бўғими томонига йўналган ҳолда сиқилади. Елканинг ташқари юзасида сиқишиш усулини ўтказиш учун қўл бош олдига қўйилади, бунда елка ва билак мушаклари бўшашади. Елкада қўлнинг тирсак бўғимидан елка бўғимига, билакда эса кафт бўғимидан тирсак бўғимига йўналтирилган ҳолда сиқилади.

Бел юзасида сиқишиш. Кафт куймич суягининг устига қўйилиб, юқорига ўн иккинчи кўкрак умуртқасига ва ён томонга йўналтирилган ҳолда сиқишиш ҳаракати бажарилади.

Думба мушакларида сиқишиш. Массажчи массаж олувчининг бош томонига нисбатан ярим айланга ҳолида орқаси билан туради. Кафт думба остининг бурма қисмига кўндаланг қўйилади ва учта соҳа бўйлаб юқорига ҳамда ён томонга йўналтириб сиқишиш усули бажарилади.

Соннинг орқа юзасида сиқишиш усули ўтказилишида массажчи перпендикулар ҳолатда ўтирган ёки тик турган ҳолда бўлиши керак.

Қўл кафти соннинг ички соҳасига, тизза бўғими ёнига кўндаланг қўйилиб, думба ости бурмасигача сиқишиш усули бажарилади. Сўнгра қўл юқорироққа қўйилиб, янги қисмда бармоқлар соннинг ташқи юзасидан күшеткага теккўнга қадар 4-5 марта сиқишиш усули бажарилади.

Болдирининг орқа юзасида сиқишиш. Массаж қилинадиган оёқ ёстиқ устида ёки күшетканинг кўтарилилган қисмida ётади. Массажчи қўлини Ахилл

пайининг ичкари қисмига кўндаланг қўйиб, товондан тизза бўғими томонига йўналтириб, 3–4 соҳа бўйлаб сиқиш ҳаракатларини бажаради.

Кўкрак қафасида сиқиш. Массаж олувчи бошини ёстиқ устига, қўлини қорин устига қўйиб чалқанчасига ётади. Массажчи массаж олувчининг бош томонига нисбатан ярим айланга ҳосил қилиб бурилган ҳолатда тик туради. Сиқиш ҳаракатлари 2–3 соҳа бўйлаб сут безининг юқори қисмидаги 2 марта, сут безининг пастки қисмидаги 1–2 марта кўлтиқ ости чуқурчали томонига йўналтирилган ҳолатда бажарилади.

Соннинг олдинги юзасидаги сиқиш. Массажчи қўл кафтини соннинг ички томонидаги тизза бўғими кўндаланг қўяди. Олдин соннинг ички томони, сўнгра ўрта ва ташки томони массаж қилинади (15-расм). Соннинг ўрта ва ташки томонидаги кўпроқ куч ишлатиб бажарилади. Ички томонидаги эса сиқиш усули анча майин ва енгилроқ бажарилади.



15-расм. Соннинг олдинги юзасини кўндаланг шаклида сиқиш



16-расм. Болдирилган ташки касини кўндаланг шаклида сиқиш

Болдирилган олдинги юзасида сиқиш. Массажчи ўтирган ёки тик гурган ҳолда бир қўлини тизза бўғими кўйиб, болдирилган озрсқ ичкари гомонга буради. Иккинчи қўли билан оёқ кафтидан тизза бўғим томонга 2–3

соҳа бўйлаб сиқиш ҳаракатлари бажарилади (16-расм). Оёқ кафтиниг устки юзасида бармоқлардан болдири-товоң бўғими томонига қараб сиқиш усули бажарилади.

Қўл кафтиниг қирраси билан сиқиш. Қўл кафти мәссаҷ ўтказаётган жойга жимжилоқ томонидаги қирраси билан кўндаланг қўйилади. Қўлниң тўрт бармоғи бўшашган, чўмич шаклида, озгина букилган ҳолда катта бармоқ кўрсаткич бармоқ устида бўлади (17-расм). Қўл кафтиниг қирраси билан сиқиш кўндаланг сиқиш усули каби бажарилади (18,19-расм).



17-расм. Кафтиниг қирраси билан сиқиша қафтинг ҳолати белгиланган қисми билан бажарилади




18-расм. Орқани қўл кафтиниг қирраси билан сиқиш

Бир қўл билан сиқиш. Массажнинг бу усули яқин қўл билан бажарилади. Қўл кафти катта бармоқ олдинга караган ва кўрсаткич бармоққа яқинлаштирилган ҳолатда мушак узунаси бўйлаб қўйилади. Катта бармоқчинг бу ҳолати кафтиниг ички юзасидаги катта бармоқ остидаги дўмбокчани янада бўрттиради. Сиқиш катта бармоқнинг дўмбоғи ва кафтиниг асоси билан бажарилади. Тўрт бармоқ жимжилоқ томонига қаратилган бўлиб, бўшашган ҳолда тери устидан суст сирғанади (20-расм).



19-расм. Болдирининг ташки юзасини кафт қирраси билан сиқиш



20-расм. Бир қўл билан сиқиша қафтинг ҳолати (белгиланган қисми билан бажарилади)

Орқа юзани сиқиши. Массажчи массаж олувчининг оёқ томонида турди. Яқин кўлнинг кафти умуртқа поғонаси бўйлаб бел қисмининг узун мушаклари устига кўйилади, сўнг тўғри чизик шаклида бош томонга йўналган ҳолда 4–5 соҳа бўйлаб массаж қилинади. Ҳаракатлар якунида кўл кафти қўлтиқ остигача боради.

Бўйин ва трапециясимон мушакларни сиқиши. Массажчи массаж олувчининг бош томонида туриб чап қўли билан бўйиннинг ўнг томонини, ўнг қўли билан бўйиннинг чап томонини соч ўса бошлаган жойдан умуртқа поғонаси бўйлаб трапециясимон мушаклар томон массаж қиласи. Ҳамма ҳаракатлар албатта елка бўғимигача етиши керак.

Бел қисмини сиқиши. Массажчи тик ҳолатда турди, икки кўл кафтини бир вақтда думғаза соҳасига кўяди ва бараварига юкорига вә пастга күшетка томонга қаратилиб сиқиши бажарилади.

Думба мушакларини сиқиши. Массаж думба ости бурмаси, думба мушакларининг ўрта ва юкори қисми бўйлаб чот қисмiga йўналтирилган ҳолда бажарилади.



21-расм. Соннинг орқа юзасини бир қўл билан сиқиши

Соннинг орқа юзасини сиқиши. Массаж олувчи қорни билан оёқ кафтларини ёстиқ устига кўйиб ётади. Массажчи массаж олувчининг оёқ кафтлари ёнида туриши керак. Яқин қўли билан массаж қилинаётган оёқнини тўпигидан ушлаб турди, узоқ қўли билан соннинг ички ва ўрта юзасида (21-расм) тизза бўғимида думбанинг пастки бурмаси томон массаж қиласи. Сўнгра массажчи кўлинин алмаштириб, бўш қўли билан думғаза соҳасини босиб турди ва яқин қўли билан соннинг ташки юзасини 2–3 соҳаларида массаж қиласи.

Болдирнинг орқа юзасини сиқиши. Массажчи массаж олувчинини оёқ кафтлари ёнида турди. Узоқ қўли билан болдир-товоң бўғимида ушлаган ҳолда оёқ озгина юкорига кўтарилади, яқин қўли билан оёқнини ички юзасини Ахилл пайидан тизза ости чуқурчаси томон 2–4 соҳа бўйлағ массаж қиласи, сўнгра кўллар алмашиниб, оёқнинг ташки юзаси 2–4 соҳа бўйлаб массаж қилинади (22-расм).



22-расм. Болдиринг орқа юзасини бир қўл билан сиқиш

Кўкрак қафасида сиқиш турини бажариш. Массаж олувчи чалқанчасига ётади. Массажчи массаж олувчининг юзига юзини қаратиб туради, узок қўли билан массаж олувчининг узок қўлини кафтидан ушлаб, күшеткадан 2–3 см юқорига кўтаради (кўкрак қафаси мушакларини бўшаштириш мақсадида). Яқин қўли билан тўш суягидан қўлтиқ ости чуқурчасига йўналган ҳолда массаж қилинади. Аёлларда бу усул сут бези юкорисида икки марта (23-расм) ва пастида уч марта сиқиш бажарилади.



23-расм. Кўкрак мушакларини бир қўл билан сиқиш

Соннинг олд юзасини сиқиш. Массаж олувчининг оёғи мас- сажчининг сонида туради. Массажчи узок қўли билан массаж олувчининг оёғини тизза бўғими остидан ушлаб туриб, ташқи томонга озгина бурайди, яқин қўли билан соннинг ички юзасини 2–3 соҳа бўйлаб массаж қиласади (24-расм).

Болдиринг ташқи юзасини сиқиш. Массаж олувчи чалқанчасига ётади. Массаж олувчининг оёғи тос-сон ва тизза бўғимларида букилган ҳолатда товони күшеткага тегиб туради. Оёқ кафтининг юқори қисми ўтирган ҳолатдаги массажчининг сонига тиради (25-расм). Массажчи яқин қўлини массаж олувчининг тиззасига қўйиб, узок қўли билан болдиринг

ташқи томонида оёқ кафтидан тизза бўғими томонига йўналган ҳолда 2–3 соҳа бўйлаб массаж қиласди. Бунда катта бармоқ катта болдир мушаги бўйлаб ҳаракатлантирилади, тўртта бармоқ эса камбаласимон мушаклар устидан суст сирғанади.



24-расм. Соннинг олдинги юзасини бир ёки икки қўл билан сиқиш



25-расм. Болдирнинг ташқи юзасини бир қўл билан сиқиш

Икки қўл билан сиқиш. Бу услубда массажчининг қўл кафти худди бир қўл билан сиқиш каби қўйилади, иккинчи қўл эса үнинг устига қўйилиб сиқиш таъсиротини кучайтиради. Массаж қилаётган қўл кафтининг ташқи юзасига иккинчи қўл кафти кўндаланг қўйилади (26-расм).



26-расм. Соннинг орқа юзасини икки қўл билан сиқиш

Орқа мушакларини сиқиш. Массажчи ва массаж олувчининг ҳолатлари бир қўл билан сиқиш муолажасиники каби. Массаж қилаётган қўлнинг бош бармоқ дўмбоғи устига иккинчи қўлнинг кафт қирраси қўйилади. Қўллар бел соҳасида умуртқа поғонасининг ёнида үзун мушаклар устига қўйилади. Белдан юқори томонга 4–5 соҳа бўйлаб йўналтирилган ҳолатда массаж қилинади.

Бўйинни ва трапециясимон мушакларини сиқиш. Массажчи сиқишнинг бу турини массаж олувчининг бош томонида ٹик турган ҳолатда бажаради. Бошнинг энса қисми соч ўсган жойидан пастга, елка бўғимига йўналган ҳолатда 3–4 соҳа бўйлаб массаж қилинади.

Дүмба мушақларини сиқиши. Бу үсул бир құл билан ўтказиладиган массаж каби бажарилади. Иккичи құл массаж қилаёттан құл үстига қўйилса сиқиши таъсироти ортади.

Соннинг орқа юзасини сиқиши. Массажчи массаж олувчининг оёқ томонидаги туради. Массажчининг узоқ құли соннинг ички юзасига тизза бўғими ёнига қўйилади, яқин құл бош, кўрсат-кич, ўрта бармоқлар ёстиқчалари билан массаж қилаётган қўлнинг бош бармоқ дўмбоқчаси үстига кўндаланг қўйилади. Бу ҳара-кат тизза бўғимидан чотта йўналған ҳолда бажарилади (26-расм). Бу үсул соннинг ўрта қисмида, массаж қилаётган қўлнинг бош бармоқ дўмбоғи үстига иккинчи қўлни жимжилоқ томонидаги қирраси билан қўйган ҳолда ўтказилади. Сўнгра қўлларнинг ҳолати ўзгариб муолажа давом етади.

Болдирилган орқа юзасини сиқиши. Камбаласимон мушакларда ўтказиладиган сиқишининг бу тури худди соннинг орқа юзасида ўтказиладиган тарзда бажарилади (26-расмга қаранг).

Кўкрак қафасида сиқиши усули. Массаж олувчи чалқанчасига ётади. Икки құл билан сиқиши усули бир қўл, билан сиқиши усули каби бажарилади. Бунда иккинчи қўлнинг учта бармоқлари массаж қилаётган қўлнинг бош бармоқ дўмбоқчаси үстига кўндаланг ҳолда қўйилади.

Соннинг олдинги юзасини сиқиши. Бу сиқиши усули бир құл билан сиқиши усули каби бажарилади. Ҳар бир құл ўз томонидан ҳаракат бажаради: яқин құл соннинг ички юзасини 3–4 марта (узоқ құл яқин қўлнинг үстида туради) ва аксинча (24-расмга қаранг).

Болдирилган олдинги юзасини сиқиши. Массаж олувчи чалқанча, оёғи озгина ташқарига сурилган ҳолатда ётади. Товони күшеткадан осилиб туради. Массаж олувчининг оёғи массажчининг сонига (чап оёғи чап сонга ва аксинча) тиради турган ҳолда салгина ичкарига бурилади. Узоқдаги қўл массаж қилувчи қўлнинг бош бармоқ дўмбоғига кўндаланг ҳолда бўлади. Бунда катта бармоқ катта болдири мушаклари бўйлаб йўналади (болдирилган ички томонида), тўртта бармоқ эса катта болдири суюги үстидан суст сирғанади.

Икки кафт асоси билан сиқиши. Бу үсул кўпинча құл ва оёқларда ўтказилади. Кафтлар олдинма-кейин қўйилиб, биринчиси озгина юқорироқ, иккинчиси эса ундан пастроқда бўлиши лозим. Ҳар бир ҳаракат қўллар ҳолатини алмаштириб-алмаштириб бажарилади. Бу үсул ҳаммомларда совун ёки ҳар хил суртмалар билан ўтказилса яхши натижалар беради.

Икки қўл билан ушлаб (кафтлар орасига олиб) сиқиши. Бу үсул фақат қўлнинг елка қисмида ва оёқнинг болдири қисмида ўтказилади. Массажчининг қўли массаж қилинаётган соҳани икки қўл кафти орасига олади. Бунда ҳар бир қўлнинг бармоқлари бир-бирига тегиб туриши лозим. Сиқиши ҳаракатлари доимо массаж қилинаётган жойнинг пастки қисмидан бошланиб, юқори томонга йўналған ҳолатда бажарилади.

Иккى қўл билан ушлаб (кафтлар орасига олиб) сиқиш. Бу усул фақат қўлнинг елка қисмida ва оёқнинг болдиr қисмida ўтказилади. Бунда ҳар бир қўлнинг бармоқлари бир-бирига тегиб туриши лозим. Сиқиш ҳаракатлари доимо массаж қилинаётган жойнинг пастки қисмидан бошланиб, юқори томонга йўналган ҳолатда бажарилади (27-расм). Бу усулда ҳам ҳаммомлардан фойдаланиш яхши натижা беради.



27-расм. Болдиrни иккى қўл кафти орасига олиб сиқиш

Катта бармоқ ёстиқчаси билан сиқиш. Бу сиқиш кучли ўзига хос таъсир кўрсатади. Бу усул таннанинг ҳар бир қисмida қўлланилиб, айниқса орқа ўзун мушакларни массаж қилиш анча самаралидир. Бу усул вактида бош бармоқ букилмасдан массаж қилинаётган жойга 45° ли бурчак остида катта бармоқ ёстиқчаси билан сиқиш сепсанда 1–2 см оралиқ бўлиши лозим.

Уқалаш усули

Уқалаш асосий усул бўлиб, мушаклар тизими ва, айниқса, чукур жойлашган мушакларни массаж қилишда қўлланилади. Масалан, спорт массажида умумий массаж вактининг 60 % уқалаш усулига ажратилади. Спорт массажининг тикланиш туррида эса 80 % гача бақт ишқалашга ажратилади. Уқалаш таъсирида пайларнинг еластиклиги ошади, қисқарган мушак пардалари чўзилиб тортилади, тўқималарда қон, лимфа оқими яхшиланади. Бунинг оқибатида патологик жараёнлар тезда йўқолиб кетади.

Уқалаш тўқималарнинг озиқланишини яхшилади, модда ал-манинишини, чиқинди маҳсулотларнинг чиқарилишини кучайтиради, ҷарчашни йўқотади, мушакларнинг қисқариш хусусиятларини, бўғимларнинг ҳаракатини, пайларнинг чўзилувчанлигини оширади.


Уқалаш усули марказий нерв тизимига қўзгатувчи таъсир етиб, организмни тетиклаштиради. Уқалаш туфайли нафас олиш енгиллашади, юракнинг уриши тезлашади, тана ҳарорати кўтарилади. Умумий жиҳатдан бу таъсир худди суст гимнастикаси таъсирига ўхшашдир. Шунинг учун уқалаш усулларига катта аҳамият берилади.

Уқалаш усулининг турлари

Уқалашнинг барча турлари механик таъсирига кўра икки гурухга бўлиниади.

Суяқдан ажратиб бўладиган мушакларда кафт ёки кафтлар билан бажариладиган уқалаш — биринчи гурухни ташкил етади. Бу гурухга кирадиган оддий уқалаш, қўл устига қўлни қўйиб уқалаш, иккита қўл билан ҳалқасимон шаклда уқалаш ва икки қўл билан оддий уқалаш турлари амалда кўп ишлатилади.

Суяқдан ажратиб бўлмайдиган мушакларда суякларга босиб, ўз жойида ҳар томонга қўзғатиб бажариладиган ҳаракатлар уқалашнинг иккинчи гурухини ташкил етади. Бу гурухга киравчи узунасига уқалаш, бир қўл билан, икки қўл билан уқалаш, чимчилаш шаклида уқалаш, тўрт бармоқ ёстиқчаси билан, букилган бармоқларнинг фаланглари билан, кафт асоси билан доира шаклида, икки кафт асослари билан уқалашлар амалда кўп ишлатади. Оддий уқалаш — бу усулга ҳамма массаж турларида катта аҳамият берилади. Оддий уқалаш тури кафтнинг ички юзаси билан тўрт бармоқ ёстиқчалари иштирокисиз, олдинга интилган ҳолда бажарилади (28-расм).



28-расм. Оддий уқалаш (кафтнинг бештаган қисми билан бажарилади)

Оддий уқалаш техникаси бешта сиклдан иборат: катта бармоқ хаддан ташқари узоклаштирилиб кафт мушакка кўндаланг ҳолда қўйилади, ёзилган бармоқлар билан мушаклар кўндалангига зич ушланиб, тўрт бармоқлар билан катта бармоқ томонига бироз яқинлаштириб кўтарилади, мушаклар айлана шаклидаги ҳаракатлар воситасида йордан бўрича жимжилок томонга силжитилади, бармоқларни ёзмасдан (мушак кафт орасида бўлиши лозим) кафт мушак билан биргаликда аввалги ҳолатга қайтади, ҳаракатнинг охирида бармоқлар мушакни қўйиб юборади (кафт эса мушакка зич жойлашган ҳолда қолади), кафт олдинга 3-4 см сурилиб мушакни янги соҳада биринчи сиклда тақфорлай бошлайди. Ушбу сиклик ҳаракатлар узлуксиз бажарилади.

Ҳаракатларни бир текисда, оғримасдан, силтамасдан бажариш лозим. Оддий үқалаш тuri орқанинг сербар мушакларида, қориннинг қийшиқ мушакларида, елка, думба мушакларида, билакнинг ички юзасидаги мушаклarda бажарилади.

Бу усул куч ишлатмасдан, юзаки ҳолда олиб борилади, кўпинчә узоқ давом етган касалликдан тургандан сўнг, мушакларда ҳар. хил оғриқлар пайдо бўлганда ҳам ишлатилади.



29-расм. Орқанинг энг сербар мушакларини оддий үқалаш

Орқа юзасини үқалаш. Массаж оловчи қорни билан бошини яқин кўлнинг кафти устига кўйиб, узоқ кўлини тана бўйлаб чўзиб ётади. Массажчи кўлини қориннинг қия мушакларига, тос ёнбош суюгининг қирраси ёнига кўяди. Бу ҳолда кафтнинг тўртта бармоғи кушеткага тегиб туради, катта бармоқ имкон борича узоқлаштирилган (юқорига қараган) бўлади. Ҳаракатлар тос қисмидан қўлтиқ ости чуқурчаси томон йўналтириб, 4-5 марта такрорланиб бажарилади. Бунда катта бармоқ делтасимон мушаккacha, тўртта бармоқ қўлтиқ ости чуқурчасига-ча йетиши лозим. Орқанинг сербар мушагини үқалашда кўл ҳаракати курак остида тугайди (29-расм).

Курак остини үқалаш. Бунинг учун бўш кўл кафтнинг ички юзаси юқорига қаратилган ҳолда массаж оловчининг елка бўғими остига қўйилади. Массаж бажарадиган кўл ёнбош суюгининг қиррасига орқанинг сербар мушаги билан орқанинг узун мушаги орасига кўйилади. Массаж бажарадиган кўл ҳаракати куракка йетиши билан бўш кўл орқали курақнинг елка бўғимидан юқорига кўтарилади ва массаж бажарадиган қўлнинг устига куракни суради.

Икки-уч марта-үқалаш усулини бажаргандан сўнг, курак пастга туширилиб, үқалаш ҳаракати қўлтиқ ости чуқурчасига йўналтириб бажарилади.

Бўйин ва трапециясимон мушакларда үқалаш усулини ўтказиш. Массаж оловчининг боши, кўл бармоқлари бир-бириннинг орасига киритилган, кафтлар устига кўйилади ва енгак кўкракка бироз тегиб туради. Массажчи массаж оловчига нисбатан кўндаланг ҳолда туриб, қўлининг тўрт бармоғи олдинга қараган, катта бармоқ орқага узоқлаштирадиган ҳолда

бошнинг сочли қисмига кўндаланг қўяди. Умуртқа поғонаси ёки ён томонда жойлашган мушакларни қўл орасига олиб, юқоридан — пастга кафт орасида уқалайди. Сўнгра қўл дастлабки ҳолатга қайтиб, уқалаш ҳаракатлари пастга ва ён томонга трапециясимон мушакларнинг юқори қисмлари бўйлаб ва елка бўғимигача йўналтирилган ҳолда ўтказилади.

Қўлини уқалаш. Бир қўлда тана бўлиб кафт юқорига қаратилган ҳолатда туради. Массажчи массаж оловчига нисбатан перпендикулар ҳолатда тик туриб ёки ўтириб кафтни тирсак бўғими ёнига қўяди. Елканинг икки ва уч бошлиқ мушакларини кафт орасига олиб, қўлтиқ ости чуқурчаси томонга йўналтириб уқаланади.



30-расм. Елканинг ташқи юзасини оддий уқалаш

Агарда елка мушаклар катта бўлса, олдин икки бошлиқ мушак, кейин уч бошлиқ уқаланади. Сўнгра массажчи мушакларини кафтдан тирсак бўғими томонга йўналтириб уқаланади. Елканинг ташқари томонини уқалаш учун массаж оловчининг қўли олдинга, бош томонга ўтказилади. Массаж оловчининг орқасига массажчи орқаси билан ярим букилган ҳолда туради. Бу ҳолда уч бошлиқ ва делтасимон мушаклар уқаланади (30-расм).

Думба мушакларини уқалаш. Массажчи қўлини думба мушакларининг пастига, думба бурмалари ёнига қўяди. Уқалаш ички, ўрта, ташки соҳа бўйлаб чот лимфа түгунлари томон йўналтирилиб бажарилади.

Соннинг орқа юзасини уқалаш. Массажчи тик ёки ўтирган ҳолда массаж оловчининг сони ички томонига, тизза бўғими ёнига қўл бармоқларини қўяди. Тана қимирламаслиги учун иккинчи қўлини тос қисмига қўяди. Ёзилган бармоқлар билан мушакларни ушлаб думба томонга қаратилиб уқаланади, сўнгра соннинг ўрта ва ташки томонларида бу усул тақрорланади. Агарда мушаклар массаси катта бўлса, оддий уқалаш уч-тўрт соҳа бўйлаб ўтказилади.

Болдирнинг орқа юзасини уқалаш. Бу усул икки ҳолатда ўтказилади: массаж оловчининг болдир ёнида массажчи тик туради. Узоқ қўли билан болдир $45-90^0$ бурчак остида егилади, яқин қўли билан товонда тизза бўғим чуқурчасига томон мушак уқаланади (31-расм), массаж оловчи

чалқанчасига ётади, оёғи тизза бўғимида букилади. Оёқ кафти қушетка устида ўтирган массажчининг сони тагида туради. Бундай ҳолатда камбаласимон мушакларнинг бўшаширилишига имконият яратилади. Массажчи яқин қўли билан массаж олувчининг тиззаси устидан босиб туриб узоқ қўли билан болдирилганг орқа юзасида мушакларни 2–3 марта уқалайди, сўнгра қўллар ҳолати алмаштирилиб, болдирилганг бошқа қисмлари уқаланади.



31-расм. Болдирилганг орқа юзасини оддий уқалаш

Кўкрак мушакларини уқалаш. Массаж олувчи боши остига ёстик кўйиб, чалқанчасига ётади. Массажчи унга нисбатан кўнда-ланг туради. Массажчи яқин қўли билан массаж олувчининг узоқ қўлини қушеткадан 1–2 см.га кўтариб 2–3 соҳа бўйлаб бўш қўли билан кўкрак мушакларини уқалайди.

Қорин мушакларини уқалаш. Массаж олувчи оёқларини тизза ва гоc-сон бўғимидан букиб чалқанчасига ётади. Массажчи қўлини массаж олувчининг тўш сўягини ханжарсимон ўсимтаси ёнига кўйиб, пастга қов сўяигига йўналтирилган ҳолда оддий уқалаш усулини бажаради, сўнг бошқа շўлини қориннинг қия мушаклари устига қўйиб юқорига, орқанинг сербар мушаклари томон йўналган ҳолда уқалайди.



32-расм. Соннинг олди юзасини оддий уқалаш

Соннинг олдинги юзасини уқалаш. Массажчи узоқ қўли билан массаж олувчининг тиззаси остига қўйини қўйиб, сонни ташки томонга озгина буради, яқин қўли билан тизза бўғимидан бошлаб чот соҳасигача соннинг ички қисмини уқалайди (32-расм). Соннинг ўрта соҳаси ҳам шу қўл билан уқаланади. Сўнгра қўлларнинг ҳолатини ўзгартириб, узоқ қўли билан соннинг ташки томончи ён бош суюкнинг олдинги қирраси юқорисига йўналган ҳолда уқаланади.

Икки қўл билан оддий уқалаш (қўл устига қўлни қўйиб уқалаш). Бу чуқур таъсир етадиган усулдир. Катта ва кучли ривожланган мушакларни уқалаш оддий уқалаш каби бажарилади (33-расм). Масалан, соннинг олдинги юзасида бу усул соҳа бўйлаб (ички, ўрта, ташки) ўтказилади. Бу усулни бажариш техникаси оддий уқалаш каби ўтказилади, аммо массажнинг таъсирини ошириш мақсадида иккинчи қўл уқалашни бажараётган қўлнинг устига қўйилади.




33-расм. Орқанинг мушакларини қўлни қўл устига қўйиб уқалаш

Икки қўл билан доира шаклида уқалаш. Ҳамма массаж турларида бу усул кенг қўлланилади. Бу усулни ясси мушаклардан ташқари барча мушакларни уқалашда қўллаш мумкин. Таранг ҳолда бўлган мушаклар бу усул ёрдамида яхши бўшаштирилади.

Уқалашга ажратилган вақтнинг 60% шу усулга бағишлиданади. Икки қўл билан доира шаклида уқалашнинг техникаси қуйидагича: массажчи массаж олувчига нисбатан кўндаланг ўтирган ёки тик турган ҳолатда бўлади. Қўллар, тўрт бармоқлари бир томонга, бош бармоқлари қарама-қарши томонга қаратилиб, массаж ўтказиладиган соҳага кўндаланг қўйилади. Бунда букилган тирсаклар бир-биридан бироз узоқлашган бўлади. Икки қўл билан мушакни зич ушлаб (бармоқлар албатта ёзилган ҳолда бўлиши шарт) кафтлар орасида мушакларни ёзиб, озгина юқорига кўтариб, бир қўл билан ўзидан жимжилоқ томонга (чап қўл, чап томонга), иккинчи қўл билан ўзига катта бармоқ томонга босиб силжитилади. Сўнгра мушакларни қўллардан чиқармасдан, шу ҳаракатлар тескари томонга бажарилади. Худди мушакни бир

қўлдан иккинчи қўлга узатилаётгандек. Бу ҳолда мушак «О» ҳарфи шаклида силжитилади.

Икки қўл билан доира шаклида уқалаш бир текисда оғритмасдан, силтамасдан бажарилади. Массаж жараёнида массаж олувчининг мушаклари таранглашуви ёки терисининг кўкариши уқалашнинг нотўри ўтказилганлигидан дарак беради.



34-расм. Орқа мушакларини уқалаш

Орқа мушакларини уқалаш. Массажчи ва массаж олувчининг ҳолатлари оддий уқалашдаги каби бўлади.

Массажчи қўлларини тоҳ ёнбош сўягини қирраси ёнига қориннинг қия мушакларига зич қўяди. Ҳаракатлар қўлтиқ ости чуқурчасига йетгунча давом етади.

Мушакларни зич ушлаб озгина юқорига кўтариб силжитади, бунда бир қўл қўлтиқ ости чуқурчаси томонига жимжилоқ томони билан, иккинчи қўл эса бош бармоқ томонига йўналган ҳолда ҳаракатлантириб уқаланади (34-расм).


Уқалаётган қўлнинг ҳаракати жимжилоқ томони билан қўлтиқ остига етганида қўл олинади, иккинчи қўл эса ҳаракатни оддий уқалаш усулида тутатади.

Бўйинда ва трапециясимон мушакда уқалаш. Икки қўл билан доира шаклда уқалаш ҳам оддий уқалаш каби бажарилади. Орқада эргашиб келадиган кафт ҳаракатни елка бўғими устида давом еттиради.

Қўлни уқалаш. Бу уқалаш усули оддий уқалаш каби (30-расмда кўрсатилган тарзда) бажарилади.

Думба мушакларини уқалашда ҳаракатлар 2–3 соҳа бўйлаб чот лимфа тугунчалари томонига йўналтирилган ҳолда бажарилади.

Соннинг орқа юзасини уқалаш. Оддий уқалаш усули бажариладиган ҳолатда ўтказилади. Жимжилоқ томони билан ҳаракатланадиган қўл, думба соҳасига этиши биланоқ ҳаракат тутатилади, уқалаш ҳаракатини эргашиб келаётган қўл охирига етказади.



35-расм. Болдиринг орқа юзасини үқалаш

Болдиринг орқа юзасини үқалаш. Бу усул юқорида кўрсатилган ҳолатларда ўтказилади. Жимжилок томони билан ҳаракатланадиган қўл тиззә ости чуқурчасига йетиши билан қўл кўтарилидади, үқалашни орқадаги ергашиб келаётган қўл тугатади (35-расм). Агарда камбаласимон мушаклар катта бўлса, бунда олдин болдиринг ички томони, сўнгра ташқи томони үқаланади.

Кўкрак мушакларини үқалаш. Бу усул икки-уч соҳа бўйлаб қўлтиқ ости чуқурчасига йўналтирилган ҳолда бажарилади (36-расм).

Қорин мушакларини үқалаш. Массаж олувчи оёқларини тизза бўғимида букиб, чалқанча ётади, қўллари эса тана бўйлаб ёки кўкрак қафаси устида ётади. Массажчи қўлларини қориннинг тўғри мушакларига кўндаланг — бир қўлини қовурға ёйи устига, иккинчи қўлини озгинча пастроқка қўяди. Мушакларни кафтлар орасида ушлаб, юқоридан — пастга қов суюгига йўналтириб үқаланади, орқадаги эргашган қўл ҳаракатни тугатади (37-расм).



36-расм. Кўкрак мушакларини икки қўл билан айланба шаклида үқалаш



37-расм. Қорин мушакларини үқалаш

Сўнгра қўлларни қориннинг қия мушаклари устига қўйилади, тос суюгининг қиррасидан қўлтиқ ости чуқурчасига йўналтириб тананинг ён

массаж олувчи чап томони билан ёнбошлаб оёкларини букиб ётган ҳолда ҳам бажарилиши мүмкін. Бу ҳолда массажчи массаж блувчининг орқа томонида туриб, қориннинг тұғри мушакларини ханжарсимон үсімтадан пастга, қов соҳасига йұналған ҳолда үқалайды. Қориннинг қия мушаклари пастдан юкорига йұналтириб үқаланади (38-расм). Соннинг олдинги юзасида икки қўл билан доира шаклида үқалаш үсули орқа юзасидаги үқалаш каби бажарилади.



38-расм. Тәннанинг ён томонини үқалаш

Икки қўл билан оддий үқалаш. Бу усул факат сонда ва елкада бажарилади. Бу усул ёрдамида бир вақтнинг ўзида соннинг (елканинг) олдинги ва орқа юзаси мушаклари баробар үқаланиши мүмкін. Үқалашнинг бу түрини давомийлиги бошқа үсулларга нисбатан икки баробар кўп бўлгандагина яхши натижага эришилади.

Соннинг мушакларини үқалаш. Массаж олувчи чалқанчасига ётади, массажчи үзининг яқин тиззасини массаж олувчининг болдири-товоң бўғими қисмида күшеткага қўяди. Массаж олувчининг оёғи 45° бурчак остида кўтарилган ҳолда ташқи томонга озгина бўрилган бўлиб, массажчининг чот соҳасида товоң пайини теккизиб ётади.

Массажчи массаж олувчининг сонига тизза бўғими юқорисига яқин қўлини соннинг орқа юзасига, узок қўлини соннинг олдинги юзасига қўяди, ҳар бир қўл мушакларни кетма-кет силжитиб юқорига, жимжилоқ томонига, хотга йұналтириб үқалаш үсулини бажаради (39-расм).

Елка мушакларини үқалаш. Массаж олувчи қорни билан ётади, боши бўш қўли кафтнинг орқа юзаси устида бўлади. Массажчи массаж олувчининг елка бўғими ёнида кўндаланг туради.



39-расм. Сонни икки құл билан оддий үқалаш

Массаж олувчининг ён томонига ёзилган, массаж қилинадиган қүлини билак ва кафт соҳасидан, массажчи иккала сон орасида ушлаб туради. Массажчи икки кафтини тирсак бўғимига қўйиб, бир қўли билан елканинг икки бошли, иккинчи қўли билан эса елканинг уч бошли ва делтасимон мушакларини үқалайди.

Бир қўл билан үқалаш. Бу усул фақат қуруқ массаж ўтказганда, майда мушакларда қўлланилади. Бу усулни фақатгина кафтнинг кучли ва чидамли бosh бармоқларигина бажара олади. Массажчи кўндаланг туради. Кафтнинг бosh бармоғи массаж қилинаётган соҳа бўйлаб, тўрт бармоқ эса бosh бармоқдан озгина узоқлашган ҳолда қўйилади (диагонал). Тўрт бармоқ бўшашибган ҳолатда мушаклар устида суст ҳаракат қилади. Бosh бармоқнинг ёстиқчаси билан мушакни бир вақтда босиб, ёзиб, тўрт бармоқ томонга доиравий ҳаракатлар шаклида силжитамиз. Сўнгра, бosh бармоқни мушак билан биргаликда дастлабки ҳолатига қайтарамиз. Бармоқнинг босиш кучи камайтирилиб, бармоқ бироз кўтарилади, аммо бармоқ массаж қилинаётган жойдан ажратилмайди. Бармоқ ўз ўрнидан 2–4 см олдинга сурилиб таърифланган ҳаракатлар яна тақрорланади.

Орқа мушакларни үқалаш. Массаж олувчи узоқ қўли билан тана бўйлаб ёзилган ҳолида, яқин қўлиниң ташқи юзасига бошини қўйиб қорни билан ётади. Массажчи яқин қўл кафтини массаж олувчининг бел қисмига қўяди. Бунда бosh бармоқнинг ёстиқчаси үмуртқа поғонаси бўйлаб орқанинг тўғри мушаклари устига, бармоқлар эса бироз ёнга узатилган ҳолда қўйилади. Бу доиравий ҳаракатлар бел қисмидан юқорига, бўйин томонга қўл күшеткага теккунча бир неча марта тақрорланади, ҳаракатларнинг сони орқанинг узунлигига боғлиқ, таҳминан 9–12 марта (40-расм).



40-расм. Орқанинг узун мушакларини бир қўл билан уқалаш

Бўйин ва трапециясимон мушакларни уқалаш. Массаж олувчи корнига, қовуштирилган кафтларнинг ташки юзасига бошини қўйиб ётади. Массажчи массаж олувчининг бош томонида турари ва ўнг қўли билан массаж олувчи бўйинининг чап томонини, чап қўли билан ўнг томонини трапециясимон мушак томонига пастга ва елка бўғим томонга йўналтириб уқалайди.

Думба мушакларини уқалаш. Массаж олувчи қорни билан ётади. Узоқ думба мушакларини массажчи яқин қўлининг катта бармоғи билан уқалайди. Думбанинг пастки бўрмасидан юқорига ва ёнга чот соҳасига учтўрт йўлланма бўйлаб уқаланади.

Соннинг орқа юзасини уқалаш. Массаж олувчи қорни билан ётади, болдири ёстиқнинг устига қўйилади. Массажчи массаж олувчининг болдири ёнига туриб, яқин қўли билан товоң пайини ушлайди. Узоқ қўлининг катта бармоқ ёстиқчаси билан тизза бўғимидан думба мушаклари томонига қараб соннинг ички, ўрта юзасини 4–6 марта уқалайди. Сўнгра узоқ қўлини думба мушакларининг устига қўйиб, яқини билан соннинг ташки томонини икки-уч йўналишда уқалайди.

Болдирнинг орқа юзасини уқалаш. Массажчи массаж олувчининг болдири ёнида турари, узоқ қўли билан яқин болдирни товоң-болдир бўғимидан ушлаб бироз кўтаради. Яқин қўл билан товоң соҳасидан бошлаб тизза чуқурчаси томон уч-тўрт йўналишда болдирнинг ички юзаси уқаланади. Сўнгра яқин қўл билан болдирни ушлаб туриб, узоқ қўли билан болдирнинг ташки соҳасини уч-тўрт йўналишда уқалайди.

Оёқ тагини уқалаш. Массажчи массаж олувчининг болдири ёнида турари, узоқ қўли билан товоңнинг ташки юзасидан ушлаб, яқин болдирни бироз кўтариб турари, яқин қўли билан товоңдан оёқ бармоқлари томонига 4–5 йўналишда уқаланади.

Кўкрак мушакларини уқалаш. Бу үсул массаж олувчи чалқанча ётган ҳолатида ўтказилади. Массажчи узоқ қўли билан массаж олувчининг қўл кафтида ушлаб турари, яқин қўл билан кўкрак юқорисида икки марта, ундан пастда уч марта қўлтиқ ости чуқурчаси томонга йўналтириб уқалайди.


Құлни үқалаш. Құлни қайси ҳолатларда силаған бұлсак, ұнды шундай ҳолатда үқалаш түри бажарилади (3-расм).

Соннинг олдинги юзасини үқалаш. Массаж олувчи оғеини масажчининг сонига құяды. Массажчи соннинг ички томонини яқын құли билан, ташки томонини узоқ құли билан 3—4 йұналишда үқалайды, ҳаракатлар тизза бўғимидан юқори томонга қаратилган бўлади.

Болдирнинг олдинги юзасини үқалаш. Массаж олувчи чалқанча ётади, оёқ тизза бўғимидан букилган, товон күшеткага тегиб, бармоқлари ўтирган массажчининг сонига тиралиб туради. Массажчи узоқ құлини тиззаси устига қўйиб, яқын қўлининг катта бармоғи билан катта болдирип мушагини аста-секин юқорига йўналган ҳолатда үқалайди.

Икки қўл билан үқалаш. Икки қўл билан үқалашни бажариш техникаси бир қўл билан үқаланишникига ўхшаш, методикаси эса (дастлабки ҳолатлари, қўлни алмаштириш тартиблари, таъсир кучини ошириш шакллари) икки қўл билан сикиш усулинигиغا ўхшаб бажарилади.

Үқалашнинг бу түри бош бармоқнинг таъсирини иккинчи қўл ёрдамидан кучайтирилиши билан, бир қўл билан үқалашдан фарқланади. Үқалаш таъсироти бош бармоқнинг тирноқ фалангасига иккинчи кафтнинг қирраси ёки тўрт бармоқни кўндаланг қўйиш билан кучайтирилади. Бунда иккинчил қўл бош бармоқнинг босиш кучини оширишдан ташқари бош бармоқнинг тўрт бармоқ томонига айланиб яқинлашишига ҳам ёрдам бериши мумкин.



41-расм. Орқанинг узун мушакларини икки қўл билан үқалаш

Бош бармоқлар билан узунасига үқалаш. Бу үсул узун мушакларда, бўйига йўналган ҳолда, икки қўлнинг бош бармоқлари билан бажарилади. Массажчи узунасига туриб бош бармоқлари бир-бирiga тегиб турган, тўрт бармоқлари ён томонга қаратилганикки қўл кафтлари юзаларини массаж қилинадиган жойга қўяди. Ўнг қўлнинг бош бармоқ ёстиқчаси билан мушакни босиб езиб, ўнг томонга силжитилади, сўнgra шундай ҳаракат чаг томонга чап қўл бош бармоқ ёстиқчалари билан бажарилади. Бу вақтда ўн бош бармоқ дўира шаклида ҳаракатни тутатиб, дастлабки ҳолатига қайтаётib, юқорига 2—4 см га суриласди, дойраларнинг сони массаж

қилинаётган жойнинг узунлигига боғлиқ. Масалан, соңда ҳар бир бармоқ 7–9 марта доиравий уқалашни бажаради. Шундай қилиб, ҳар бир катта бармоқ кетма-кет олдинга сурилади, қолган бармоқлар эса мушакларни ён томондан тутиб туриб, бош бармоқлар учун сұянчик бўлиш билан биргаликда уқалаш таъсирини оширишга ёрдам беради (41-расм).

Қўлни уқалаш. Массаж оловчичи қорни билан ётади, пешонаси узоқ қўлининг кафти устида, юзи массажчига тескари ҳолатда бўлади. Массажчи қўлларини тирсак бўғими ёнига қўйиб, елканинг уч бошли ва икки бошли мушакларида, ҳар бирида икки йўналиш бўйлаб уқалашни бажаради. Бу уқалаш тури билакнинг ички юзасида бажарилади.

Соннинг орқа юзасини уқалаш. Массаж оловчичи оёқ кафтларини ёстиқ устига қўйиб қорнида ётади. Массажчи массаж оловчининг сони ички юзасига тизза бўғими ёнида икки қўлинни қўйиб, думбанинг остки бурмаси томон икки мартадан ички, ўрта ва ташқи юзаларини уқалайди.

Болдириларинг камбаласимон мушаклари ва соннинг олдинги юзаси мушаклари юқоридаги тартиб бўйича 3–4 йўналишда уқаланади.

Тўрт бармоқ ёстиқчалари билан уқалаш. Бу усул орқанинг ясси мушакларида, болдириларинг мушакларида, болдириларинг камбаласимон мушакларида, соннинг тўрт бошли мушакларида ва бошқаларда қўлланилади. Ясси мушаклар массажи вақтида тўртта бармоқ бир-бири билан зич бирикади, катта мушакларда эса бармоқлар бироз очилган ҳолда букилиб, массаж қилинадиган жойга бармоқларнинг учлари перпендикулар ҳолатда туради (42-расм). Бу усулнинг таъсир кучини ошириш мақсадида икки қўлдан фойдаланиш мумкин.



42-расм. Болдириларинг орқа юзасини тўрт бармоқ ёстиқчалари билан уқалаш

Букилган бармоқларнинг фаланглари билан уқалаш. Бу усул бармоқлар ўрта фалангларининг ташқи юзаси ёки ўрта фаланглар билан

тироқ фаланглары орасида бүғимлар ёрдамида бажарилади. Кафт бармоқлари бироз букилиб, мушт түгилади.

Мушакни сұякка босиб езіб, жимжилок томонига силжитиб массаж қилинади. Бунда катта бармоқ массаж қилинаётган жойга таяниб, кафтни маңқам тутиб туришга ва олдинга силжишига ёрдам беради. Бу усул ҳаддан ташқари дағал бўлиб, асосан, мушаклар ичкарисига чуқур таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланилади (43-расм). Уқалашнинг бу тuri қўлнинг устига қўлни қўйиб, таъсир кучини ошириш учун (44-расм) ҳамда икки қўл билан ҳам бажарилади.



43-расм. Орқа мушаклари бўкланган бармоқлар фаланглары билан доира шаклида уқалаш



44-расм. Орқа мушакларни қўлни устига қўлни қўйиб, бўкилган бармоқлар фаланглары билан доира шаклида уқалаш

Иккала қўлнинг бўкилган бармоқлари билан уқалаш усули ясси мушакларда, масалан, орқанинг мушакларида қўлланилади. Бунда кафтлар бир-биридан 2–3 см дан 5–8 см гача нари қўйилади. Ҳар иккала қўлнинг бўкилган бармоқ фаланглары ўз томонларига (ўнг қўл ўнгга, чап қўл чапга) қаратилиб, ҳаракатлар кетма-кет бажарилади.

Кафт асоси билан доира шаклида уқалаш. Бу усул катта мушакларда ва ясси мушаклarda қўлланилади. Бу усулни бир қўл билан, икки қўл билан ҳамда қўлнинг устига қўлни қўйиб бажариш мумкин. Массаж қилинаётган мушакнинг устига массажчининг кафти ички юзаси билан қўйилиб, жимжилок томонга доира шаклида силжитиб уқаланади (озгинча бўкилган бармоқлар олдинга йўналган ҳолда суст силжийди).

Бу усулни икки қўл билан бажариш техникаси юқорида кўрсатилган шакла бўлиб, ушбу усул кўпроқ ясси мушаклarda қўлланилади. Массаж ўнг қўлни ўнг томонга, чап қўлни чап томонга кетма-кет доира шаклида ҳаракатлантириб бир томонлама пастдан юқорига йўналгани ҳолда бажарилади. Кафтлар бир-биридан 4–7 см нари туриши керак.

Икки мушт қирралари билан уқалаш. Бу усул бир қўл билан ҳамда икки қўл билан бажарилади. Кўпинча катта ва кучли мушакларни массаж қилиш учун қўлланилади. Бармоқларни мушт қилиб бўкиб, мушт қирралари билан мушаклар уқаланади (45, 46-расм). Доиравий ҳаракатлар жимжилоқ томонга қаратишлиб бажарилади.



45-расм. Дүмба мушакларини мушт қирралари билан үқалаш



46-расм. Соннинг олди юзасини икки мушт қирралари билан үқалаш

Бу үсул икки мушт билан бажарилади, бир қўл билан иккинчи қўлнинг бош бармоғини ушлаш керак, чунки муштлар бир-бирдан ажралмаган ҳолда үқалаш кучини оширади. Бу үқалаш усулида муштларнинг доиравий ҳаракатлари гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга йўналтирилади. Масалан, сон мушакларини бу үсулда үқалашда олдин икки мушт ўнг томонга доира шаклида (тиззадан чотга), сўнгра эса чап томонга доира шаклида (тиззадан чотгача) бажарилади. Икки мушт қирраси билан үқалашни тўғри чизик бўйлаб, узуқ-узук (3–4 см) шаклда бажариш мумкин.

Ишқалаш үсүли

Массажнинг барча турларида ишқалаш кенг қўлланилади. Бу массаж тури бўғимларда, пайларда, бойламларда, нервларнинг чиқиш жойларида ва бошқа соҳаларда ўтказилади. Айрим ҳолатларда косметик мақсадда турли касалликларда ҳамда терини тезда қиздириш учун бажарилади. Ишқалаш бошқа массаж усуllibidan фарқ қиласи. Ишқалаш маҳаллий ҳароратни оширади, қон айланишини кучайтиради, тўқималарни қиздиради ва юмшатади.

Ишқалаш ёрдамида бўғим ва бойламларнинг ҳаракатчанлиги, егилувчанлиги, мустаҳкамлиги ва ишчанлиги ошади. Ишқалаш усули кундалик ҳаётимизда, спортда кенг қўлланилади.


Ишқалаш усули оғриқларни қолдириш хусусиятига эга. Массаж мақсадига биноан ва бўғимларнинг шаклига, пайларнинг жойланишига қараб ишқалаш ҳаракатлари қўлланилади. Бунда массажнинг ишқалаш үслубини бажариш вақтида массажчининг қўли тери устидан майин, юзаки сильжимаслиги лозим. Ишқалаш усуллари кўп ҳолларда тўғри чизиқли ва доиравий шаклда бажарилади.

Тўқималар орасига киришни йенгиллаштириш мақсадида ҳар хил суртмалар ва даво моддалари қўлланилмаслиги лозим. Айрим ҳолатларда аввал қуруқ массаж ўтказилиб, сўнgra турли мойлар, суртмалардан фойдаланиш мумкин. Ишқалаш усуллари силаш ва ҳаракатлар билан биргаликда ўтказилади.

Ишқалаш усулининг турлари

Массаж амалиётида куйидаги ишқалаш усуллари қўлланилади: «қисқич» шаклида, бармоқларнинг ёстиқчалари билан, катта бармоқ дўймбокчиаси билан, кафт қирраси билан, мушт қирраси билан бажариладиган ишқалаш. Ишқалаш тўғри чизик, спирал, доира ва узук-узук шаклида ўтказилиши мумкин. Бу ҳаракатлар бир қўл ёки икки қўл билан бажарилади.

«Қисқич» шаклида ишқалаш. Бу усул фақат бўғимлардагина ишлатилади. Бунда зич турган кафт бармоқлари бўғимларининг бир томонда, катта бармоқ эса бошқа томонида жойлашади. Бир хил пайтларда ишқалаш бармоқлар ёстиқчалари билангина (масалан, билак-кафт бўғимида), бошқа пайтларда эса кафт юзаси билан (масалан, тизза бўғимида) бажарилади. «Қисқич» шаклидаги ишқалаш тўғри чизик йўналишида бажарилади.



47-расм. Тизза бўғимининг орқа юзасини "қисқич" шаклида ишқалаш

Тизза бўғимининг орқа юзасини ишқалаш. Массажчи тизза бўғимини қўл билан ушлайди. Бунда кафт бармоклари бўғимнинг ички, катта бармоқ эса ташқи қисмига қўйилади (47-расм).

Кафт юқорига, сон томонига тўғри чизик шаклида йўналтирилиб, ҳар бир ҳаракат бўғимнинг ички юзаси томон, бир неча марта тақрорланиб ишқаланади. Сўнгра кафт ташқарига, катта бармоқ томонига аста-секин силжийди. Тизза остида массаж ўтказилмайди.

Товон (Ахилл) пайини ишқалаш. Массаж оловучи қорнида ётади. Массажчи товон томонида узоқдаги қўли билан болдирини $45\text{--}90^{\circ}$ бурчак остида кўтариб туради, яқин қўл билан товондан камбаласимон мушаклар томонига тўғри чизиқли ишқалаш усулини бажаради. Бунда кафт бармоклари ички томонда, катта бармоқ ташқи томонда жойлашган бўлади (48-расм).



48-расм. Товон (Ахилл) пайини "қисқич" шаклида ишқалаш

Тизза бўғимининг олди юзасини ишқалаш. Массаж оловучи чалқанчасига, болдири остига ёстиқ қўйиб ётади. Тизза бўғимнинг орқа юзасини ишқалаш каби бажарилади.



49-расм. Болдири-оёқ панжаси бўғимини ишқалаш


Болдир-оёқ панжаси бўғимини ишқалаш. Массаж олувчи чалқанча ётади. Ишқалаш бўғимнинг олди юзасидан (бўғимнинг оралиғи бўйлаб) Ахилл пайи кафт томонига йўналтириб бажарилади (49-расм). Кафт бармоқлари бўғимнинг ички тўпиқ остини, катта бармоқ бўғимнинг ташки тўпиқ остини ишқалайди.

Билак-кафт бўғимини ишқалаш. Массаж олувчи чалқанча ётади. Массажчи унинг тирсак бўғими ёнида туриб узоқ қўл билан массаж олувчининг кўлини кўтаради (тирсакни қушеткадан ажратмасдан), яқин кўлини катта бармоқларининг устига, тўрт бармоқларини пастга қўйиб бўғим оралиғи бўйлаб ишқалайди (50-расм). Бу усул гоҳ яқин, гоҳ узоқ қўллар билан бўғимнинг ташки юзасида бажарилади.




50-расм. Билак-кафт бўғимини ишқалаш

Тирсак бўғимини ишқалаш. Массаж олувчи чалқанча ҳолда, қўлини тирсак бўғимида 45–90° бурчак остида букиб ётади. Массажчи узоқ қўл билан массаж қилинаётган қўлни үшлаб туриб, яқин қўл билан тирсаи соҳасида тўрт бармоқлар ички томонга, катта бармоқ ташки томонга қўйил ган ҳолда уч-тўрт чизик бўйлаб ишқалаш үсулини бажаради (51-расм).



51-расм. Тирсак бўғимини “қисқич” шаклида ишқалаш



52-расм. Құл бармоқларини “қисқич” шаклида ишқалаш

Құл бармоқларини ишқалаш. Массаж олувчи құлларни тирсак бүғимида 45–90° бурчак остида букиб, кафтини пастга қаратиб чалқанча ётади.. Массажчи узоқ құли билан кафтини ушлаб, яқын құлининг күрсаткич ва учинчи бармоғи билан «қисқич» шаклида ишқалаш усулини үткәзәди (52-расм). Ишқалаш ҳаракатлари тирнокдан кафт томонға қараб бажарилади. Шунингдек, ҳар бир бармоқ ишқаланади. Оёқ бармоқлари ҳам құл бармоқлари каби ишқаланади.

Бармоқлар ёстиқчалари билан түғри чизик шаклида ишқалаш

Бу усул билан бүғимлар өттөн Ахилл пайи ишқаланади. Бүғимларнинг катта ва кичиқлигига қараб бармоқлар ёстиқчалари ёки ҳамма бармоқлар билан ишқалаш бажарилиши мүмкін. Масалан, Ахилл пайи бармоқлар ёстиқчалари билан ишқаланса, тизза бүғими ҳамма бармоқлар ёрдамида ишқаланади (53-расм).

Тизза бүғимининг орқа юзасини ишқалаш. Массаж олувчи қорни билан ётади. Массажчи ёзилган кафтининг катта бармоқларини ташки томонға, түрт бармоқларини ички томонға қаратиб тизза бүғимига құяди.



53-расм. Тизза бүғимининг орқа соҳасини ҳамма бармоқлар ёрдамида ишқалаш

Сўнг тўрт бармоқлари катта бармоқларга таянган ҳолда бўғимнинг ички юзасида сон суягининг ички дўнги ва катта болдири суягининг бошчаси соҳасида тўғри чизик шаклида ишқалаш усулини бир неча марта тақрорлаб бажаради. Кейин худди шундай ҳаракатлар сон суягининг ташки дўнги ва кичик болдири суягининг бошчаси соҳасида бажарилади.

Товон пайнини ишқалаш. Массаж олувчи қорни билан ётади.

Массажчи узоқ қўли билан тизза бўғимида букилган оёқни $45\text{--}90^{\circ}$ бўрчақда кўтариб (тиззани күшеткадан ажратмасдан), яқин қўл билан товондан юқорига, камбаласимон мушаклар томонига қараб пайнни ишқалайди.

Тизза бўғимнинг олд юзасини ишқалаш. Массаж олувчи орқаси билан чалқанчасига тизза бўғими остига ёстиқ қўйилган ҳолда ётади. Тизза бўғимнинг олд юзаси каби ишқаланади.

Доира ва спиралсимон шаклда тизза бўғимини ишқалаш усу-лида бармоқлар массаж ўтказилаётган жойга перпендикулар ҳолда қўйилиб бураб езиб, иккинчи жойга ўтиб ҳаракатларни яна тақрорлайди. Ҳаракатлар узлуксиз равишда спиралсимон ёки доиравий шаклда бажарилади. Ишқалаш таъсиrotини кучайтириш учун қўлни қўл устига қўйилади.



54-расм. Товон пайнинг олд юзасини тўғри чизик, спиралсимон шаклида ишқалаш

Тўрт бармоқнинг ёстиқчалари билан ишқалаш. Массаж мақсадига ва жойларига қараб уч, икки ва бир бармоқ билан бажарилиши мумкин. Масалан, бармоқлар бўғимларини битта бармоқ билан, умуртқанинг кўндаланг ўсимталарини эса иккинчи ва учинчи бармоқлар билан ўтказилади. Бу усуllар тўғри чизик, синик чизик, спиралсимон, доирасимон ва узук-узук шаклда бажарилиши мумкин. Бу усул турлари (илон изи усулидан ташқари) икки қўл билан (қўл ва бармоқлар қўл устига қўйилиб) бажарилиши мумкин (54-расм). Тўрт бармоқ билан ишқалаш кучли усуг хисобланади ва мураккаб бўғимларни ишқалашда ишлатилади.



55-расм. Белни тўрт бармоқ ёстиқчалари билан ишқалаш



56-расм. Белни ишқалаш

Белни ишқалаш. Массаж олувчи қорни билан, оёқ кафтлари ёстиқ устида, қўлларни бош тагига ёки тана бўйлаб чўзилган ҳолда қўйиб ётади. Массажчи массаж олувчига нисбатан кўндаланг туради. Тўрт бармоқнинг ёстиқчаларини (жимжилогини тос соҳасига қаратиб) умуртқа поғонаси устига 450 бурчак остида қўяди. Ишқалаш ҳаракатлари 5–7 см пастга ва юқорига қовурға томонига қаратилиб бажарилади (55, 56-расмлар). Бармоқлар зич бўлиб, ҳаддан ташқари таранг бўлмаслиги лозим.



57а-расм. Кўкрак қафасини орқа юзасида қовурғалараро соҳаларни тўғри чизиқли, спиралсимон шаклда ишқалаш



57б-расм. Кўкрак қафасини олдинги юзасида қовурғалараро соҳаларини тўғри чизиқли, спиралсимон шаклда ишқалаш

Кўкрак қафасини орқа томонида ишқалаш ўтказилганда массаж олувчи қорни билан қўлларига бошини қўйиб ётади. Массажчи кўндаланг туради. Бармоқлар ёстиқчаларини умуртқа поғонасининг ўткир ўсимталари устига, бироз олдинга қўйиб (суриб) бармоқлар умуртқа поғонаси ва орқанинг узун мушаклар орасига жойлашади, ҳаракатлар қовурғалар орасида аниқлаш ўтказилганда пастга, күшетка томонга йўналтириб бажарилади. Ишқалашда тўғри чизик, синик чизик, доира ва узук-узук турлари қўлланилади (57 а, б-расмлар).

Думғазани ишқалаш. Массажчи массаж олувчига нисбатан узунасига туради. Яқин кўлининг бармоқларини думғазанинг пастки қисмига 450 бурчак остига қўйиб, юқорига тоснинг ён бош суюгининг қирраси томон

ишқалаш үсулини бажаради. Ишқалашнинг тұғри чизик, синиқ чизик, спирал-симон, айланасимон турлари күлланилиши мүмкін (58-расм).



58-расм. Дүмғаза соҳасида ишқалаш үсули



59-расм. Тизза бүгимини тұрт бармоқ ёстиқчалари билан айланы шаклида ишқалаш

Тос ёнбош сүягининг қиррасини ишқалаш. Массажчи массаж олувчига нисбатан күндалаң туради ва уннің умуртқа погонаси ёнига бармоқларининг ёстиқчаларини қўйиб, күшетка томонга йўналтириб, ишқалаш турларини бажаради. Бу ҳаракатларни бир томондан иккинчи томонга тос сүякларининг қирраси бўйлаб бажариш мүмкин.



60-расм. Бодир-оёқ панжаси бүгимини икки қўл бармоқ ёстиқчалари билан айланы шаклида ишқалаш




61-расм. Бодир-оёқ панжаси бүгимини тұрт бармоқ ёстиқчалари билан, бир қўл устига иккинчи қўлни қўйиб, айланы шаклида ишқалаш

Тос-сон бүгимини ишқалаш. Массаж олувчи қорни билан оёқ кафтларини ёстиқ устига қўйиб ётади. Массажчи унга нисбатан күндалангига туради. Бўғим соҳаси тұрт бармоқлар ёстиқчаси билан доира шаклида ишқаланади. Тизза бўғимида (59-расм), бодир-оёқ панжаси бўғимида (60-расмлар), кафт сүяклараро (62-расм) ва билак-кафт бўғимида (63-расм юқорида кўрсатилган каби ишқалаш үсулларини ўтказиш мүмкин.



62-расм. Кафтнинг орқа юзасини тўрт бармоқ ёстиқчалари билан тўғри ва айлана шаклида ишқалаш




63-расм. Билак-кафт бўғимида тўрт бармоқ ёстиқчалари билан айлана шаклида ишқалаш

Катта бармоқ ёстиқчаси билан ишқалаш. Бу усул тананинг ҳамма қисмларида қўлланилади ва биринчи, иккинчи бармоқлар билан бир вақтда ёки кетма-кет бажарилади. Ҳаракатлар тўғри чизик, спиралсимон, доира ва узук-узук шаклда бажарилади (64, 65, 66, 67-расмлар).



64-расм. Бир қўл ва икки катта бармоқ ёстиқчалари билан тўғри чизиқли ва айлана шаклида ишқалаш




65-расм. Икки қўлнинг катта бармоқ ёстиқчалари билан умуртқа поғонасининг бел ва кўкрак қисмини ишқалаш

Катта бармоқ ёстиқчаси билан товон пайини, кафт сүякларининг оралигини, тизза бўғимини спиралсимон ёки доирасимон, оёқ панжаси устини тўғри чизик ёки доирасимон ишқаланади.



66-расм. Икки қўлнинг катта бармоқ ёстиқчалари билан думғазани ишқалаш



67-расм. Тизза бўғимининг ички ва ташки юзасини икки қўлнинг кафт асоси ва бош бармоқларнинг дўмбоқчаси билан ишқалаш



68-расм. Болдири-оёқ панжака бўғимини кафт асоси ва бош бармоқ дўмбоқчаси билан ишқалаш

Тананинг орқа қисмини ишқалаш. Массаж олувчи қорни билан ётиб, қўлини тана бўйлаб қўяди. Массажчи массаж олувчига нисбатан узунасига туради. Сўнг яқин қўлини асоси билан унинг бел қисмига қўйиб, синик чизиқ шаклидаги ҳаракатларни уч-беш соҳа бўйлаб, юқори елка томонига йўналтирилган ҳолда бажаради. Бу массаж тури йенгил бажарилади. У юзаки тўқималарнигина емас, балки чуқур жойлашган тўқималарни ҳам яхши ва тез иситади.

Мушт қирраси билан ишқалаш. Бу усул жуда қучли бўлиб, бўғимларда оёқ панжасининг остини, фассияларни ишқалаш ва тери мас-сажида қўлланилади.



69-расм. Оёқ кафти тагини мушт қирраси билан ишқалаш



70-расм. Курак остини ишқалаш

Оёқ панжаси остини ишқалаш. Массаж олувчи қорни билан ётади. Массажчи узоқ қўли билан массаж олувчининг болдири-оёқ панжаси бўғимидан ушлаб, яқин қўлини мушт қирраси билан бармоқлардан товон томонига йўналтирилган равишда уч марта узунасига, икки марта кўндалангига ишқалаш усулини ўтказади (69-расм).

Курак остини ишқалаш. Массаж олувчи бошини бүкілгән үзок құлы кафтига құйиб ётади. Яқын құларының эса тирсагидан букиб кафт юзасини юқорига қаратып, бел соҳасига құяды. Массажчи массаж олувчининг кураклари ёнида туриб бир құл кафтини массаж олувчининг елка бүғим остига құйиб, курак қовурғалырыдан күчгүнча күтаради (70-расм).

Іккінчи құл кафтини жимжилөк томони билан күтарилған (күчирилған) курак остига құйиб, тұғри чизиқ шаклида юқоридан пастта ва үз томонига йұналған ҳолда ишқалаш үтказилади.

Амалда ишқалаш усулини құлланған вактда бу мүолажанинг бир неча хусусиятлары гана жоғарылықта берилгенде: күпинча ишқалаш чекланған жойда үтказилиши туфайли қон-лимфа томир йұналишига амал қилинмайды; массаж қилинаётган жойға нисбатан массажчининг бармоқлари қанчалик тик күйилған бўлса, ишқалаш таъсири шунча кучли бўлади; ишқалаш натижасида пайдо бўлған оғриқларни камайтириш мақсадида ишқалаш албатта силаш усули билан биргаликда үтказилади. Бўғимларни, пайларни ишқалаш кейинги ҳаракат усулларининг үтказилишини йенгиллаштиради; сеанс давомида ишқалашшнинг икки усулидан ортиғи тавсия етилмайди.

Ҳаракат машқлари

Даво, гигиеник ва спорт массажида ҳаракатлар кенг қўламда қўлланилади. Ҳаракат машқлари **фаол**, **суст** ва қаршиликни **йенгиб бажариш** турларига бўлинади.

Фаол ҳаракат машқлари мустақил равишда бажариладиган ҳаракатлар бўлиб, улар ёрдамида бўғимлар, мушаклар анча мустаҳкамланади. Бундан ташқари, кўпинча шикастланиш ва касаллик натижасида заифлашган, кучсиз мушаклар фаолиятини ошириш мақсадида қўлланилади.

Қаршиликни йенгиб бажариладиган ҳаракатлар. Бундай ҳаракатлар мушаклар ва пайлар фаолиятига массажчи ёки массаж олувчининг қаршилик кўрсатиши билан боғлиқ.

Ҳар бир мушаклар гурухини бундай ҳаракатлар ёрдамида кучайтириш даво ва спорт амалиётида кенг қўлланилади. Қарама-қарши куч мушакларни қисқариш кучига тенг бўлиши керак; ҳаракатнинг бошида қаршиликнинг кучи кам, кейин ошиқ, ҳаракатнинг охирида яна пасайиши керак. Массаж ҳаракатлари бир текисда мушакларни ҳаддан ташқари бўшаштирмасдан, силтамасдан бажарилиши лозим.

Суст ҳаракатлар. Бунда ҳаракатларга ташқи ёрдам кўрсатилади. Суст ҳаракатлар бажарилишидан олдин бўғимнинг фаол ҳаракат имкониятлари аниқланиши керак.

Ҳаракатлар амплитудаси аста-секин ошириб борилади. Бунда қўполлик, ҳаддан ташқари куч ишлатиш ман етилади. Бўғим ва мушакларда (бўкілгандан) бироз оғриқ пайдо бўлиши биланоқ куч меъёрини камайтириш лозим, бироқ шуни ёдда тутиш лозимки, оғриқлар пайдо бўлмаса яхши натижага еришиб бўлмайди.

Сүст ҳаракатлар бўғимлар хасталигида, шикастланишларда, ёилам ва пайларнинг қисқаришида, мушаклар қисқариб қотиб қолганда, тузлар йиғилганда кенг кўламда қўлланилади. Ҳар бир бўғимнинг анатомик түзилишига қараб муайян ҳаракатлар бажарилади.

Тизза бўғимини ҳаракатлантириш. Массаж олувчи қорни билан ётади. Массажчи массаж олувчининг сон қисми томонида кўндалангига туради. Оёқ панжаси томонига яқин қўли билан оёқнинг болдир-оёқ панжа соҳасидан ушлайди, иккинчи кафтини тос соҳасига қўяди, тизза бўғимини ёзив, товонни думба мушакларига теккизив букади.

Тос-сон бўғимини ҳаракатлантириш. Массаж олувчи чалқанчасига ётади. Массажчи массаж олувчининг тизза бўғимлари ёнида туриб, бир қўлини болдир-оёқ панжасини бўғим остига қўяди, иккинчи қўлини эса тизза бўғимиға қўйиб, тос-сон бўғимида букиш ва ёзиш ҳаракатларини бажаради. Тос-сон ва тизза бўғимларida букиш ва ёзиш ҳаракатлари уч босқичда бажарилади (71-расм). Массажчи кўндалангига массаж олувчининг тизза бўғими қаршисида туради. Бир қўлини тизза бўғими остига, ташки томондан кафт юзаси билан қўйиб, иккинчи қўлини болдир-оёқ панжаси бўғими устига қўяди. Тизза остидаги қўл билан сон вертикал ҳолатига йетмагунча букиш ҳаракати бажарилади. Сўнгра қўл тизза остидан тизза устига ўтказилиб, сон қоринга, товон думба мушакларига теккунча букиш ҳаракати давом етириллади. Ҳаракатлар якуннда қўллар аввалги турган ҳолатларга қайтарилиб оёқ ёзилади. Оёқ тушиб кетмаслиги учун тизза устида турган қўл, албатта, тизза остига қўйилиши лозим.



71-расм. Тос-сон, тизза бўғимларida сүст ҳаракатлар бажариш

Оёқ панжасини ҳаракатлантириш. Массажчи массаж олувчининг болдир оёқ панжаси бўғими ёнида кўндаланг ҳолда туради. Бир қўли билан бўғимни, иккинчи қўли билан оёқ кафти остини ушлаб (72-расм), турли хил ҳаракатларни бажарилади



72-расм. Болдири-оёқ панжа бўғимида суст ҳаракатлар үсули


Қоқишиш үсуллари

(Муштлаш, шапатилаш, кафт қирраси билан уриш)

Қоқишиш үсуллари массаж қилинаётган жойга кўп қон келишини ва уларнинг озиқланишини яхшилайди, мушак толаларини таъсирлантириб қисқариш кучини оширади, ана шу хусусияти билан марказий нерв тизимининг қўзғалувчанлигини оширади. Қоқишиш үсули чуқур жойлашган тўқималарда қон оқимини кўпайтиради, мушак тонусини оширади, томир ва секретор нервлар ишини кучайтиради.

Қоқишиш үсулини тўла бўшашибган мушакларда бажариш лозим. Чарчаган мушакларда, масалан, тиклаш массажи вақтида қоқишиш үсуллари кўлланилмайди.

Муштлаш үсулини бажариш учун кўл бармоқлари бўшашибган ҳолда мушт қилинади ва кафтнинг букилган қирраси билан урилади. Бунда массажчи кўллаётган куч муолажанинг давомийлиги, теэзлиги, мушакларнинг ривожланганлигига (73-расм) қараб белгиланади.



73-расм. Орқада қоқишиш үсулининг бажарилиши



74-расм. Орқада икки кафт қирраси билан уриш үсули

Шапатилаш үсули — бармоқлар кафт томонга бироз букилган ҳолатда кўл бармоқларини бўшашибтириб уришдан иборат.


Кафт қирраси билан үриш үсули — бармоқлар оралиғи көнг очилған ва бўшаштирилган ҳолда жимжилоқ қирраси билан үришдан иборат. Үриш вақтида бошқа бармоқлар бир-бирига тегиб таъсир күчини оширади (74-расм). Қоқиш үсули бир текисда бажарилади.

Тебрантириш үсулининг турлари


Бу үсул — **силкитиб-силкитиб қўйиш, титратиш ва кафтлар орасида мушакларни аста езиб думалатиш ҳаракатларидан** иборат.

Силкитиб-силкитиб қўйиш үсули мушаклар уқаланганидан сўнг мушакларни бўшаштириш учун қўлланилиб, мушаклар толалари йўналиши бўйлаб ўтказилади. Муолажа кафтнинг жимжилоги ва катта бармоқлари (75-расм) ёрдамида бажарилади (қолган бармоқлар эса бироз кўтарилиб турган ҳолда бўлиши керак). Кафт гоҳ жимжилок, гоҳ катта бармоқ томонига тезлик билан тебрантириш ва силкитиш ҳаракатларини бажаради.

Ҳаракатларнинг тезлиги тахминан 1 секундда 6–7 марта бўлиши лозим. Массаж ўтказиладиган жой ва массажчининг қўли бўшашган бўлиши керак.



75-расм. Соннинг олдинги юзасидаги мушакларни силкитиб-силкитиб қўйиш үсули



76-расм. Қўлда титратиш үсулини бажариш

Титратиш үсули. Бу үсул воситасида бир неча гуруҳ мушакларга таъсир кўрсатиш мумкин. Титратиш үсули қўл ва оёқларда қўлланилади. Қўлни титратиш үсули 76-расмда кўрсатилган.

Массажчи ўтирган ҳолда массаж олувчининг кафтини билақ бўғимидан икки қўли билан ушлаб ўз томонига бироз тортиб, ўнг ва чапга, юқори ва пастга йўналтириб титратиш ҳаракатларини бажаради.

Оёқни титратиш (тебрантириш). Массаж олувчи чалқанчасига ётади. Массажчи массаж олувчининг оёқ панжалари ортида туриб, чап қўли билан ўнг оёқ кафтининг олди юзасидан ушлаб букиб, ўз томонига бироз тортади, иккинчи қўли билан товон пайдан ушлайди. Сўнгра оёқни $35-40^{\circ}$ бурчак остида кўтариб, чап ва ўнг томонга йўналтирилган ҳолда юқори ва пастга қаратиб тебрантириш ҳаракатларини бажаради. Шуни ёдда тутиш зарурки, тебрантириш жараёнида оёқ тизза бўғимида букилмаслиги лозим. Бу-

нинг учун оекни ўз томонига тортиш, теорантириш ҳаракатларини тезкорлик билан бажариш лозим.

Мушакларни кафтлар ичига олиб думалатиш (юмалатиш). Бу усул тез бажарилса, физологик таъсироти билан силкитиб-силкитиб қўйиш үсулига ўхшаб кетади; аста-секин бажарилса, майин уқалашга ўхшаб кетади. Бу усул фақат елка ва сон соҳаларида қўлланилади.

Сонда юмалатиш үсулини ўтказиш. Массаж олувчи чалқанчасига, қўлларини тана бўйлаб қўйиб ётади. Массажчи массаж олувчининг оёқ кафтлари томонида үзунасига тuriб, күшеткага қўйилган сонига массаж олувчининг оёғини қўяди (товон пай билан чот соҳасига), қўлларнинг бармоқларини пастга, тизза бўғими юқорисидан күшетка томонга қаратиб, соннинг ички ва ташки юзасига қўяди. Икки кафт орасида мушакларни чот томонга йўналтириб, аста-секин езиб юмалатади. Сўнгра тизза бўғимида оёқни букиб ва ён томонга сурниб, қўлининг кафтини соннинг орқа юзасига, ўзоқ қўл кафтини соннинг олди юзасига қўйиб, ҳаракатларни такрорлайди.

Массаж турлари


Массажнинг умумий ва маҳаллий турлари қўлланилади. *Массаж муолажаси (сеанси)* деб массажнинг үсулларини қўллашга нисбатан айтилади. Умумий массаж деб, одам танасининг ҳамма қисмини, давомийлигидан қатъий назар, массаж қилишга айтилади. Умумий массажнинг давомийлиги одамнинг индивидуал хусусиятларига (тана оғирлигига, тана юзасининг катта-кичиклигига, ўлчамига, мушаклар массасига ва бошқаларгә), иш фаолиятига, кўн вақтига, массаж турига, мақсади^{важны} айрим қисмларида ўтказиладиган (орқа, қўл, оёқ, кўкрак қафаси, бел ва ҳ.к.) массаж маҳаллий массаж деб номланади. Умумий ва маҳаллий массаж үсуллари бир-бирини, икки киши бир кишини ёки ўз-ўзини массаж қилганда қўлланилиши мумкин.

Умумий массаж

Турлй массаж тизимларида умумий массажга ҳар хил вақт ажратилади. Масалан, швед массаж тизимида умумий массаж 30–35 дақиқа давом етиб, оёқлардан бош томонга йўналтирилган ҳолда ўтказилади; фин тизимида – 40 дақиқагача, рус тизимида – ўртacha 45 дақиқа, айрим ҳолатларда 60 дақиқа.

Бутун тананинг умумий массажи вақтида тананинг айрим қисмлари учун тахминан қуйидаги миқдорда вақт ажратилади: орқа, бўйин, елканинг усти, думба – 8 дақиқа; оёқлар – 16 дақиқа (ҳар бир оёқ – 8 дақиқадан, орқа ва олдинги юзалари – 4 дақиқадан); қўллар – 14 дақиқа (ҳар бири – 7 дақиқадан), кўкрак ва қорин соҳаси – 7 дақиқа. Вақтларни бундай тақсимлаш шартли бўлиб, массаж мақсадига қараб, вақтни қайтадан тақсимлаш мумкин. Умумий массаж силашдан бошланиб, сиқиш, уқалаш, ишқалаш, қоқиш, силкитиш үсуллари кетма-кет бажарилади. 45 дақиқалик умумий массаж

муолажаларида айрим массаж турларига тахминан қүйидагича вакт ажратиласы: силаш, қоқыш, тебрантириш, фаол ва сүст ҳаракат машқларини бәжарышга – 10% (4,5 дақықа); сиқиши ва ишқалаш турларига – 40% (18 дақықа); уқалаш үсулларига – 50% (22,5 дақықа) (77-расм).



77-расм. Умумий массаж ўтказишда тананинг айрим қисмларини кетма-кет массаж этиш (рақам билан күрсатилған)

Бу расмда умумий массаж ўтказилишида тананинг массаж қилинадиган қисмлари кетма-кетлиги рақамлар билан күрсатиласы. Бу услугуб бүйіча умумий массаж орқадан, бүйіннинг узок қисмларидан бошланади. Сұнгра яқын құлелканинг ички юзасини, тирсак бүфими, билак ва тартибда массажни тақрорлайды. Кейин узок думба оловучи үз құленини бош томонға құяды, бу ҳолда елка, тирсак бүфими, билак-панжа бүфими, кафтнинг ташқи юзгалари массаж қилинади. Массажчи қарама-қарши томонға үтиб, үша соҳаларда ва тартибда массажни тақрорлайды. Кейин узок думба соҳаларыда ва думғазада массаж қиласы. Қарама-қарши томонға үтиб, үша жойлар массаж қилинади. Сұнгра яқын оёқнинг сон ва тизза бүфимида, кейин қарама-қарши томонға үтиб оёқнинг шу соҳалары массаж қилинади. Кейинчалик эса камбаласимон мушакни ва товон пайи массаж қилинади, қарама-қарши томонға үтиб оёқнинг шу соҳаларини массаж қилип (товон, оёқ панжасини оғсти юзаси оёқ панжалары охирроғида массаж қилиш тавсия етилады). Массаж оловучи чалқанчасига ётади. Массаж күкракни узок томонидан бошланади, сұнгра яқын құл массаж қилинади, бошқа томонға үтиб массаж ҳаракатлари узок күкракда ўтказиласы. Бундан кейин юқорида күрсатилған тартиб бүйіча оёқлар – сон, тизза бүфими, болдир ва оёқ панжаси массаж қилинади. Қоринни массаж қилиш билан умумий массаж тугалланади. Умумий массаж мақсадың күра массажчи енг самарали үсулларни құллаш лозим. Гүдак ва ёш болаларда ўтказиладиган умумий соғломлаштирувчи массаж үзиге хос хүсусияттарға зерттеуден көз карастырылады. Массаж 2–3 хафталик гүдакларда, гимнастика машқлары эса 1,5 ёшга түлгап болаларда ўтказилиши тавсия етилады. Массаж вакти 2–3 дақықадан аста-секин узайтырилиб, бола бир ёшга түлганды 15 дақықагача давом етиши мүмкін. Ёш болаларда ҳам қүйидаги массаж үсуллари – силаш, ишқалаш, уқалаш, қоқиб қүйиш ва тебрантириш

усуллари құлланилади. Массаж майинлик билан күч ишлатмасдағы үтказилади. Силаш усули кафт бармоқлари, битта бармоқ юзалари билан ба жарилади. Қоқыш ва төбрантириш усуллари ҳам бармоқлар билан бажари лиши лозим. Массаж ҳаракатлари лимфа ва вена томирлари йұналиши то монга бажарилади. Массажчи массаж олувчининг оёқ томонида туради.

Умумий массаж бажарилиши учун болалар чалқанчасига ётади. Бириң кетин құл, оёқ, күкрап, қорин массаж қилинади, сұнгра болани қорни билағы әтқизиб тананинг орқаси массаж қилинади.

Тұрт ёшдан ошган болаларда умумий массаж катталардаги каби бажарилади.

Тананинг айрим қисмлари массажи (Маҳаллий массаж)

Маҳаллий массажнинг давомийлиги 'массаж олинадиган жойға, массаж турига ва массаж мақсадига боғлиқдир. Мағалан, кафтнинг катта бармоғы бүгіміні 2–3 дақықа давомида массаж қилинса, тананинг орқа қисми 20–25 дақықа давомида массаж қилинади.

Маҳаллий массаж мүкаммал бажарилиши билан умумий массаждағы фарқ қиласы. Маҳаллий массаж үтказилишида барча массаж усуллари кетма-кет равища (силаш, сиқиши, үқалаш, қоқиб күйиш, төбрантириш құлланилади).

Хар бир массаж үсулининг оралығыда, албатта, силаш усули үтка зилиши лозим. Бүгімларни массаж қилишда силаш үсулидан кейин ишқалау үсули бажарилади. Ҳаракат машқларини бажаришдан олдин, мушәкларнини иш фаолиятини ошириш мақсадида үқалаш үсуллари құлланилиши зарур. Маҳаллий массаж доимо силаш билан тутатылади, массаж қилинған құл ва оёклар тортиб төбрантириш үсули билан яқунланади. Малакали массажчы массаж олувчи кишига мослаштирилған массаж методикасини танлаши лозим. Шу билан бергә, ҳар бир массаж үсулини үтказишида умумиәттің конундарға амал қилинади. Дастрекеби қызығы жойлашған түқималар йенгізі ва майин массаж қилинади. Муолажа бошланишида қысқа муддатлы бўлади. Кейинчалик массажнинг күчи ва давомийлиги аста-секин ошириб борилади.

Орқани массаж қилиш. Массаж силаш үсули билан бошланади. Бу үсули икки құл билан, ҳар бир құл үз томонини силайды (9-расмға қаралсın) ва икки құл билан кетма-кет силәш тарзида, бир ёки икки құл билан (6-расмға қаралсın) бажарилади.

Сиқиши үсуллари күндаланған кафт қиұраси билан бажарилади (18-расмға қаранғ). Аввал орқанинг үзүн мушаклари, кейин эса сербар мушиаклари массаж қилинади.

Үқалаш үсуллари орқанинг үзүн мушакларыда бир құл билан (40-расмға қаралсın); тұрт бармоқ ёстиқчаси билан букилған бармоқлар фалангаси билан (43-расм) доира шаклида; иккінчи құл ёрдамида (44-расм); кафтнинг асоси билан доира шаклида үтказилади.

Узун мушакларини үқалаб, орқанинг сербар мушакларига ўтилади. Бу йерда бир қўл билан оддий үқалаш (29-расмга қаралсин), иккинчи қўл ёрдамида бажариладиган үқалаш (33-расмга қаралсин), қўш ҳалқасимон үқалаш (34-расмга қаралсин) турлари қўлланилади. Курак ости бир қўл билан оддий үқалаш тарзида үқаланади. Бундан сўнг мушаклар силкитиб-силкитиб бўшашибтирилади. Зэрур бўлганда, қоқиш усувлари ишлатилади, сўнгра ишқалаш усулига ўтилади.

Ишқалаш бел қисмидан бошланади. Бў муолажани тўрт бармоқ ёстиқчалари билан (55-расмга қаралсин), букилган бармоқларнинг юзаси билан ва иккинчи қўл ёрдамида бажариш (56, 60-расмларга қаралсин) мумкин. Сўнгра қовурғалар орасида тўрт бармоқ ёстиқчалари билан тўғри чизик, илон изи, доира шаклида, икки қўл билан кетма-кет равишида бажариладиган ишқалаш усувлари қўлланилади (59-расмга қаранг). Трапециясимон мушаклар фассиясида (умуртқа поғонаси билан кураклар ўртаси) тўрт бармоқ ёстиқчалари, букилган бармоқлар юзаси, катта бармоқ ёстиқчаси билан ишқалаш усувлари ўтказилади. Елка бўғими тўрт бармоқ ёстиқчалари, катта бармоқ ёстиқчалари билан ишқаланади. Сўнгра курак ости кафт қирраси ёки ёзилган (катта бармоқ ва кўрсаткич бармоқ юзаси билан) кафт билан ишқаланади (70-расм қаранг).

Катта бармоқ ёстиқчалари билан (66-расмга қаранг) ёки иккинчи, учичи бармоқ ёстиқчалари билан умуртқа поғонаси бўйлаб ишқалаш усули ўтказилади. Орқа соҳанинг массажи қўл кафтининг асоси билан илон изи шаклидаги ишқалаш билан тугатилади.

Бўйинни массаж қилиш. Массаж олувчи ётган ва ўтирган ҳолатида ўтказилади. Массаж олувчи ўтирган бўлса, массажчи унинг орқа томонидан туриб ҳамма массаж усувларини бажаради. Ётган ҳолатда силаш, ишқалаш каби усувлар ўтказилади. Бўйиннинг орқа соҳасида катта бармоқ дўмбоқчаси билан ёки кафт қирраси билан юқоридан пастга йўналтириб, кафтини кўндаланг қилиб сиқиш усули бажарилади. Бўйин мушаклари оддий, ҳалқасимон, бир қўл ёки икки қўл билан бажариладиган үқалаш услубида массаж қилинади. Сўнгра тўрт бармоқ ёстиқчалари билан, катта бармоқ ёстиқчаси билан, икки қўл билан навбатма-навбат ишқалаш усули енса суягига ёпишган мушаклар массажи учун қўлланилади.

Бундан кейин умуртқа поғонасининг бўйин қисмida ишқалаш усули ўтказилади. Бир қўлнинг катта бармоқ ёки иккинчи ва учичи бармоқ ёстиқчалари умуртқа поғонасининг икки ёнига қўйилиб, умуртқа поғонасининг кўндаланг ўсиqlари устида доира шаклида ишқалаш усули ўтказилади. Бўйин билан ҳар хил ҳаракат машқларини бажариш ва уни силаш билан массаж тугатилади.

Бошни массаж қилиш. Массаж олувчи ўтирган ҳолатда бўлади. Массаж ҳаракатлари сочнинг ўсиш йўналиши бўйича бажарилади. Аввал пешона ва енса соҳалари 3–4 марта силанади, сўнгра бошнинг ён томонлари бошнинг юқорисидан қулоққа томон йўналган ҳолда 3–4 марта силанади.

Силаш үсули бажарилган йұналишлари бўйлаб, кафтнинг қирраси билан сиқиш үсули ўтказилади. Бошнинг олдинги юзасида (пешона) ва ён томонларида (чакка) кафтнинг бош бармоқ томонидаги қирраси билан сиқиш үсули ўтказилади. Бўш қўл билан бош ушлаб турилади. Муолажа 3–4 марта силаш үсули билан алмаштирилиб ўтказилади.

Ишқалаш үсуллари шу йўсинда, аммо бирмунча куч билан терини жойидан силжитган ҳолда, ўтказилади. Бунда ишқалашнинг барча үсуллари қўлланилади.

Тизза бўғимини ишқалаш. Тизза бўғимининг орқа ва олд юзаларида ишқалаш үсуллари бажарилади. Муолажа орқа юзаси концентрик шаклда бажариладиган силаш билан бошланади. Сўнгра бўғимнинг ён томонларида ишқалаш үсулларининг бошқа турлари қўлланилади. Тизза бўғимидағи массаж концентрик силаш, фаол-суст ҳаракат машқларини бажариш билан тугайди (77-расмга қаранг). Тизза олди юзасида ишқалаш турлари ҳам ўтказилади. Тизза қопқоғида силжитиш үсули ўтказилади. Бунинг учун массажчи қўл кафтини тизза қопқоғи устига қўйиб, иккинчи қўлини унинг устига жойлаштиради. 2–3 марта чап ва ўнг томонга силжитиш ҳаракатини бажаради. Силаш ва турлича ҳаракат машқларини бажариш билан массаж тугатилади. Тананинг бошқа қисмлари шунга ўхшаш тартибда массаж қилинади.

Спорт массажи

Римликлар спорт массажининг тренировка (спорт машқлари ўрнига ўтказиладиган) массаж ва тикланиш массажига бўлиниши ҳақида ўша замондаёқ айтиб ўтганлар. Абу Али ибн Сино томонидан берилган массаж классификациясида массажнинг жисмоний машғулотлар олдидан қўлланиладиган — тайёрловчи, жисмоний машқлардан кейин ўтказиладиган — ўз ҳолига қайтарувчи, яъни тинчлантирувчи массаж фарқланган. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Тайёрловчи массаж киши организмини жисмоний машқлар бажаришга тайёрлаш мақсадида ўтказилади. Ўзини жисмоний машқлар бажаришга тайёрлашда аввал танани дағал мато билан ишқалаб, сўнгра мушакларнинг ҳамма қисмлари ишқаланади»; «Жисмоний машқлардан сўнг ўтказиладиган тикловчи массаж ҳам бор; буни тинчлантирувчи массаж ҳам дейилади»; «Бу машқ вақтида мушакларда тўпланиб қолган ва машқ жараённида ташқарига ажралиб чиқишига улгурмаган чиқиндилар сўрилиши, чарчаш ҳолатларини вужудга келтирмаслиги учун тезлиқда ташқарига чиқариш мақсадида ўтказилади».

Манбалардан маълум бўлишича, 1896 йилда Афинада бўлиб ўтган I Олимпия ўйинларида илк бор спорт массажи қўлланилган. Мамлакатимизда спорт ривожланиши билан биргаликда класик массаж асосида спорт массажининг замонавий тизими яратилди.

Хозирги вақтда спорт массажи жисмоний тарбия ва спорт машғупотларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Спорт массажи спортчиларнинг чарчаш ҳолатларини йўқотиш, қайта тикланиш жараёнларини тезлаштириш,

даволаш, организмни умумий ривожлантириш воситаси сифатида кенг құлланилмоқда. Спорт массажи үч турли бўлади.

Тайёрловчи массаж

Машғулот олдидан ўтказиладиган массаж спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш мақсадида ўтказилади. Массаж мусобақадан, машқ машғулотларидан олдин бажарилади.

Спорт амалиётида тайёрловчи массажнинг қуйидаги турлари кўпроқ қўлланилади: бевосита мусобақа олдидан ўтказиладиган тайёргарлик массажи, старт олди ҳолатларидағи қизитувчи массаж.

Разминка массажи. Бу массаж тури маҳсус тайёргарлик олдидан, у билан бирга ёки ундан сўнг ўтказилади. Айрим ҳолатларда тайёрловчи машқларни ўрнига массаж ўтказилади. Тайёргарлик массажи умумий физиологик тизимларнинг функцияларини кучайтиради.

Тайёргарлик массажининг давомийлиги спорт турларига, шуғулланувчиларнинг вазнига, спортчининг шахсий хусусиятларига, массаж ўтказиладиган вақтга қараб 5 дақиқадан 36 дақиқагача бўлиши керак.

Тайёргарлик массажида сиқиш, уқалаш (бу усулга умумий ва хусусий массажда 80 % вақт ажратилади), ишқалаш, ҳаракат машқлари қўлланилади.

Старт олди ҳолати массажи

Спортчиларнинг емоционал ҳаяжонланиши йетарли даражада бўлмаганлиги ёки ўта ҳаяжонланиб кетиши натижасида юқори даражада тайёрланганлигига қарамасдан мағлубиятга учраган ҳолатлар спорт амалиётида кўп бўлган. Шу муносабат билан ҳис-ҳаяжони, таъсирланишини идора этиш спортчиларни мусобақаларга чорлашда катта аҳамиятга эга. Старт олдиаги бундай ҳолатни старт олди массажи бартараф қилишга ёрдам беради олди ҳолати — бу шартли рефлекс бўлиб, асосий таъсирлантирувчи шароит ракиб билан учрашув, ўз кучига ишонмаслик ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Старт олдиаги ҳаяжонланиш, муайян шарт-шароитдан қатъий назар пайдо бўлиб, мусобақа бошқа шаҳарда ўтказилаётган бўлса, старт олди ҳолати 4–6 кун олдин бошланади. Старт олди ҳолати томир уришининг тезлашиши, артериал қон босимининг кўтарилиши, нафаснинг қучайиши билан характерланади.

Старт олдидан ҳаяжонланиш ҳолати үч хил бўлади;

1) бўлажак мусобақага жанговар тайёргарлик (емоционал қўзғалишнинг оптималь даражаси);

2) старт олди саросимаси (емоционал қўзғалишнинг ўта ошиши);

3) старт олди лоқайдлиги (емоционал қўзғалишнинг пасайиши).

Старт олдиаги ҳис-ҳаяжон ҳолатининг үч хил турига қараб старт олди массаж усули ва унинг давомийлиги танлаб олинади. Жанговар тайёргарлик ҳолати — энг яхши ҳолат. Организмда содир бўлаётган физиологик жараён-

лар бажариладиган ишга муносиб бўлиб, спортчи ўз кучига ишонади. Бундай ҳолларда старт олди тайёргарлиги, қиздирувчи ва сафарбар қилувчи массаж қўлланилади.

Тинчлантирувчи массаж

Старт олдидан саросима ҳолатида организмнинг баъзи бир функсиялари ўзгарили: таъсирчанлик, қўзғалувчанлик ошади, тана ҳарорати кўтарилиди, бош оғриғи, уйқусизлик, иштаҳасизлик, кўнгил айниши, ўз кучига ишонмаслик аломатлари пайдо бўлади. Старт олди саросимаси кўпинча маҳоратнинг йетарли емаслигидан далолат беради. Бундай ҳолатларда тинчлантирувчи массаж қўлланилади, бундай массаж усусларини тўғри танлай билиш катта аҳамиятта эгадир. Асосан қўйидаги массаж усуслари қўлланилади: силаш турлари (4–7 дақиқа), йенгил, юзаки ритмик шаклда бажариладиган уқалаш (1,5–3 дақиқа), силкитиш (1,5–2 дақиқа). Тананинг орқа, сон, тос соҳаларини силаш, тоҳ-тоҳ силкитиб қўйиш асаб таранглигини тарқатади, томир уриши ва нафас олиш секинлашади, қоннинг артериал босими пасаяди.

Тетиклаштирувчи массаж

Тетиклаштирувчи ёки қўзғатувчи массаж старт олди лоқайдлиги ҳолатида қўлланилади. Старт олди лоқайдлиги кўпинча ҳаддан ташқари ҳаяжонланиш туфайли пайдо бўлади. Бунда қўзғалиш жараёнлари кучсизланади, ўз кучига ишонмаслик, уйқусизлик, бўшашиш, диқкат-эътиборнинг пасайиши, реаксия тезлигининг камайиши каби аломатлар намоён бўлади. Старт олдидан ҳаракат реаксияси сусаяди, спортчини бундай аҳволдан чиқариб олиш осон емас.

Баъзи бир спортчиларга муддати узайтирилган массаж сеанси буюрилади. Тетиклаштирувчи массаж учун спорт турига 8–12 дақиқа вақт ажратиласди. Массаж жараёнида, асосан, тетиклаштирувчи, уйғунаштирувчи усуслар ҳисобланган уқалаш (5–8 дақиқа), сикиш (1,5–2 дақиқа), шапатилаш, кафт қирралари билан уриш, мушт билан уриш (1,5–2 дақиқа) қўлланилади. Бу усуслар жадал тарзда тананинг кўпроқ қисмларида ўтказилади. Массаж чуқур, шиддатли бўлмаслиги лозим. Марказий нерв тизимини қўзғатиш учун уқалашнинг қоқишиш усуслари билан бажарилиши яхши натижка беради. Старт олдиаги тайёрловчи массаж машқ ва мусобақалар бошланишидан 5–10 дақиқа илгари яқунланиши керак.

Қиздирувчи массаж

Қисқа мұддатли қиздирувчи массаж мусобақа вактида совиб қолған тананинг айрим қисмларида қон айланишини яхшилады, мушакларни қиздиради ва уларнинг қисқариш қобилиятини оширади, тана ҳароратини күтәреди, мушакларни чүзилувчан, ҳаракатчан, ишга қобилиятли, чидамли қиласы. Шикастланишларнинг олдини олиш мақсадида танани қиздирувчи массаж ўтказилиши лозим, қиздирувчи массаж сеансининг давомийлиги 5–10 дақықа бўлиши керак. Уни серҳаракатчан, тана бўйлаб силаш, уқалаш, ишқалаш усуларини аралаштириб бажариш лозим. Қиздирувчи массаж мусобақадан 2–3 дақықа олдин тугатилади.

Сафарбарлик массажи

Бу турдаги массаж спортчиларнинг имкониятларини сафарбар қилиш мақсадида қўлланилади. Бундай массаж спортчининг руҳий ҳолатини эътиборга олиб ўтказилиши лозим. Ўз кучига ишонмаган спортчиларга тинчлантирувчи массаж қилиш билан бирга сўз билан рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Баъзи бир спорт турлари бўйича мусобақалар үзоқ вақт давом етиб, орасида танаффуслар бўлади. Кўпинча бундай танаффуслар спортчи ҳолатига ёмон таъсир кўрсатади. Бундай ҳолларда алоҳида шинам хонада, ёқимли мусиқа остида сафарбарлик массажи ўтказилиши катта аҳамиятга эга.

Сафарбарлик массажи 5–15 дақықа давом етади. Бунда ҳам массаж усуллари қўлланилади. Массаж ўтказиш услуги спортчининг умумий ҳолатига мос равишда танланади. Сафарбарлик массажи давомида унинг қўзғатувчи ва тинчлантирувчи усуллари қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Сафарбарлик массажи майин, чуқур, оғритмасдан ўтказилади.

Қайта тиклаш массажи

Ақлий ва жисмоний чарчоқларни бартараф етиш, организм функсилярини тиклаш ва иш қобилиятини ошириш учун қўлланадиган массаж тикловчи массаж деб аталади.

Сўнгги вақтларда спорт амалиётида массажга катта эътибор берилмоқда. Тикловчи массаж унинг олдига қўйилгэн мақсадга биноан ўтказилади. Қисқа давоматли тикловчи массаж асаб қўзғалишларини пасайтириш учун жисмоний машқлар тугаши биланоқ тавсия еътилади.

Айрим ҳолда тикловчи массаж ҳаракат қобилиятларини тезлиқда тиклашга қаратилган бўлиши мумкин.

Сўнгги йилларда чарчашибни йўқотиш мақсадида қилинадиган муолажа давомида тананинг қайси бир соҳасида массаж қилиш зарурлиги масаласи муаммо бўлиб турибди.

Айрим олимлар томонидан тезлиқда тикланиш учун чарчаган мушакларни массаж қилиш тавсия етилади. Бошқа мұаллифлар фикри аксинча. Текширишлар туфайли иш жараёнида қатнашган, ҳаддан ташқари күп машқ бажарған мушакларни массаж қилиш иш жараёнида кам қатнашган ёки мутлақо қатнашмаган мушакларни массаж қилишга қараганда самарали натика бериши исботланған. Шу билан биргаликда, қанчалик күп мушаклар массаси массаж қилинса, массаж самарадорлыги шунчалик ортиқ бўлар екан. Тикловчи массажни сув муолажаларидан кейин ўтказиш мақсадга муво-фикардир. Спорт массажи амалиётида тикловчи массажнинг олти варианти ишлатилади.

Спорт машғулотлари ва мусобақалар орасидаги қисқа вақтли танаффусда (1-5 дақиқа) ўтказиладиган тикловчи массаж. Бу массаж қўйидаги мақсадларни: нерв-мушак ва руҳий зўриқишини бартараф етиш, нерв-мушак аппаратини бўшашибириб, оптимал тикланиш учун шарт-шароит яратиш, умумий иш қобилиятыни ва маҳсус иш қобилиятыни тиклаш, оғриқни йўқотишни кўзлайди. Массаж еҳтиёткорлик билан кучсиз, чуқур, аммо оғритмасдан ўтказилиши керак.

Спорт машғулотлари ва мусобақалар орасида (5-20 дақиқали танаффусдаги) тикловчи массаж. Бу муолажа спорт турининг хусусиятига, бажариладиган машқлар орасидаги танаффус вақтига, спортчининг толиқиши, зўриқиши даражасига боғлиқдир.

Спорт машғулотлари ва мусобақалар орасидаги (30 дақиқадан ё соаттагача бўлган танаффусда) тикловчи массаж. Машғулотлардан сўнг ўтказиладиган тикловчи массаж организмни келгуси машқни бажариш учун қайта тикилашга ёрдам бериши керак. Массаж услуби танаффуснинг узун-қисқалигига, спортчининг ҳолатига ва спорт турига қараб белгиланади. Мусобақа, машғулотлардан сўнг, албатта, сув муолажаларини қабул қилиш поэм. Массаж 5-12 дақиқа давом етиб, машғулотда асосий иш бажарған чушакларга эътибор берилади.

Узоқ давом етувчи мусобақаларда бир кунда бир марта иштирок етган спортчиларда ўтказиладиган тикловчи массаж. Кўп кунлик мусобақа давомида қисқа муддатли дам олиш натика бермайди. Бир неча кун давомида гўпланиб қолган чарчоқ спортчи организмига жиддий таъсир етади. Бундай қолатларда тикловчи массаж ўтказилади. Тикловчи массаж асабланиш ва психик зўриқишини йўқотиб, қувватнинг қайта тикланиши учун шарт-шароит таъсир етади. Мусобақа тугагандан сўнг 10-20 дақиқа ўтгач, умумий тикловчи массаж ўтказилади. Уйқудан олдин 5-10 дақиқалик массаж ўтказилади.

Дам олиш кунидаги тикловчи массаж. Дам олиш кунидаги умумий тикловчи массаж машғулот жараёнида асосий оғирлик тушган мушакларда ўтказилади. Курук ҳаволи ҳаммоллардан (сауна) сўнг массаж олиб борилса, яхши натика беради.

Мусобақадан кейин ўтказиладиган тикловчи массаж мусобақалар туга-ғанидән кейин спортчиларнинг жисмоний, асабий-руҳий куч-кувватини

қаитадан тиклаш мақсадида тиббий, биологик, педагогик, рухий жиҳатдан таъсир етүвчи тадбирлар мажмүйи қўлланилади. 10–15 дақиқалик ҳаммом тавсия етилади, кейин 10–15 дақиқалик йенгил қўл массажи ўтказилади. Ертасига йенгил нонуштадан 1,5 соат кейин яна ҳаммом тавсия етилади. Умумий ҳаммом муолажаларининг давомийлиги (буғхонага кириш, умумий тикловчи массаж, душ ва х.к.) 2,5–3 соатдан ошмаслиги керак. Агарда ҳаммомга боришга имконият бўлмаган тақдирда спортчидаги икки марта тикловчи умумий қуруқ массаж ўтказилиши лозим: нонуштадан 1–1,5 соатдан кейин 30–40 дақиқалик умумий массаж, кечқурун эса 10–20 дақиқалик маҳаллий массаж.

ДАВОЛАШ МАССАЖИ

Даволаш массажи ҳақидаги фикрлар Ҳиндистон, Хитой, Юнонис-тоннинг қадимги адабиётларида баён этилган. Қадимги олимлар Геродикос, Гиппократ, Гален, Абу Али ибн Сино ва бошқалар ҳар хил хасталикларда даво сифатида массажни тавсия этгандар. Ҳозирда шифохоналарда, поликлиникаларда, санаторийлар ға бошқа хил даволаш муассасаларида даволаш массажи кенг кўлланилмоқда. Бу массажнинг тўрт асосий тури: силаш, ишқалаш, уқалаш ва тебратиш фарқланади.

Ҳозирги вақтда ҳар йир хасталиқда қўлланиладиган даволаш мас-сажининг услуби ишлаб чиқилган ва вақтлари белгиланган.

Шарқ табобатида иложи борича «табиий йўл билан даволаниш керак» деган ибора бор. Кейинги вақтда турли хил хасталикларни даволашда рефлексотерапия ҳам кенг кўлланила бошлади. Бу усул милоддан бир неча минг йил олдин Хитой, Корея, Япония, Мўғулистан, Миср ва Ўрта Осиёда маълум бўлган.

Рефлексотерапиянинг кўхна усуllibаридан бири нуқтали массаждир.

Сўнгги йилларда классик қўл массажини ноанъанавий — нуқтали, ҷизиқли, сегментар, сужокотерапия, аурикултерапия massage билан биргаликда ўtkазиш тавсия этилади, чунки бунда мушакларнинг тонусини кўпроқ ўзгартириш, ҳар хил спорт шикастланишларида оғриқларни тезроқ камайтириш мумкин.

Нуқтали массаж бир қанча номлар билан аталади — («бармоқли 4 жен»), «акупрессура» («босиш»), «шарқ массажи».

Нуқтали массаж тананинг чегараланган қисмларига қўл бармоқлари ёрдамида механик таъсир кўрсатиш услуби сифатида ҳалқ тиббиётидаги игна санчишнинг бир тури ҳисобланади. Игна санчиш муолажаси асосида нуқталар ҳақидаги таълимот ётади. Сўнгги маълумотларга кўра, одам танасида 1500 дан ортиқ шундай биологик фаол нуқталар мавжуд, булардан 695 таси классик нуқта ҳисобланади, амалда 100–150 шундай фаол нуқталарга таъсир кўрсатилади. Ўрта ҳисобда ҳар бир фаол нуқтанинг диаметри 0,2 мм га teng.

Шарқ тиббиёти намоёндалари игна санчиш ва нуқтали массаж таъсирини алоҳида қувватларнинг айланиши билан боғлашади. Кўхна Шарқ табобати манбаларида одамда 14 та меридианлар, қувват каналлари борлиги таъкидланади. Бу каналлар бўйлаб «Ин» ва «Ян» номи билан аталувчи қувватлар ўтиб туради. Ҳар бир меридиан (бошқарувчи) асосий аъзо билан боғланган. Ўичкарига кириш йўлидан, ички «ин» синдроми ва танә терисида жойлашган «ян» синдромидан ташкил топлади. Ҳар бир меридиан одам танасида жойлашган муйайян аъзолар билан боғлиқ бўлиб, терида биологик фаол нуқталарига эга бўлади. Маълумотларга кўра, одам саломатлиги кўп микдорда организмдаги қувват балансига боғлиқлиги аниқланган. Шу боис ўз-ўзининг биоқувватини бошқариш ва кучайтириш катта аҳамиятга эга. Меридиан тизимлари акупунктура (прессура) нуқталарининг жойлашган ўрнини

бөлгилашда шартли чизиқлар ҳам ишлатилади. Күп нүкталар 12 та жуфт ва 2 та тоқ ажайиб (мұжиза) меридианларда жойлашган. Жуфт меридианлар орқа ва олдинги меридианларга ажратилади. Амалда бу нүкталарни рақамлар билан белгилаш анча қулайдыр, бунда биринчи бўлиб меридианлар сони рим рақамлари билан кўрсатилади (I–XIV). Ушбу тарзда ўқувчининг эътибори нүкталар жойлашган асосий тизимга қаратилади, сўнгра меридиандаги нүктанинг тартиб сони қўйилади (араб рақамлари билан). Энг қисқа меридиан — юрак меридиани V–I–9, энг узун меридиан — сийдик пулғаги меридиани VII–I–67 нүкталарга эга.

Нүктали массаж қўлнинг I, II, III бармоқлари ёрдамида ўтказилади. Белгиланган (фаол) нүкталарга бармоқлар тик қўйилиб, юзаки ёки чукур таъсир кўрсатиб муолажа бажарилади. Нүктали массаж икки турга бўлинади:

1. Тинчлантирувчи (тормозлантирувчи) массаж бармоқ ёстиқчасини нүқта устига қўйиб, узлуксиз бўрама шаклда ҳаракатлантириб ёки аста-секин босим кучини ошириб ўтказилади. Ҳар бир ҳаракат бармоқни жойидан қўзғатмасдан олдин бир томонга, сўнгра тескари томонга 3–4 марта бураб ёки босиб бажарилади. Ҳар бир нүқта 3–5 дақиқа давомида массаж қилинади.

2. Тетиклаштирувчи массаж қисқа муддатли босимдан сўнг нүқтадан бармоқларни тез ва кескин олиш билан характерланади. Бундай массаж 0,5–1 дақиқа давомида бажарилади.

Нүктали массаж усулларини ҳар бир одам ўз-ўзида ўтказиши мумкин.

Чизиқли массаж шарқ массажининг бир тури бўлиб, асосан, меридианлар бўйлаб қувват оқимига қараб ўтказилади. Шарқ табобат-чиларининг фикрига қараганда, оёқларда қувват оқими оёқларнинг ички юзасида, оёқ панжасидан юқорига — чот томонга, оёқнинг ташки юзасидан эса юқоридан пастга — чотдан панжа томонга оқар экан. Чизиқли массажда ҳам силаш, босиб силаш, тебрантириб силаш усуллари қўлланилади. Босиб силаш, асосан, I, II, III қўл бармоқларининг ёстиқчаси билан, айрим ҳолатларда ўрта бармоқ фалангасининг ташки юзаси билан ёки бош бармоқнинг дўмбоғи билан ўтказилади.

Тетиклантирувчи чизиқли массаж меридианлар бўйлаб қувват оқими томонга қаратиб ўтказилади. Бу услугуб тери ва тери ости ёғ қаватига таъсир этиб, енгил, юзаки, майнин босиши йўли билан 1–2 дақиқа давомида ўтказилади. Бунда қўл қисқа ҳаракатлар қилиб, соғлом соҳадан хасталанган соҳага меридиан йўналиши бўйлаб ўтказилади.

Оғриқ қолдирувчи услугуда 5–6 дақиқа давомида кучли босим билан тери ости ёғ қавати, мушак ва суякка таъсир этилади.

Нүқтә массажи

Япон халқынинг нүқталарни уқалаш муолажаси (шиатсу) инсондаги зўриқишиш ва ҷарчоқни енгишга ёрдам бериб, танадаги барча аъзоларнинг иш фаолиятини яхшилар экан.

Бармоқ билан нүқталарни уқалаш. Японлар минг йилдан буён қўллаб келаётган бу муолажа танадаги ҳимоя кучларини фаоллаштиради. Шунингдек, аёлларда ҳомиладорлик даврини енгил ўтказиб, туғруқ пайтида оғриқни ҳам камайтиради.

Бармоқ билан нүқталарни уқалаш қўплаб касалликларнинг, ҳатто, инсультнинг олдини олади. Бу уқалаш тури билан мунтазам фойдалана-диганлар жисм-у жони ҳамиша тетик бўлиб, ёшлигини узоқ вақтгача сақлайди. Бу шифобахш муолажа қийин эмас, фақат даволовчи нүқталарни аниқлаб олиб, уларни тўғри боса билиши керак. Нүқталар бармоқ учи билан қаттиқ босилганда мушаклар чўзилиши мумкин. Шўнинг учун бармоқ ёстиқчалари билан аста-аста босилади.

Уқалаш тана бўшашганда, яъни нафас чиқарилгач бошланса яхши фойда беради.

Уқалашнинг бу турини сурункали касали хуруж қиласидан кишиларга қўллаб бўлмайди. Ҳарорат баланд бўлганда, ҳолсизликда, тана суяклари синган беморларга тавсия этилмайди. Агар уқалаш пайтида оғриқ ҳис этилса, муолажани дарҳол тўхтатиш керак.

Бўйинни уқалаш. Уқалаш, аввало, бўйиннинг олди қисмидан, сўнгра кулокдан елка томон چўзилган мушаклар четидаги 4 нүқтадан бошланади (78 а-расм). Бармоқлар З сония давомида оҳиста ва эҳтиётлик билан босилади. Муолажа З марта тақрорланади.

Иккинчи босқичда муолажа бўйиннинг ён қисмидан бошланади (78 б-расм). Тирсаклар елка баравар кўтарилиб, нүқталар иккала қўлнинг кўрсаткич ва номсиз бармоқлари билан З сония давомида навбатма-навбат, эҳтиётлик билан уқаланади. Муолажа пайтида бармоқлар бир-хил куч билан босилади.




78 а-расм. Бўйин соҳасидаги нүқталар




78 б-расм. Бўйин соҳасининг ён томонидаги нүқталар

либ, иккала қўлдаги номсиз бармоқлар билан 5 сония уқаланади (79 а-расм). Уқалаш пайтида бошқа бармоқларнинг учи бир-бирига тегиб туриши керак. Муолажа нуқталарни сал-сал қаттиқроқ босган ҳолда 3 марта такрорланади.

Бўйин орқасидан ҳар икки томондан ўтган тўртта нуқта ва кўрсаткич бармоқлар билан тепадан пастга босиб 3 сония давомида уқаланади (79 б-расм).




79 а-расм. Орқа миянинг пастки соҳасидаги нуқталар




79 б-расм. Бўйин орқа соҳасининг икки томонидаги нуқталар

Бошни уқалаш. Пешонадан бошлаб бошнинг тепасигача фарқ очиб, шу чизикда жойлашган 6 та нуқта белгилаб олинади (80 а-расм). Икки қўлдаги кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқлар билан шу нуқталар 3 сониядан босилади. Сўнг нуқталар умуртқа поғонасидан юқорига қарата енгил айланади. Харакатлар билан 5 дақиқа босиб уқаланади. Муолажа 3 марта қайтарилади.

Шундан сўнг бошнинг юқори қисмидаги нуқталар чап қўлнинг кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқлари билан чандаги 3 нуқтани 3 сониядан уқаланади (80 б-расм).



80 а-расм. Бош соҳасидаги нуқталар



80 б-расм. Бошнинг юқори соҳасининг чалидаги нуқталар


Бошни уқалаш қўйидаги тартибда якунланади. Кафтларни бошга шундай қўйиш керакки, ўрта бармоқларнинг учи бош ўртасида бирлашсин. 10 сония давомида бош куч билан босилиб, охирида айланна харакатлар билан уқаланса, ҳар қандай оғриқдан тезда халос этади.

Юзни уқалаш. Япон аёлларининг деярли ҳаммаси ҳар куни таналаридаги нүқталарни уқалашлари боис уларнинг юз териси тиник ва мулойим бўлади. Бу муолажа, аввало, қош ўртасидан пешонага қараб жойлашган З нүқтадан бошланади.


Агар ўзингиз ҳам буни синааб кўрсангиз, тезда юзингизни кўркамлашганига ишонасиз. Бунинг учун қуйидаги амаллар бажарилади.

Кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқлар бирлаштирилиб, пешона ўртасига жойлашган нүқталар топилиб (81 а-расм), ҳар бир нүқта З сониядан уқаланади. З марта қайтариладиган бу муолажа пайтида букилганд бармоқлар бир-бирига тегиб туриши керак.

Иккала қўлнинг кўрсаткич бармоқлари билан буруннинг икки томонига жойлашган нүқталар уқаланади (81 б-расм). Муолажа З сониядан З мартадан қайтарилади.




81 а-расм. Пешонадаги икки қош ўртасидаги уч нүқта



81 б-расм. Буруннинг икки соҳасига жойлашган нүқталар


Жағнинг юқори қисмига жойлашган нүқталарни белгилаб (82-расм), уч сониядан босиб-босиб уқаланади. Уқалаш бурун олдига жойлашган нүқталардан бошланади. Муолажа бир вақтнинг ўзида ҳам чап қўл, ҳам ўнг қўл билан З марта бажарилади.



82-расм. Жағнинг юқори соҳасида жойлашган нүқталар

Бу машқ кўзлар учун мўлжалланган. Бармоқлар билан кўз қовоғи ва пастидаги нүқталар белгилаб олинади. Сўнг қовоқдаги ҳар бир нүқта ва кўз остидаги нүқталар (83 а-расм) уқаланади.

Милклар үчун эса 3 сония давомида аввал юқори, кейин пас жағдаги ҳар бир нүкта 6 мартадан босиб үқаланади (83 б-расм).



83 а-расм. Күз көвоги юқори ва пастки соҳасидаги нүқталар




83 б-расм. Оғизнинг юқори ва пастки милк соҳасидаги нүқталар

Белни үқалаш. Белни кўкрак қафаси олди соҳасидан бошлаб чап к ёармоқлари билан ўнг томон 5 сония давомида босиб үқаланади (84-расм). Ўнг ўнг кўл билан чап томондан бошлаб шу ҳаракатлар қайтарилади.




84-расм. Кўкрак қафасининг олди соҳаси

Курак ости ва бел соҳаси ҳам иккала қўлнинг бош бармоқлари билә чүртқанинг икки четидан 10 нүкта паст томондан юқорига қараб 3 сони звомида навбатма-навбат босилади (85-расм). Бу муолажа ҳам 10 сони звомида бажарилади.



85-расм. Курак ости ва бел соҳаларидағи нүқталар



86-расм. Тос ва хочсимон соҳада жойлашган нүқталар

Сүнг тос ва тоснинг хочсимон қисми муолажаси бошланади. Бош бармоқлар билан З сония давомида тосдаги ёнма-ён нүкталарни, сўнг хочсимон соҳадаги нүкталар юқоридан пастга қараб уқаланади. Охирида тосдаги З нүктани уқалаш зарур (86-расм).

Оёкларни уқалаш. Стулга ўтирган ҳолда икки қўллаб ўнг сондаги нүктани тос томонга қараб ҳар бирини ўн дақиқадан уқалаб чиқилади.

Уч марта такрорланадиган бу машқ тизза косаси ўртасидаги нүкталарни босиш билан якунланади. Иккала оёқдаги нүкталар ҳам шу ҳолда муолажа қилинади (87 а-расм).

Бўксадан бошлаб соннинг ички қисмидан то тиззага қадар қисмидаги нүктани уқаланади (87 б-расм).




87 а-расм. Сондаги нүкталар



87 б-расм. Бўхса ва сондаги нүкталар

Тизза косасини уқалаш мана бундай амалга оширилади. З сония давомида бош бармоқлар билан тизза косаси атрофига жойлашган (88 а-расм) 6 та нүкта уқаланади. Бу муолажа ҳам уч бор такрорланади.



88 а-расм. Тизза косаси соҳасидаги нүкталар



88 б-расм. Оёқ болдиридаги орқа соҳасидаги нүкталар

Оёқ болдирининг орқа қисмидаги 8 та нүкта эса иккала қўлнинг кўрсаткич бармоқларини бўккан ҳолда уқаланади (89 а-расм). Бу муолажа уч марта қайтарилади.

Болдириңг ён томони биш бармоқлар билан З сония давомида 6 та нүкталар босилған ҳолда үқаланади (89 б-расм). Бу мұолажа пайтида иккала биш бармоқтуннинг уч томони бирига тегиб туриши керак.

Оёқнинг устки қисми иккі құлда биш бармоқлар билан З сония давомида уч қатордан жойлашған нүкталар, панжаси устидаги нүкталардан бошлаб үқаланади (88 б-расм). Ҳар бир нүктаны үқалаш учун З сония кифоя.



89 а-расм. Болдириңг олди ён томонидаги нүкталар



89 б-расм, Оёқнинг устки қисмидеги нүкталар

Оёқ панжаларининг усти, ёнлариңдаги нүкталар юқоридан пастта қараб бош ва күрсаткыч бармоқлар билан үқаланади (90 а-расм).

Охирида зса оёқнинг остки қисмидеги нүкталар З сония давомида биш бармоқлар билан босиб үқаланади. З марта тақрорланадиган бу мұолажа төвөн олдига жойлашған нүктамиң қаттық-қаттық босиши билан якунланади (90 б-расм).




90 а-расм. Оёқ панжалари устки ва ён соҳасидеги нүкталар



90 б-расм. Оёқнинг остки соҳасидеги нүкталар

Құлларни үқалаш. Құлларни үқалаш құлтиқ остидан бошланади. Ўнг құл кафти юқорига қаратилиб күтарилади. Букилған жойдаги нүкталарнинг ҳар бири 5 сониядан үқаланади. Бу мұолажа беш марта қайтарилади (91-расм).

Чап құл ҳам шу ҳолатда күтарилиб, құлтиқдан то тирсак чұқуригача چүзилған жойдаги 6 нүкта үқаланади.



91-расм. Құлнинг ҳолати

Құлнинг тирсакдан ичга букиладиган қисмидаги 3 нүктаниң ҳар бири 3 сониядан босиб үқаланади. Муолажа уч марта қайтарилади (92 а-расм).




92 а-расм. Тирсак соҳасидаги нүқталар



92 б-расм. Тирсакнинг пастки соҳасидаги нүқталар

Тирсакнинг сал пастки қисмидан то қўл учигача чўзилган жойдаги 24 нүкта белгиланади. Ўнг құлнинг бош бармоғи билан ҳар бир нүкта 3 сониядан босиб үқаланади. Сўнг чап қўл билан ўнг кўлдаги нүқталар үқаланади (92 б-расм).

Қўлтиқ остидан кўкрак қафаси бошланадиган жойгача (ключица) бўлган йўналишда уч зарур нүкта бор. Шуларнинг ҳар бирига бармоқни кўндаланг қўйиб, муолажа уч марта қайтарилади (93-расм).



93-расм. Қўлтиқ ости соҳаси




94-расм. Құлнинг елка устки соҳасидаги нүқталар

Кейинги муолажа қўлнинг елкадан бошланадиган ўстки қисмидаги 6 нуқтани уқалашдан бошланади. Ҳар бир нуқта уч сониядан босиб уқаланади (94-расм).

Кафтнинг ўстки қисмидаги 12 та нуқта ҳам қўлнинг бош бармоғи билан уқаланиб, муолажа қилинади (95-расм).

Қўлдаги бармоқларни уқалаш анчагина мураккабдир. Чунки панжаларда ва уларнинг орасида 76 та нуқта жойлашган (96-расм). Асосийи шундаки, бу нуқталар ички аъзолар билан боғлиқ бўлганилиги учун муолажаси танадаги барча аъзоларни ҳам даволайди. Уқалаш ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғидан соат мили йўналишида ўстки нуқталардан бошланади (97-расм). Сўнг бармоқларнинг ёнидаги нуқталар уқаланиши керак (98-расм).




95-расм. Кафтнинг ўстки соҳасидаги нуқталар



96-расм. Панжалар ва уларнинг орасидағи нуқталар

Юрак хасталиклари билан оғриган беморларнинг жимжилоги қий-шайган ва яхши букилмайдиган бўлганилиги учун улар бу муолажа билан кўпроқ шуғулланишлари керак.



97-расм. Кўрсаткич бармоқдаги нуқталар




98-расм. Кўрсаткич бармоқнинг ён соҳасидаги нуқталар

Бу эса юрак-қон томир тизими хасталигини даволайди, фаолиятини яхшилади. Жимжилоқдаги нуқталарни уқалаш жигар, ўрта бармоқдаги нуқталарни уқалаш эса ичак фаолиятини яхшилаб, қон босимини пасайтиради. Агар ошқозон билан боғлиқ муаммолар бўлса, ўнда кўпроқ кўрсаткич бар-

моқдаги нүқталар үқаланади. Бош бармоқдаги нүқталарни үқалаш эса бош оғриғини қолдириб, мия фаолиятининг яхшиланишига ёрдам беради.




99-расм. Күл кафтидаги үч нүқта



100-расм. Кўкрак қафасида жойлашган нүқталар

Чап кўл кафтидаги 3 нүқтани ҳам 3 сониядан үқаланса кифоя. Сўнг ўнг кўл ҳам шу таҳлитда үқаланади. Бу муолажа ҳам уч марта такрорланади (99-расм).

Кўкрак қафасини үқалаш. Кўкрак қафасидаги 4 та даволовчи нүқталар икки қовурғанинг оралиғига жойлашган. Улар пастдан юқорига қараб 3 сониядан үқаланади (100-расм).



101-расм. Жигар соҳасидан юқоромда кўлни кўйиш



102-расм. Бўйиннинг ўнг ва чап соҳасида жойлашган нүқталар

Турли қасаликларда үқалаш. Жигар хасталигининг олдини олиш учун ҳар куни эрталаб ўриндан турмаган ҳолда кўйидаги машқлар бажарилади. Ўнг кўл жигардан юқорироққа кўйилиб, чап кўл билан ёпилади ва 3 сониядан ўн марта босилади (101-расм).


Тумовда — бўйиннинг ўнг ва чап томонида жойлашган нүқта 1-2 сония давомида бош бармоқлар билан қаттиқ-қаттиқ босилади (102-расм). Сўнг ҳар иккала қўлдаги кўрсаткич бармоқлар билан буруннинг икки томонидаги 3 нүқталар босилади.

Қон босими ошганда — бўйиннинг олд қисмида жойлашган, томир уриши аниқланадиган жойдаги нүқтани топиб, 10 гача санаб босиб туриласди. Сўнг бу нүқтани яна бир марта босиб, муолажа тўхтатилади. Иккинчи томондаги нүқта ҳам шундай үқаланади (103-расм).




103-расм. Бүруннинг икки соҳасида жойлашган нуқталар

Сўнг иккала қўлдаги кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқлар билан чакгадаги нуқта ва бош мия бўйинга туташиб кеттган жойдаги нуқталар бир вақтнинг ўзида босилади (104-расм).



104-расм. Чакка ва бош мия
бўғимиидаги туташган жойидаги
нуқталар



105-расм. Ошқозон соҳаси

Бу муолажа ҳар гал босимни оширган ҳолда уч марта бажарилади. Сўнг яна ўша бармоқлар билан ошқозон соҳаси босилади (105-расм).


Ошқозонни 10 дақиқа санаб босиб тургач, бу ишни тўхтатинг. Бу муолажани 10 марта бажариш керак.

Вақти-вақти билан қабзият безовта қилганда эрталаб туришдан олдин ҳар иккала қўлнинг кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқлар билан қориннинг чап томонидаги йўғон ичак бурами жойлашган соҳа бўсилади. Сурункали қабзиятдан қийналадиган кишиларнинг шу ери қаттиқ ёки шишган бўлади. Шундан сўнг сал туз солинган сув ичилади.

Ажинларни йўқотиш учун. Куйидаги муолажа ажинларни йўқотиш билан бирга, терини ёшартириб, тетиклаштиради. 20 ёшдан ошганларга бу муолажани ҳар куни бажариш тавсия этилади (106-расм).

Олдин кафтларингизни бир-бирига ишқалаб қиздириб олинг ёки бармоқларингизни қайноқ сув остида тутиб туринг. Чунки бу муолажа бажарилаётганда бармоқлар совуқ бўлмаслиги керак.

Кўз мушаклари қувватини ошириш учун уқалаш. Бунда қуйидаги машқлар бажарилади:



106-расм. Паст ва юқори қовоқдаги нүқталар

1. Бармоқларнан учи билан қовоғингиз үстидаги нүқта 3–5 сония босилади (107-расм).
2. Күзнинг пастки бурчагидаги нүқта босиб үқаланади.
3. Қошлар бошланадиган жойдаги нүқталар үқаланади.
4. Күзнинг ички бурчагидаги нүқталарни үқалаш керак.



107-расм. Паст ва юқори қовоқдаги нүқталар



108-расм. Паст ва юқори қовоқдаги нүқталар

5. Бош бармоқлар 6-үқалаш чизиги бўйлаб ҳаракатлантирилади (кўзнинг паст томонидан кўзнинг ички бурчаги томон). Бармоқлар учини пастдан юкорига йўналтирилган ҳолда босилади.

6. Бармоқлар елпигич шаклида очилиб, бир вақтнинг ўзида икки томондаги 6, 7, 8 ва 9-нүқталар үстига қўйилиб, үқаланади.



109-расм. Кўзнинг қовоқ остидаги нүқталар



110-расм. Кўз косачасманнинг пастки соҳасидаги бармоқ ҳаракатлари


7. Бармоқ учларини 6, 7, 8, 9-нүкталарга қўйилиб, қулоқ томонга салсал босилади (108-110-расмлар).

Юқори қовоқлар учун машқлар. Ҳар иккала қўлдаги тўртта бармоқ ёстиқчаларини пастки қовоқ остидаги суякка босганча (аввал секинроқ, кейин эса қаттиқ) бешгача санаб, сўнг кўзлар очилади.


Кўз атрофидаги унча чукӯр бўлмаган ажинларни йўқотиш учун ҳар куни юзни ювиб, бармоқларнинг уни билан кўз атрофига бирорта ўсимлик ёғи сурилади. 15–20 дақиқадан кейин эса қофоз салфетка билан артиб олинади. Сўнг 3–5 дақиқа давомида кўз бурчагидан 1 сантиметр узоқлиқда жойлашган нүкталар босилади.

Остеохондроз хасталигида массаж қилиш

Остеохондроз — умуртқа погонаси хасталигининг оғир туридир. Бу хасталаниш асосида умуртқа погонасидаги тогай дискларининг дегенератив ўзгаришлари ётади. Хасталик умуртқа суяги таналари, умуртқа погонаси бўғинлари, бойламларига тарқалади. Остеохондроз хасталигининг таъсир соҳаси ҳар хил. Остеохондрознинг бир кўриниши — дискоген радикулит бутун дунёда кенг тарқалган хасталик. Бу хасталик туфайли вақтинча иш қобилиятини йўқотиш ҳоллари жуда кўп. Дискоген радикулит хасталигига кўпроқ умуртқа погонасининг бўйин ва бел қисми таъсирланади, айrim ҳолатларда остеохондроз бутунлай умуртқа погонаси бўйлаб тарқалиши мумкин. Бундай ҳолларда оғрикни қолдириш, мушакларнинг ҳаддан ташқари таранглигини сусайтириш, умуртқа погонасининг умуртқалараро бўғимини, марказий нерв тизими ва шикастланган периферик нерв толаларининг функцияларини тиклаш мақсадида массаж кўлланилади. Классик қўл массажи билан бирга, нүктали ҳамда чизиқли массажлар ўтиказилиши ёхуд вазиятга қараб ўзга массаж тури танланиши мумкин.



111-расм. Бўйин соҳасини кўндаланг сиқиши



112-расм. Бўйинни катта бармоқ ёстиқчалари билан ишқалаш

Классик қўл массажи (бўйиннинг орқа соҳасини б-кўкрак умуртқасигача, ён қисмларини елка бўғими билан биргалиқда, кўкракнинг олдинги юқори қисми 2-қовурғаларгача) массаж олувчининг ўтирган ва қорни билан

ётган ҳолатларида 8–12 дақиқа давомида ўтказилади. Массаж ҳаракатлари бошнинг энса қисмидан орқага бўйкрак умуртқасигача, ён томонга елка бўйимига томон йўналган ҳолатда навбатма-навбат силаш, сиқиш, ишқалаш, уқалашлар (111-112-расмларга қаранг) бажарилади. Массаж силаш билан яқунланади.

Нуқтали массаж, асосан, бўйин қисмидаги жойлашган қўйидаги нуқталарда ўтказилади. Массажнинг ўрта ва кучли оғриқ қолдирувчи услублари ишлатилади (113-расм).

1. *Ци-май* — қулоқнинг ташки эшитиш йўли орқасидаги сўрғичсимон ўсимтада.

2. *Тян-чuan* — тўш-ўмров-сўрғичсимон мушакларининг орқасида (қалқонсимон тоғайнинг пастки қисмидан ўтказилган чизикнинг шу мушак билан кесишган жойи).

3. *Тян-дин* — тўш-ўмров-сўрғичсимон мушакларнинг оғқасида (қалқонсимон тоғайнинг юқорисидан ўтказилган чизикнинг шу мушак билан кесишган жойи).

4. *Фу-ту* — тўш-кўкрак-сўрғичсимон мушакларнинг ўртасида, қалқонсимон тоғайнинг юқори қисмida.


5. *Я-мен* — бўйиннинг ўрта чизигида, 2-бўйин умуртқасининг ўсиғи устида.

6. *Фен-фу* — энса суягининг дўмбоқчаси остида.

7. *Син-ше* — 3-4-бўйин умуртқаларнинг ўткир учли ўсимталари орасида (трапециясимон мушакларнинг ташки четида).



113-расм. Умуртқа поғонасининг бўйин соҳасида остеохондроз касаллигидаги, массаж қилинувчи нуқталар



114-расм. Умуртқа поғонасининг бўйин соҳасидаги, остеохондроз касаллигидаги чизикили массаж ўтказилиши лозим бўлган асосий нуқталар

8. *Чун-чу* — 6–7-бўйин умуртқаларининг ўткир ўсимталари орасида.

Нуқтали массажнинг самарадорлигини ошириш учун қиздирувчи суртма мойлардан фойдаланилади.

Чизиқли массаж. Умуртқа поғонасининг бўйин қисмидаги остеохондроз касаллигига чизиқли массаж уч босқичда ўтказилади (114-расм).


Биринчи босқичда умуртқа поғонасининг икки ён томонидаги чизиқлар бўйлаб (умуртқаларнинг кўндаланг ўсиклари устидан ўтадиган чизик), бўйиннинг 4-умуртқасидан 12-кўкрак умуртқасигача, юқоридан пастга йўналган ҳолда 10–12 марта силанади. Иккинчи босқич қўлтиқ ости орқа бурмасидан, Сзян-чжен нуқтасидан кўкракнинг юқори қисмига, сўнгра умуртқа поғонаси томонидаги Да-жу нуқтасигача 10–12 марта силанади (1–2 кўкрак умуртқалари орасида). Учинчи босқич Би-фен нуқтасидан бўшланиб (кўкракнинг юқори қисмидан) 7-бўйин ва 1-кўкрак умуртқаларининг ўткир учли ўсимталари ораси тўмонига 10–12 марта силанади.

Бел қисмидаги остеохондроз хасталигига массаж қилиш

Классик қўл массажи бел, думғаза соҳасидаги 10–12 дақиқа давомида биринчи бел умуртқасидан думба мушакларининг пастки қисмигача ўтказилади. Массаж олувчи корни билан ётади, аввал бел массаж қилинади, бунинг учун силаш ва ишқалашнинг ҳамма турлари қўлланилади. Белда ишқалаш тугаганидан сўнг суст машқлар бажарилади. Сўнгра думба мушаклари массаж қилинади, бунинг учун силаш, сиқиш, уқалаш турлари бажарилади. Бундан сўнг думғаза массаж қилинади, бунда асосан, ишқалаш усууллари қўлланилади. Кейинчалик ёнбош суккнинг кирраси ишқаланади. Массаж силкитиб-силкитиб қўйиб; уриш ба силаш усуулларини бажариш билан яқунланади.

Нуқтали массаж. Бу хасталикда нуқтали массаж ҳам мӯваффақиятли қўлланилади. Массаж давомида умуртқанинг икки ён томонида жойлашган нуқталарига таъсир кўрсатиб, олдин соғлом томони, сўнгра оғриғи кучли бўлган томони массаж қилинади. Массаж олдидан шу жой, албатта, иситилиши лозим (оғриғи кучли соҳаларнинг акупрессура нуқталари бир-бирига тўёри келмаслиги мумкин).

Кўйидаги нуқталарда массаж ўтказиш лозим (115-расм).



115-расм. Умуртқа поғонасининг бел соҳасидаги остеохондроз касаллигига чизиқли массаж ўтказилиши лозим бўлган асосий нуқталар

1. Минмен нұқтаси — иккінчи ва үчинчі бел умуртқасининг ўткір үчли үсімталары орасида.

2. Яоян-гуан — 4,5-бел умуртқасининг ўткір қуачи үсімталары орасида.

3. Чжи-бян — думғаза каналига кириш жойида.

4. Чжи-ши — орқа соҳанинг иккінчи ён чизигида, белнинг 2-3 умуртқаси қисмida.

5. Чен-фу — думба ости бурмасининг ўртасида.

6. Хуан-Тяо — думбанинг ташқи юқори квадратида (қисмida).

Бу нұқта 8-12 см чуқурликда жойлашғанлиги туфайли массаж тирсак билан ёки кичкина тәжірелдемесінде бажарилади.

Чизиқли масаж. Чизиқли массаж иккі босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда думба ости бурмалари бўйлаб, ташқи томонга йўналган ҳолда, бош бармоқ ёстиқчалари билан 10-12 марта бажарилади. Иккінчи босқичда бош бармоқ ёстиқчалари билан орқанинг биринчи ён чизиги бўйлаб белнинг 5-умуртқасидан 12-кўкрак умуртқасигача пастдан юқорига кўтариб, сунгра орқанинг иккінчи ён чизигигача ўтиб майнинлик билан 12-кўкрак умуртқасидан 5-бел умуртқасига томон 20 марта чизиқли массаж бажарилади.

Су-жоко терапия

Бу үсулда даволаш панжа ёки кафт ёрдамида олиб борилади. Унинг номи ҳам шундан келиб чиқсан — Су-жок аккупунктура, яъни Панжа-кафтларга иғна санчиб даволаш демакдир.

Су-жок аккупунктурасининг кашфиётчisi, ижодкори кореалик профессор Пак Же Вудир. Пак Же Ву дунё тан олган олимдир.

Бугунги кунда жаҳоннинг 35 мамлакатида Су-жок үсулида даволац марказлари фаолият қўрсатади. Ўзбекистонда ҳам Су-жок академияси очилган, бу үсул намоёндаларининг республика ассоциацияси ишлаб турибди.

Су-жок үсули ўз-ўзидан юзага келмаган, албатта. Бу үсул замирида буюк юртдошимиз Абу Али ибн Сино, шунингдек, қадимги Шарқ ва замонавий Фарбнинг шифобаҳш табобати ютуқлари жамланған. Бугунги тиббиёт фанининг кўпгина ёрқин юлдузлари — таникли олимлар Су-жок аккупунктурасини XXI аср тиббиёти деб тарьиғланадилар. Бу үсулнинг юқори босқичлари маҳсус иғналар ёрдамида, бошланғич босқичи еса панжа бармоқларнинг муайян нұқталарини үқалаш йўли билан амалта ошириллади. Су-жок инсонда яширин кечайтган хасталикларни аниқлаш ва даволаш келажакда қўзғаладиган бошқа касалликларни аниқлаб чора кўриш қудратига эга бўлган, мутлақо безарар үсулдир.

Маълумки, инсоннинг панжа ва кафтлари бутун танаси билан мута носиб ва боғлиқдир. Инсон танасидаги ҳар бир аъзо таъсирчанлигинин юқори нұқталари қўл-оёқ кафт-панжаларида жойлашган. Гўёки бутун тана кичрайтирилиб, унинг кафт-панжаларига чизиб қўйилгандек. Одамнинг қай

бир аъзоси касалланса, дархол кафт ва пәнжалардаги шу аъзога тегишли бўлган нұқталарда акс етади. Агар ана шу нұқта топилиб, уқаланса, даво тўлқини хаста аъзога етиб боради ва оғриқ барҳам топади. Уни нотўғри кўллаш ҳам инсонга ҳеч бир зарар етказмайди, нари бўрса даволаниш самарасиз бўлади. Муҳими, ушбу усуулни қаерда ва қандай шароитда бўлмасин — самолётдами, автобусдами — кўллаш мумкин. Натижаси бир неча дақиқада намоён бўлади.

Бош оғригандаги массаж. Аввало, пәнжа ва кафтларни диққат билан кўздан кечириш керак. Кафт атрофида бештадан бармоқ мавжудлигини биласиз. Инсон танаси ҳам гавда ва ундан бошланадиган бош қисм — бош, икки қўй ва икки оёқдан иборат.

Бу ўхшашлик амалда янада яққолроқ намоён бўлиши учун қуйидаги амални бажаринг: қўлингизни тушириб туриб, тўғри туринг, кафтингиз олдинга қараган бўлсин. Бош бармоғингизни 140 даражага юқорига кўтаринг.

Тананинг бундай ҳолатида — оёқлар худди ичкарида, қўллар ташқарида бўлиб, бунда ўрта бармоқ ва сўфи бармоқ оёқларга, қарамалдок — шаҳодат бармоқ ва жимжилок қўлларга тўғри келади. Кафт — тана бўлиб, кафтнинг ички томони гавданинг орқа қисми, бош бармоқ — бош ва кўкрак, кафтдаги чизиқлар — кўкрак кафтини қорин бўшлиғидан ажратиб турувчи диафрагма. Айтайлик, бошингизнинг пешона қисми оғрияпти. Расмга қараб бош бармоқдан пешонага тўғри келадиган доирани топинг. Энди гугурт чўпини, ручка ёки 2–3 мм юмалоқ бошли асбоб топиб, бош бармоққа боса бошлаймиз ва оғриғи кучлироқ бўлган нұқтани ахтариб топамиз. Қўлингиздаги асбоб билан нұқтани яна ҳам қаттиқроқ босасиз. 20–30 сониядан кейин нұқтадаги кучли оғриқ йўқолади, ёқимли увишиш ҳисси пайдо бўлади. Нұқтада оғриқ йўқолиши билан бошдаги оғриқ ҳам йўқолади. Албатта, нұқта тўғри топилган ва қўзғатилган бўлса.

Агар оғриқ нұқтасини тополмаган бўлсангиз, унинг фойдаси ҳам камроқ — 90–95% бўлади. Баъзан оғриқ унчалик кучли бўлмаганда, 5–6 сония босиш кифоя, бошқа ҳолларда 3–5 дақиқа ҳам талаб қилинади. Уқалашни нұқтани қаттиқ-қаттиқ босиб ҳам амалга оширса бўлади, шу билан бирга, соат чизиги йўналиши бўйлаб қарама-қарши йўналишда доиравий характерлар билан уқалаш мумкин.


Оддий ва ўткир касалликларни даволаш учун бундай сеансларнинг биттаси ҳам етарли. Агар касаллик сурункали бўлса, у ҳолда сеанслар сонини 7–10 тагача етказиш керак ва оғриқ берадиган нұқталарни ҳар куни 3–4 соат оралатиб 3–5 дақиқадан уқалаб туриш лозим. Даво самарадорлигини янада ошириш учун кафтдаги оғриқ берувчи ықталарага дон, кум зэрралари, кичик тошларни лейкопластир билан ёпиштириб қўйиб, уларни кун давомида доимий равишда босиб, ҳар куни янгисига алмаштириб туриш керак.

Бошнинг чакка ёки энса қисмлари оғригандага ҳам худди шундай амаллар бажарилади.

Яна бир маслаҳат. Панжа ва кафтларимиз бизни ўраб турган олам билан күпроқ алоқада бўлади. Ёзда юмшоқ иссиқ тупроқ ёки қумда оёқ яланг юриш ва югуриш, панжа ва кафтларни ҳар куни үқалаш чарчоғингизни олибгина қолмай, балки ички аъзолар фаолиятини ҳам кучайтиришини унутманг.

Бурун, кўз, қулоқ, томоқ оғригандаги массаж. Энг аввало, бош бармоқда кўрсатилгандек кўз, қулоқ, оғиз шакли чизилади. Бош бармоқда уч қисмидаги палласи гўё одамнинг кичрайтирилган бошини эслатади. Бош бармоқнинг уч қисмидаги палла маркази бурунга келадиган нуқтадир. Агар тумов ёки бурун билан боғлиқ бўлган бошқа дард бўлса, ана шу нуқта қаттиқ-қаттиқ босилади. Шунда қақшатгич оғриқ сезилади. Лекин бир неча дақиқа сабр қилиш керак. Шу нуқтадаги ва шунингдек, бурундағи ёқимсиз ҳолат ўтиб кетади (116-расм).

Кейинги пайтлар кўзингиз тез-тез чарчайдиган, қизарарадиган бўлиб қолган дейлик. Аввало, бош бармоқларнинг кўзга таллуқли нуқтасини топинг. Бунинг учун чап қўлингиз ёки ўнг қўлингиз бош бармоғига қаранг, ўнг кўзга тааллуқли нуқта бармоқнинг ўнг тарафида, чап кўзга тааллуқлиси чап тарафда жойлашган (117-расм).



116-расм. Бош бармоқ соҳасида жойлашган органлар




117-расм. Бош бармоқдаги чап ва ўнг тарафни белгилаш

Шунингдек, қулоқларга дахлдор нуқталар ҳам шу тахлит аниқланади. Одатда, қаериdir оғриб турган боланинг зарур нуқталарини топиб, таъсир ўтказиш, албатта осон иш эмас! Шунинг учун бу тадбирларнинг оғриксиз усулини кўллаш ҳам самара бериши мумкин. Мош доналари, олма ва бошқа меваларнинг донодор уруғларини шифо нуқтасига лейкопластир билан ёпийтириб қўйиш керак. Уруғ донаси айнан нуқта устида жойлашган ёки жойлашмаганлигини қаттиқ босиб, аниқласа бўлади. Агар хасталанган аъзога тааллуқли нуқта бўлса кучли оғриқ юзага келади. Кичик ёшдаги болаларга бу тадбирни тұнда, үйқу олдидан қўллаш ўринлидир.

Оғриқ қолдирувчи нуқтада мош ёки олма уруғи 6-7 соатгача сакланаади (118-расм).



120-расм. Бош бармоқ пастки палласи, күл, оёқларда ұпика соқалары күрсатылған



121-расм. Бош бармоқ құл ва оёқ кафти соқаларидаги қайта тиклаш соҳаси

Оёқ кафти массажи. Хитойлар оёқ кафтининг саломатлик күзгуси эканлигини қадим замонлардаёқ билишган. Замонауий тиббиёт уларнинг донолигини эътироф этди ва оёқ кафтидан құлолқ чиганоги каби орга-

низмдаги турли хилдаги ўзгаришларни даволашда таъсир қилиш йўли билан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблашди.

Чиндан ҳам оёқ кафтидаги рефлектор зоналарни массаж қилиш йўли билан меъда, буйрак ва бошқа аъзолар касалликларини даволаса бўлади. Бу гағ, асосан, вегетатив нерв тизимидағи ўзгаришларга алоқадор бўлган касалликларга таалукли. Оёқ кафтидаги маълум зоналарни рағбатлантириш йўли билан организм ишини яхшилашга эришиш мумкин. Бирок, хусусан, жиддий касаллик бўлганда, рефлектор зоналарни массаж қилишни, албатта, бошқа бир қатор тиббий тадбирлар билан бирга олиб бориш лозим. Бунда биргина масажнинг ўзи етарли бўлмайди. Оёқ кафтининг рефлектор зоналарини худди акупунктура каби массаж қилинади. Оёқ кафтида инсон организмининг барча нерв түгуналари учлари бор. Оёқ кафтидаги нерв учларининг қўзғалиши мия орқали тегишли аъзога берилади. Шу йўл билан организмда қон айланиши яхшиланади, кислородни ўзлаштириш ва шу аъзодан ёки тананинг бирор қисмидан шлаклар (хилт, чиқиндилар) чиқиб кетиши осонлашади. Оёқ кафтидаги кўрсатилган нуқталарга шунчаки бармоқ билан тахминан 1-2 дақиқа босиб туриб, таъсир қилиш мумкин.

Бурундаги рефлектор зона, масалан, оёқ бармоқларида, сийдик халтаси, тизза ва эгарсимон нерв товоңда бўлади. Бу оёқ кафтидаги рефлектор зоналарни узоқ йиллар давомида массаж қилиб, катта тажриба орттирган терапевтларнинг тажрибаси билан аниқланган.

Мабодо кимdir бирорта рефлектор зонанинг ўрнига бутунлай бошқасини массаж қилса, одам ўз аҳволининг яхшиланганини мутлақо сезмайди, лекин бу саломатлигига ёмон таъсир қилмайди. Рефлектор зоналарни нотўғри массаж қилиш одамнинг аҳволини яхши ҳам, ёмон ҳам қилмайди.

Аурикулотерапия

Аурикулотерапия — (лотинча «аурикула» — «қулоқ чаноғи супраси, чиганоғи; «терапия» — даволаш) қулоқ супрасида жойлашган нуқталарга таъсир етиб, даволаш усуllibаридан биридир. Қадимги бу усул Шарқ тиббиётида қўлланилган. Қулоқ марказий нерв тизими ҳамда ички аъзолар билан узвий боғланган. Ташки қулоқ нервларга бой боғланишлари туфайли тананинг ички аъзолари ва тизимлари ҳолатларини сезиш имкониятларига эта. Қулоқнинг бундай хусусияти ва аҳамияти қадимдан тибшуносларга маълум бўлган.

Кулоқ супрасида жойлашган фаол таъсирланувчи нуқталар ички аъзоларнинг таъсирланиш соҳаларини ўзида мужассам этган. Бу ҳақда эрамизнинг VII асрода қулоқни игна санчиб даволаш усули асосчиси, олим Сун Си Мяо биринчи бўлиб маълум қилган ва қулоқнинг топографик харитасини тузган.

Аурикулотерапия усули XX асрнинг 50-йилларида анатомофизиологик ва даво тариқасида илмий-назарий асосда қўлланила бошлади.


Марселда 1956-йилда ўтказилган халқаро анжуманда француз олим Пол Ноженинг қулоқ супрасида ҳомиланинг тасвири акс етиши, шу боис айрим нүқта ва соҳаларни қўзғатиб, ички аъзолар ва бутун организм фаолиятини тиқлаши ва жадаллаштириши мумкинлиги ҳақидаги фикри шовшув ўйфотди.

Пол Ноже қулоқ супрасида ўз ифодасини топган бир неча рефлектор соҳаларни таърифлаб, илмий асосда қулоқнинг топографик ҳаритасини биринчи бўлиб тузиб чиқди.


Ҳозирги вақтда ушбу йўналишдаги клиник ва экспериментал изланишлар давом етмоқда. Булар асосида қулоқ супрасининг янги топографик кариталари вужудга келмоқда (122-расм). Ҳамма ҳадиталавила қулоқ

Шундай қилиб, қулоқ супрасидаги нүктамардан даволаш мақсадида фойдаланилади (123-расм).

Кулоқ супрасидаги күл, оёқ ва тана қисмларининг сезувчан соҳалари акс эттирилган: 1-соҳа — қулоқ солинчаги ва бўйин чигалини (С2-С3) акс эттиради; 2-соҳа — бўйиннинг орқа юзасини; 3-соҳа — елка, елка бўғими, кўкрак соҳаси ва қовурғаларни (И-В); 4-соҳа — билак ва тирсак бўғимини; 5-соҳа кўл кафтини; 6-соҳа — кўл бармоқларини; 7-соҳа — оёқ кафти, болдири-оёқ панжа бўғими ва оёқ бармоқларини; 8-соҳа — болдири ва тизза бўғимини; 9-соҳа — сон, чанок-сон, думба ва қов қисмларини; 10-соҳа — бел, думғаза ва шунга тааллукли қорин қисмим; 11-соҳа — бел ва қориннинг южори қисмлари (тӯш ости соҳаси)ни.



123-расм. Қулоқ супрасидав қўл, оёқ ва тана соҳаларининг сезувчанинг акс эттирилган соҳалар рақамлар билан белгиланган



124-расм. Марказий нерв тизими таркибидағи соҳалар кўрсатилган

Марказий нерв тизими таркибидағи соҳалар кўрсатилган: 1-бўйин чигәли; 2-кўкрак чигали; 3-қорин чигали; 4-пастки қорин чигали; 5-тос симпатик тугуни. Орқа миянинг сегментлари ва орқа мия илдизлари қарши бурма соҳасида жойлашган. С-бўйин, Т-кўкрак, Л-бел, С-думғаза (124-расм).

Кўшимча равишда таламус ТхЛ (оралық миянинг қисми), кўриш бўртиқлари соҳаси (С) ва шен-мен нүктаси тасвиранланган. Таламус умумий сезувчанлик соҳаси ҳисобланади, шу сабабли ҳар хил оғриқларни қолдирища айнан шу соҳа массаж қилинади.


Кулоқ учбурчагининг пастки қисмida жойлашган нүқта-стресс нүқтаси, шен-мен деб номланган. Ушбу оммабоп нүқта стресс (танглик) ҳолатларнинг олдини олиш ва ҳаддан ташқари асабийлашишларни бартараф қилишда тиб амалиётида кенг кўлланилади. Бу нүқта билан биргаликда қулоқ солинчагининг пастки қирраси ҳам массаж қилинади. Бу ерда бош мия пўстложишини тасвири соҳаси жойлашган.

Кулоқ супраси соҳаларини кетма-кет массаж қилиш тартиби рақамлар йўналиши бўйича кўрсатилган.

Одатда, қулоқ супраси бош ва кўрсаткич бармоқлар орасига олинниб, массаж қилинади. Бунда бош бармоқ қулоқ супрасининг олд юзасини, кўрсаткич бармоқ еса ташки юзасини массаж қилади. Массажнинг икки усули қўлланади: икки бармоқ ёстиқчалари орасида айланма шаклда ишқалаш ва ўқтин-ўқтин эзиш.

Массаж олувчи чалқанча ётганида бўйин остига кичик ёстиқча қўйиши, корин билан ётганида эса кафтлар устига пешонасини қўйиб ётиши лозим. Бу ҳолатларда бош мия қон билан яхши таъминланади.

Массаж қулоқ солинчаги ва бурма соҳаларидан бошланиб, қулоқ супрасининг чўққиси ва бурманинг оёқчаси томон (И-И) 2–3 марта бажарилади, сўнгра 2–4 марта қарши бурма, олдин устки кейин пастки оёқчалар бўйлаб (2-2А-2Б) массаж қилинади. Бундан кейин кўрсаткич бармоқ (ёки тирноқ) билан қарши бурма ва қулоқ супраси чегарасига қарши супачадан бурмани икки юзасига (3–3 йўналтирилган ҳолда) 2–3 марта ишқаланади ёки босилади. Бу соҳада вегетатив нерв тизими жойлашган.



125-расм. Қулоқ супраси соҳаларини рақамлар ва ҳаракат йўналиши бўйича кетма-кёт массаж этиш ҳаракатлари йўналиши кўрсатилган

Қулоқ супраси массажидан сўнг қулоқ супраси олди тепадан пастга йўналтирилган ҳолда (4–4) 2–3 марта сўланади (125-расм).

Айрим ҳолатларда таламус (5) соҳаси, қулоқ солинчагининг пастки қирраси (7) ва шен-мен (6) нуқтаси массаж қилинади.


Массаж вақти 3–6 дақиқа давом этади. Баъзан массаж давомида массаж олувчи қисқа вақтли (сониядан бир неча дақиқагача) уйқуга кетиши мумкин. Шу боисдан массаж олувчи массаждан сўнг камида 10 дақиқа дам олиши тавсия этилади.

Даволаш амалиётида нуқтали ва чизиқли массаждан олдин қулоқ супрасини бармоқлар билан массаж қилиш лозим.


Соғломлаштириш амалиётида аввал классик тикилаш массажи (ёқа, бўйин, елка соҳалари)дан сўнг қулоқ супраси массаж қилинади (126-расм).

Болдир мұшакларини бўшаштириш, оғриқни ва томир тортишини қолдириш учун қулоқ супрасидаги оёқларнинг анатомик таъсир соҳаларини кетма-кет массаж қилиш керак бўлади. Бу соҳалар қўйидагилардан иборат.

1-соҳа — қарши супача. «Бош мия пўстлоғи» соҳаси. Массаж бош мия фаолиятини кучайтиради. Бу соҳанинг ташки ва ички юзасини бош ва кўрсаткич бармоқлар ёстиқчалари орасига олиб, бараварига массаж қилиш лозим.



126-расм. Болдир мұшакларида оғриқ ва томир тортилишида қулоқ супраси соҳаларини массаж этиш



127-расм. Қўлларнинг жисмоний иш қобилиятини қайта тиклашда қулоқ супрасининг уч соҳасини массаж этиш

2-соҳа — қарши бурма. Бу соҳа икки бармоқ орасига олиниб, кўрсаткич бармоқ билан айланана шаклида ишқаланади ёки ўқтин-ўқтин босиб қарши бурманинг юқори пастки оёқчаси бўйлаб массаж қилинади. Бош бармоқ таянч вазифасини бажаради.


3-соҳа — Дарвин бўртмачасининг атрофи. Бу жигар фаолиятига таъсир этувчи ва қоннинг қайтадан тақсимланишини нормаллаштирувчи соҳа. Бу соҳа икки бармоқ ораси билан массаж қилинади (127-расм).

Қўлларнинг иш қобилиятини қайта тиклаш мақсадида қулоқ супрасининг уч соҳаси, яъни оёқлар мұшакларини бўшаштирувчи биринчи ва үчинчи соҳалар ҳамда қайиқ шаклидаги чуқурча бармоқ тирноги билан пастдан юқорига йўналтириб массаж қилинади. Қайиқ шаклидаги чуқурча қўллар ҳаракати ва сезувчанилигига таъсир этувчи соҳа саналади. Бу соҳани массаж қилиш қўл мұшаклари нервларининг фаолиятини яхшилайди.


Қўл мұшаклари фаолиятини ошириш мақсадида бўйин, ёқа, елка соҳалари ва қўлларнинг класик мессажидан сўнг қулоқ супрасини массаж қилиш тавсия этилади.

Уйқусизлик ҳолатида қулоқ супрасида жойлашган 1–4-соҳалар жимжилокнинг учи билан массаж қилинади (128-расм).

Тунда уйку бузилганда, уйғонган заҳоти 1, 3, 4-соҳалар массаж қилинади (129-расм).




128-расм. Уйқусизликда қулоқ супрасиниң ва ўз-ўзини массаж этиш соҳалари кўрсатилган



129-расм. Нафас аъзоларининг ўткир ва вирусли касалликларида қулоқ супрасининг ва ўз-ўзини массаж этиш кўрсатилган

Нафас аъзоларининг ўткир ва юқумли касалликларида қулоқ супрасининг тегишли соҳэларини массаж қилиш кўрсатилган. Массаж хасталикнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлиши билан қўлланилиши (дармонсизлик, лоҳаслик, бетоблик) мухим аҳамиятга эгадир. Бу вақтда қулоқ супралари галма-гал массаж қилинади. Биринчи куни биринчиси, иккинчи куни иккинчисини ва ҳоказо. Ўнақайларда ўнг қулоқ супраси, чапақайларда еса чап қулоқ супраси массаж қилинади.



130-расм. Қон босими ошгандага ва пасайғандага фаол нуқталар

Қон босими ошганда ва пасайганда қулоқ супрасидаги фаол нүкталар:

13 – томир тонусими мөйөрга келтиради. Артериал босим ошганда ва пасайганда құлланилади.

19 – артериал босимни пасайтиради.

55 – гипертониядаги асосий нүкта

59 – артериал босимни пасайтиради.

72₁, 72₂, 72₃, 72₄, 72₅, 72₆ – бу нүкталар артериал босимни пасайтиради.

78 – артериал босимни пасайтиради

82 – «нол» нүктаси. Бу нүктадан ҳар хил қасалликлари даволашни бошлаш тавсия қилинади.

98 – томир тонусини оширади.

100 – ошган ва пасайған босимни мөйөрлаштиради (130-расм).

Массажнинг давомийлиги 10–12 күн бўлиб, икки күн давомида массаж эрталаб ва кечқурун, кейин фақат эрталаб ўтказилади.

Белгиланган соҳалар рақамлар бўйича кетма-кет массаж қилинади.

IV соҳа — қулоқ бурмасининг чўққисида жойлашган. У оғрикни қолдириш, тинчлантириш, яллиғланишга қарши ва организмнинг ҳар хил хасталикларга чидамлилик қобилиятини ошириш учун массаж қилинади.

V соҳа — қулоқ солинчагининг пастки қисми, муртак безларининг таъсирланиш соҳаси акс этган. Массаж натижасида ҳалқум атрофидаги лимфатик тўқималарда модда алмашинуви яхшиланади ва организмнинг иммунологик реактивлиги кучаяди.

IV-V соҳалар — биринчи ва иккинчи бармоқлар орасига олиниб, массаж қилинади.

Ўз-ўзини массаж қилиш

Ўз-ўзини массаж қилганда организм тонуси, кишининг иш қобилияти ва мускуллар чидами ошади, жисмоний толиқиши йўқолади ва куч-қуввати тез тикланади. Ўз-ўзини массаж қилаётганда массажнинг асосий қоидаларига амал қилиш зарур. Массаж қилаётган қўл, одатда, перифериядан марказга ҳаракат қилиши керак: қўлтиқ, тирсак, бўғимининг ички томони, тақим ва лимфа тутунлари жойлашган соҳалар массаж қилинмайди. Ўз-ўзини массаж қилинганда энг қулай ҳолатни танлаш ва массаж қилинаётган мускулларни имкон борича тўла бўшаштириш, қўлга талқ, болалар креми, борат, вазелин суртиш керак. Ўз-ўзини умумий массаж қилишга 10–15 дақиқа гавданинг айrim қисмлари учун 5–10 дақиқа вақт белгиланади. Ўз-ўзини массаж қилишни оёқ панжасидан бошланади, сўнgra болдири, тизза бўғими, сон, думбалар, бел-думгаза соҳаси, орқа бўйин, бошининг сочли қисми, кўкрак, корин ва ниҳоят, қўллар массаж қилинади.

Ўз-ўзини массаж қилиш кенг кўламда уй шароитида, ишлаб чиқариш корхоналарида ва муассасаларда, меҳнат фаолиятида, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланиш жараёнида ўтказилади. Ўз-ўзини массаж қилиш

даво мақсадларида ҳам құлланиши мүмкін. Масалан, пайлар ва боғламлар чүзилганды, тұқымалар әзилганды, мушаклар, нерв толалари яллиғланған ва шикастланған ҳолатларда, бөш оғриганды, бод хасталигига, бүғимларнинг шикастланишларида құлланилади. Тонгда үйқудан үйғониб, әрталабки гимнастика машқларидан сұнг үз-үзини массаж қилиш тавсия этилади. Үз-үзини массаж қилиш душ остида, ваннада, сувнинг ҳарорати +36+38°C бүлган вақтда үтказилиши мүмкін. Бундай үз-үзини массаж қилишда сув мұолажалари билан құшиб олиб бориш ўта оғир мекнат, спорт машғулотларидан сұнг, тезликда күч-құвватни тиқлашда, модда алмашинышини теззатиша, үйқуни яхшилашда, қайфиятни ошириш мақсадларида кеңг құлланилади. Айрим ҳолатларда ваннада үз-үзини массаж қилиш учун ҳар хил ёрдамчи воситалар ишлатиласы. Бундай массаж, асосан, күннинг биринчи ярмида үтказилиши керак.

Спортчилар үз-үзини массаж қилишни күп құллайдылар. Бунда ҳар хил массаж үсууллари құлланилиши мүмкін: мушакларнинг тонусини ошириш учун қоқиши, сиқиши, үқалаш, старт олди ҳаяжонланишини камайтириш учун тинчлантирувчи үсууллар құлланилади. Массаж давомида ҳар хил суртма мойлардан фойдаланиш ҳам мүмкін.

Үз-үзини массаж қилиш умумий ва хүсусий хилларга бўлинади. Умумий массажнинг давомийлиги 20—25 дақиқа, хүсусийники эса 3—5 дақиқага етади. Үз-үзини массаж қилишнинг умумий хили соннинг тўрт бошли мушакларидан бошланади. Массаж ҳаракатлари тизза бўғимидан юқорига — чот томонга йўналган ҳолда бажарилади. Ҳар бир массаж қилинган жой силаш билан якунланади. Ҳудди шу тарзда соннинг орқа юзасида үз-үзини массаж қилиш бажарилади. Тизза бўғимида массаж силаш билан бошланади, сұнг ҳар хил ишқаланиш турлари құлланилиб, силаш ва ҳаракат машғулотлари билан мұолажа якунланади. Болдир қисмнинг олди ва орқа юзасини массаж қилишда барча массаж ҳаракатлари оёқ бармоқларидан тизза ости чуқурчасига томон йўналган бўлиши керак.

Оёқ кафтини массаж қилиш. Товон остида ички аъзолар билан узвий боғланган нүқталар бор, бу боғланышларнинг рефлекторлик хусусияти аниқланған. Шу сабабли бу нүқталарга таъсир этиб, ички аъзолар фаолиятини яхшилаш, организмни чиниқтириш мүмкін. Үй шароитида товон остини массаж қилишда плантар (лотинча *плантос*) деб ном олган ноанъанавий массаж турларидан ёрдам воситаси сифатида фойдаланиш мүмкін. Товон ва товон пайини массаж қилиш массаж олувчининг ўтирган ҳолатида үтказиласы.

Анвал оёқ кафт ости массаж қилинади. Бунда мұшт қирраси билан оёқ панжаларидан товон томонига тўғри чизик ва спирал шаклида ҳаракатланади. Ҳар бир үсул 3—5 марта тақрорланади. Сўнг қўл бармоқларининг ёстиқчалари билан оёқ кафти ости үқаланади, товон ва товон пайи ҳам массаж қилинади. Товон пайи икки қўл бармоқларининг ёстиқчалари билан спиралсимон, доирасимон шаклда ишқаланади.

Оёқ кафтида ўтказиладиган ўз-ўзини массаж қилиш мүолажаси оёқнинг ҳар бир бармогини қўлнинг беш бармоқ ёстиқчалари билан ушлаб, тирноқдан бармоқ асосига доира шаклида ишқалаш йўл билан бажарилади.

Тўғри чизик шаклида ишқалаш учун бармоқ кўндалангига ишқаланади. Сўнгра оёқ кафти массаж қилинади. Болдири панжа бўғимида силаш, ишқалаш турлари ўтказилади.

Кўкрак соҳасида ўнг қўл билан кўкракнинг чап томони массаж қилинади. Кўлланиладиган усуллар: силаш 4–5 марта, сикиш 4–6 марта, уқалаш турлари, ишқалаш турлари. Ҳар бир қўл ўз томонида ишқалашни бажаради. Сўнгра тўш суягида пастдан бўйин томонига қаратиб бармоқлар ёстиқчаси билан ишқалаш усули бажарилади.

Елка соҳасида массаж ўтказишида олдин елканинг олдинги юзаси, сўнгра орқа юзаси массаж қилинади. Бу вактда қўйидаги мүолажалар бажарилади: силаш 4–5 марта, сикиш 3–5 марта, уқалаш 5–6 марта. Мүолажа силтаб-силтаб қўйиш ва силаш билан якунланади. Ҳамма ҳаракатлар тирсак бўғинидан елкага йўналган ҳолда бажарилади.

Тирсак бўғинида, асосан, силаш, ишқалаш ва ҳаракат машғулотлари кўлланилади.

Бўйин ва трапециясимон мушаклар мүолажасида олдин орқа қисми, сўнг ён томонлари массаж қилинади. Бунда силаш, уқалаш, ишқалаш ва коқиб қўйиш усуллари кўлланилади.

Думба мушаклари ва бел гавданинг тик ҳолатида массаж қилинади. Ҳар бир қўл ўз томонида массажни ўтказади. Массаж ҳаракатлари думба мушакларида сондан юқорига, тос суяклари қиррасига томон қаратилиб бажарилади. Мүолажа давомида силаш, бир қўл билан ёки кафт асоси билан сикиш, бир қўл билан оддий уқалаш, силтаб-силтаб қўйиш бажарилади. Иккинчи думба мушаклари ҳам шу тарзда массаж қилинади. Сўнгра думғаза соҳасида массаж ўтказилади. Думғазанинг пастки қисмидан юқори йўналган ҳолда силаш ва ҳэр хил ишқалаш усуллари бажарилади.

Бел соҳасида умуртқа поғонасидан ён томонларга ва умуртқа поғонаси бўйлаб юқорига ишқалаш усуллари бажарилади. Орқа соҳасида массаж орқанинг сербар мушакларидан бошланади. Бунда ҳамма массаж турлари — силаш, ишқалаш ва уқалаш кўлланилади. Қорин массажи мушакларнинг кучини ошириш ва ичакларнинг ҳаракатини кучайтириш учун кўлланилади. Ҳаддан ташқари семиз одамларда қоринни массаж қилиш ҳам мақсадга мувоғиқидир. Қоринни массаж қилишида қўйидаги усуллар кўлланилади:

• силаш — икки қўлни қориннинг пастки қисмига қўйган ҳолда юқорига, қовурғалар ёйлари томон, навбатма-навбат бажарилади;

• ишқалаш — букилган бармоқларнинг қирралари билан қовурғалар ёйидан пастга, юқорига ва қориндан кўндалангига бажарилади;

• уқалаш — қўл қориннинг юқори қисмига қўйилиб, ҳаракатлар пастга йўналган ҳолда, қовуққа қадар давом этади. Қориннинг тўғри мушаклари-

үқалаш мүмкін. Сунгра қориннинг ен томонида, тос ылан қовурғалар орасида жойлашган қориннинг қия мушаклари үқаланади. Ҳар бир құл ўз томонида, ёнбош тос сүягининг қиррасидан қовурғалар томонга йұналған ҳолда ҳаракатланади. Кафтнинг түрт бармоғи қорин томонга, катта бармоқ орқага қаратылған ҳолда қорин устига қүйилади. Қоринни массаж қилиш си-лаш билан мұолажа яқунланади.

Бошни массаж қилиш. Бошда ўз-ўзини массаж қилиш 5–7 дақиқа давом етади. Бошда ўз-ўзини массаж қилиш бош оғриганида үтказиладиган массаж каби бажарилади.

Ҳар хил массаж аппаратлари ёрдамида ҳам ўз-ўзини массаж қилиш мүмкін.

Сүнгги йилларда маҳсус аппаратли массаж столи кенг күламда күлланилади.

Массаж столи электр күввати билан ишлайди, унда маҳсус иккита юритма бўлиб, үларнинг мунтазам ҳаракатланиши натижасида чалқанча ётган кишининг бошидан оёғигача, оёғидан бошиғача массаж қилинади.

Массаж столининг мосламалари ёрдамида қўлтиқ остидан тортиб ойларга 2 кг дан 10 кг гача тошларни осиб, умуртқа погонасини чўзиш мүмкін. Бундан ташкари, масаж столи организмни умумий тетиклаштириш ва қайта тиқлаш мақсадида ҳам күлланилади.

Турли спөрт турлардаги массаж

Спортнинг ҳар хил турлари танадаги мушакларга турлича таъсир кўрсатади. Ҳаттоқи иккита спорт тури тепадаги бир хил қисмларнинг иштирок этишини таъминласа ҳам, бунда қатнашадиган мушаклар ҳар хилдир. Югуриш вг теннис ўйнаганда оёқ ишлайди, бу икки спорт тури ҳар хил мушакларни ўзига жалб этади. Спорт массажини үтказишида спорт турига боғлиқ бўлиб, умуман танага йиғилиб қолмасдан бу ҳаракат жараёнларида иштирок этадиган мушакларда үтказилади. Шунинг учун велоспортчига, югурувчига, баскетболчига, теннисчига ҳар хил массаж мұолажалари күлланилади.

Спорчининг танаси ҳар хил спорт машғулотларидағи ҳолатини ифодаловчи кўрсатмада соғломлаштириш фаолият турларининг асосий спорт фаолияти турларига мос экаснлигини кўрсатади, худди шундек профилактика массаж мұолажалари буларга мос келади, шунинг учун мушакларнинг эгилувчанлигини таъминлаш, ҳамда машқ машғулотларидан кейинги оғриқларни қолдириш учун ундан фойдаланиш лозим. Бу кўрсатмада шкастланиш ҳолатлари ҳар хил спорт турларида кўрсатылған бўлиб, аввало ўз врачингизга кўрсатишингиз лозим. Бирданига сурункали қаттиқ оғриқ пайдо бўлган вақтда уни массаж мұолажасидан олдин аниқлаш лозим, аввалга ҳолатга қайтарувчи массаж маҳсус дипломи бор мутахассис томонидан бажарилиши лозим.



Аэробика машғулотлари билан шуғулланганда юқорига сакрашдан сүнг ерга тушиш тананинг пастки қисмiga ортиқa юкланишиңи тақозо этади.

Күпинча пайдо бўладиган субъектив ҳислар: болдиrlар-даги оғриқ, тиззалардаги кучаниш, товолардаги оғриқ, белнинг пастки қисмини чарчаши ва камбала симон мушакнинг тортилиши.

ЮРИШ ВА ЮГУРИШ

Бу спорт турларидан асосан оёқ мушаклари ишлатилади. Оёқни массаж қилиш қуйидаги кенг тарқалган нохушликларни олдини олади: ахил пайини яллиғланиши, думба мушакларининг чарчаши, тиззалар, товоңлардаги оғриқлар ва пайли мушакларининг чўзилиши.



Баскетболда тез-тез кескин олдинга интилишлар ва тўхташлар оёқларни зўриқтиради, асосан сон, тизза ва тўпиф бўғинлари.

Кўкрак қафаси, қўл ва елкалар коптоқни олиб бориш ва узатишда шлатилади.

Кузатиладиган нохушликлар: тўпифининг тортилиши, тиззаларнинг зўриқиши, сон мушакларининг тортилиши.

ЧАНГИ

Чангига ва тоғ чангига спортчиларнинг асосан белнинг пастки қисми, соннинг тўрт бошли мушаги ва камбаласимон мушакнинг зўриқиши кузатилади. Текисликдаги юриш пайтида таёкларга бўлган кучли таянч қўллар ва елкаларни зўриқтириши мумкин.



ВЕЛОСПОРТ

Велоспорт билан шуғулланганда худди югуриш билан шуғуллангандек, кўпроқ кучаниш оёқлар, қўллар, бел, бўйин ва елкаларга тушади. Одатда велосипедчилар тиззалар, кафт олди бўғинлари ва соннинг тўрт бошли мушакларининг зўриқишидан шикоят қиласидилар.

Футболда оёқ мушакларининг иши тезликни ошиб бориши ва ўйиннинг давомийлигига боғлиқ. Олдинга кесикн интилиш ва кескин тўхтаб қолиш ҳолатлари тиззаларнинг жароҳатланиши ва сон мушакларининг чўзилишига олиб келади.



Кўп сонли бажарилган заоба харакатлар думба мушакларини тўлиқ чўзилишига олиб келиши мүмкун.

СУЗИШ



Спортнинг бу турида барча асосий гурӯҳ мушакларининг харакатларида жароҳатланиш унчалик катта эмас. Жароҳатга мойил жойлар бу қўллар, елкалар ва бўйин.

ВОЛЕЙБОЛ

Волейболда кафт, қўллар ва елкалар асосий ишни бажаради. Бундан ташқари, сакрашлар оёқ бўйинларининг кучанишига олиб келади.



ТЕННИС



Тенниснинг ҳар хил турлари қўл, елка ва бўйиннинг нотекис зўриқишига олиб келади, шунинг учун бу худудларни асосан кўпроқ массаж қилиш талаб этилади. Шу билан бирга оёқларни массажига эътибор бериш керак. Чунки улар бу спорт турининг кескин тўхтаб қолиш ва кескин олдинга, чапга интилишларида толиқишига учрайдилар

ОФИР АТЛЕТИКА

Кўпчилик оғир атлетикачилар ўз таналарини ривожлантиришга ҳаракат қиласидилар ва бунинг учун тананинг юқори ва пастки қисмларига навбатма-навбат кусланиш берадилар.



Оғир атлетикачиларнинг доимий муаммоли худудлари елкалар, бел. Бундан ташқари кўкрак қафаси ва тиззаларни массаж қилиш фойдали.



ЭШКАК ЭШИШ

Эшкак эшиш спорт турида асосан қўл ва оёқ кучи ишлатилиб, бел фаол ишлайди. Лекин белта шкастланнишнинг кам фоизи тушади. Бу спорт тури билан шуғулланувчиларнинг қўлларини, соннинг тўрт бошли мушаклари ва белни массаж қилиш фойдали.

ГОЛЬФ

Бу спорт үнчалик күчланишни талаб қилмаса ҳам, тез-тез олдинга эгилишлар белни зўриқишига олиб келади.

Гольф билан шуғулланиш мушаклар координациясини ва елкаларнинг эгилувчанлигини талаб этади. Шунинг учун асосан қўллар кўкрак қафаси ва белни массаж қилиш фойдали.



Спорт шикастланишларида ва таянч-ҳаракат аъзоларидаги баъзи бир касалликларда массаж

Спорт шикастланишларида даволаш мажмуасининг ажралмас қисми массаж ҳисобланади. Спорчиларда ҳар хил шикастланишлардан сўнг иш қобилиятини тиклашда катта амалий аҳамиятга эга. Спорт шикастланишларида эзилиш, боғламларнинг чўзилиши, мушак ва бойламларнинг ҳар хил шикастланиши кўп учрайдиган турлари ҳисобланади. Юқоридаги ҳамма ҳолатларда массаж қўйидаги таъсирга эга:

- терининг қон томирларини таъсирлаб, терини қон билан тўлиқ таъминлайди, бунинг эвазига терида, қон томирларида қон тўлиб оқади;
- мушакларнинг фаол қисқаришини таъминлайди;
- периферик асад тизимнинг сезувчанлигини камайтиради, бу билан шикастланган жойда оғриқни камайтиради;
- массаж қилинадиган жойга қоннинг кўп келишини таъминлаб, алмашиниш жараёнларини фаоллаштиради;
- атрофия бўлишига қаршилик кўрсатади, бўлган бўлса, тезлиқда бартараф этади;
- суюк тўқимасининг тикланишига олиб келади;
- шишларнинг, сувлар чиққан жойларнинг, қон қуйилган жойларнинг сўрилишини тезлаштиради;
- мушакларнинг овқатланишини яхшилаб, уларни мустаҳкамлайди;
- мўлжалланган натижага еришиш учун айрим вақтларда шикастланган жойни емас, балки унинг атрофини массаж қилишнинг ўзи кифоя. Бу шикастланища барвақт массаж буоришга сабаб бўлади.

Спорт шикастланишида ўтказиладиган массаж усувлари худди умумий массаждаги усувлар каби: силаш, уқалаш, ишқалаш, қоқиши фаол ва сўст ҳаракатлар ҳамда силкитишдан иборат. Энг кўп қўлланадиган силаш усувларидан: бир қўл билан, спиралсимон аралаш, концентрик шаклдаги силашлар қўлланилади. Силаш усули бажарилгандан сўнг бир қўл билан ва икки қўл билан сиқиши усулига ўтилади. Сиқиши усувларидан сўнг уқалаш усувлари оддий уқалаш, кўлни устига кўлни қўйиб уқалаш, икки ҳалқасимон, чимчилаш шаклида, кафтнинг асоси билан ва бошқалар қўлланилади. Шикастланиш жойига қараб массаж усувлари танланади. Ҳамма ҳоллардә ҳам массаж сеансини бошлаш шикастланган жойнинг юқорисидан бошланади, буни бош-

қача қилиб айтганда, сўрувчи массаж деб аталади. Шикастланиш турига қараб массаж вақтида суртма мойлар танлаб олинади.

Мушаклар эзилган вақтдаги массаж

Массаж таъсирида шиш ва оғриқ тезлиқда камаяди, тўқималарда ва бўғимларда қон қўйилиши сўрилади, шикастланган мушаклар мустаҳкамланади, уларнинг функциялари яхшиланади. Юмшоқ тўқималар шикастланганда ва мушаклар узилганда ушбу ҳолатлар содир бўлгандан сўнг 1–2 кун массаж тавсия этилади. Бу шикастланган тўқималарнинг тезлиқда тикланишига олиб келади. Массаж қилишдан олдин шикаст йэган жойнинг мушакларини ёки бўғимларини иложи борича бўшаштириш, ўзининг физиологик ҳолатига олиб келишга харакат қилиш лозим.

Массаж самарасини янада ошириш мақсадида массаж олувчининг бутун танаси бўшашган ҳолатда бўлиши лозим, бунинг учун ётган (ёки ўтирган) маъқул. Массаж муолажалари силашдан бошлайса, мушакларнинг бўшашига олиб келади ва оғриқни камайтиради. Массаж хонаси, албатта, илиқ бўлиши керак.

Таянч-харакат аппаратлари шикастланганда даволаш массажи, асосан, шартли равишда иккига: тайёргарлик массажи ва асосий массажга бўлинади.

Тайёргарлик массажи деганда шикастланмаган соҳанинг қилиши тушунилади. Тайёргарлик варианти — бу шикастланган соҳадаги лимфа ва вена қонлари йиғилган соҳадан сўриб тарқатиш маъносини билдиради. Олдин тайёргарлик массажи, кейин асосий массаж амалга оширилади. Тайёргарлик массажи муолажаси спортчининг оғриқни ҳис қилишига, шикастланишнинг оғир-енгиллигига қараб 3–5 марта ўтказилади. Шикастлангандан кейин тахминан 6–8 соатдан кейин биринчи массаж муолажаси белгиланади. Ушбу муолажа шикастланган соҳанинг юкорисидан енгил аралаш силашдан бошланади. Жабрланувчининг мослашишига қараб силаш усулининг кучлироқ таъсир этувчи услублари кўлланилади. Сўнгра сикиш усуллари (оғритмасдан) бажарилади. 2–3 марта сикиш усулларидан сўнг қайта аралаш силаш, кейин енгил уқалаш иложи борича катта тўқималарда бажарилади. Агарда шикастланган соҳа катта мушакларда бўлса, икки ҳалқасимон уқалаш усули, силаш, титратиш усуллари билан алмашиб бажарилади.

Бир кунда 2–3 марта массаж қилинади. Массаж муолажаси давомийлиги – 5–7 дақиқа. Массаж муолажасининг биринчи кўни массаж усулларининг тахминий вақти қўйидагича: силашга – 2–3 дақиқа, уқалашга – 2–3 дақиқа, тебратиш, титратишга – 1 дақиқа ажратилади.

Массаж ўтказишдан мақсад – оғриқни камайтириш, мушаклар таранглигини пасайтириш, шикастланган соҳадаги шишларни камайтириш, шикастланган соҳа ишини қайта тиклаш.

2–3 кундан сўнг 3–5 сўрувчи массаж муолажасидан кейин, агарда спортчининг тўқимасида шиш бўлмаса, сезувчанлиги юкори бўлмаса, шика-

стланган соҳада оғриқ сезилмаса, ҳарорати кўтарилилмаса, асосий массаж ўтказилади.

Массаж силашдан бошланади, сиқиш ва уқалашдан (юқоридагилардан ташқари кафт устига кафтни қўйиб бажарилади) олдин шикастланган соҳа юқориси, сўнгра шикастланган соҳага ўтилади. Енгил аралаш силаш (бўғимда бўлса концентрик шаклида), ишқалаш қўлланади. Шикастланган соҳа юзаки силанади, ундан қанча узоқ соҳа бўлса, кучлироқ таъсир билан массаж килинади.

Агарда оғриқ кескин бўлмаса, биринчи кундан бармоқ ёстиқчалари билан тўғри чизикили ишқалаш жуда суст бажарилади ва концентрик силаш билан доим алмашлаб бажарилади (бўғимда). Оғриқ камайиши сезилишига қараб бир ва икки қўл бармоқлари билан спирал ва айланасимон ишқалашларга ўтилади. Агар оғриқ бермаса, ишқалаш усуслари билан фаол, суст ҳаракатларни алмашлаб бажариш мумкин.

Массаж муолажалари борган сари шиддатлилиги, вақти ортиши билан бирга шикастланган соҳада кўпроқ бажарилади.

Қайта тиклаш вақтини қисқартириш мақсадида асосий даволаш масажини ҳар хил қиздирувчи воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказиш мумкин.

Шикастланган соҳани тезда қайта тиклаш учун даволаш массажи билан бирга массаж вақтида ёки ундан кейин жисмоний машқларни адо этиш (фаол ҳаракатларни шикастланган соҳада оғритмасдан бажаришни ўрганиш лозим), ҳамма массаждан олдин қиздириш муолажаларини қила билиш мақсадга мувофиқдир.

Бойлам ва пайлар чўзилгандаги массаж услуги:

1. Бойлам – суюклараро ва тоғайлараро бўғимлар мустаҳкамлигини таъминловчи зич биринкирувчи тўқимадан иборат тузилма. Бойлам, асосан, бўғимлар атрофида жойлашиб, турли ҳаракатлар қилишга имкон беради. Бўғимнинг нормал ҳаракат йўналишида ва кучдан ошиб кетадиган кескин ҳаракатлар таъсирида бўғимда ўзгаришлар рўй бериб, унинг бутунлиги бузилади. Шикастловчи омил бойламнинг чўзилиши кучидан ошиб кетмаса, унинг анатомик бутунлиги бузилмасдан туриб чўзилади, акс ҳолда бойлам узилади ёки йиртилади. Аксарият ҳолларда болдир-товор ва билак-панижа бойламлари шикастланади. Бунда шимш оғриқ ҳаракатининг чекланиши кузатилади.

Бўғим шикастланганда, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим. Тўғри ва етарлича даво қўлини маса, касаллик узоқ чўзилиб, қайтаганиб туради.

Пайлар чўзилганда, орадан иккى кун ўтгандан кейин иссиқ қилиш муолажаларини буорадилар (қиздирувчи компресс, ванна, парафин) ва массаж. Бўғимни массаж қилганда, массажчи қўл куни таъсирини оширмай, касалнинг ҳолатига, унинг шикастларига эътибор бериб, оғритмасдан бажариши лозим.

Бўғимларда даволаш массажи қўлланаётганда, пай ва муолажаларнинг бириккан жойига эътибор бериш керак.

2. Тизза бўғими пайлари чўзилганда, бўғим халтасида йигилган суюқлик олдинги деворини бўрттириб тизза кўзини юқорига суради.

Массаж соннинг олди юзасидан бошланади. 2-3 дақиқали тайёргарлик массажи силаш, сикиш, уқалашдан кейин бўғимда концентрик шаклида силаш үсули (тизза остига ёстиқча қўйиб) бажарилади. Сўнгра тўрт бармоқ ёстиқчаси билан айлана шаклида кафтнинг асоси билан 2-3 дақиқа ишқаланади. Бўғимнинг икки ён соҳасига катта эътибор бериш лозим. Массаж олувчиidan тизза бўғимини букиши сўралади ва бўғимнинг икки ён томонини зич бармоқларни қўйган ҳолда ишқалаш давом эттирилади (катта бармоқ тепачасини массаж қилинаётган соҳага текис босиб бажарилади, тўпланган суюқлик яна орқага қайтиб кетмаслиги учун), массажчи бармоқлари остидаги сон суяги, катта болдири суяклар оралиғини сезиб туриши керак. Ишқалаш ҳар хил йўналишда бажарилади. Массаж шиддати аста-секин ортиб боради.

Тизза бўғимининг орқа юзасини массаж қилиш учун касал қорни билан ётиши керак, болдири-оёқ панжа бўғими $45-75^{\circ}$ бурчак эстида букилган бўлиши керак. Массаж қилиш техникаси олди бўғимни бажаргандек бажарилади. Массаж олувчининг оғриқни сезишини ҳисобга олган ҳолда бажариш лозим.

Тизза бўғими массаж муолажалари суст, фаол, қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари билан тугалланади (баъзи ҳолларда ишқалаш билан бирга ўтказилади).

Болдири-товоң бўғими. Касалнинг оёғи остида ёстиқча қўйиб, 2-3 дақиқа болдири бўғимидан тизза бўғимига йўналтирилган ҳолда тайёргарлик массаж қўлланилади. Арадаш силаш ва сикиш үсуллари қўлланилади.

Сўнгра иккала қўл бармоқлари оёқ панжасига қўйилиб ҳар хил босим таъсири кучи билан силанади: оёқ панжаларида кучли босим билан, бўғимда — енгил бўғимдан ўтиб бўлгандан сўнг сикишга ўтилади. Бир неча силаш, сикиш үсулларидан кейин бўғимда концентрик силащдан сўнг енгил ишқалаш үсулларига ўтилади. Асосий дикқат-эътибор ахилл пайларининг иккى томонига ва остига қаратилади. Сўнгра массажчи массаж олувчига нисбатан қўндаланг туриб, тўғри чизикли ва айлана шаклидаги ишқалаш үсулларини (икки қўл) тўрт бармоқ ёстиқчаси билан ахилл пайлари ишқаланади, сўнгра — икки қўл ҳамма бармоқлари билан айлана ишқалаш, сўнгра ҳамма панжа бўғим юзалари массаж қилинади. Бўғимларни пай билан қопланган чукур соҳаларида айлана шаклидаги ишқалашдан фойдаланилади. У шиддатли концентрик силаш билан алмашлаб ҳамда бўғимда суст букиш, ёйиш билан бажарилади. Аста-секинлик билан қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари бажарилади.

Оғриқнинг камайишига қараб массажи муолажаси вақти қўпайтириллади ва массаж таъсири кучи ортирилади.

Сүяк чиқиши — сүяк учларининг бўғимдан чиқиб кетиши. Сүяк чиқиши ёпиқ (чиққан бўғим териси заарланмайди) ва очиқ (тери заарланиб, жароҳат бўғим бўшлиғигача ўтади) бўлиши мумкин.

Сүяк чиқиши кўпинча зарарланган бўғимдан олисроқдаги сүякка ҳаддан ташқари қуч таъсири қилиши ёки бўғимнинг меъёридан ҳаракат қилиши натижасида юзага келади. Сүяк чиқишида бўғимни ўраб турган бойлам аппаратлари ва бўғим шикастланганда бўғим шакли ўзгаради, қаттиқ оғрийди, бўғимларни қимирлатиб бўлмайди.

Елка суяги чиққанда — тирсак бўғими қаттиқ оғриб, қимирлатиб бўлмайди, елка шакли ўзгариб, гўё узайиб кеттандек кўринади. Бемор шикастланган қўл томонга енгашиб олади ва унинг тирсагидан ёки билагидан кўтариб туради. Шифокор келгунча, қўлни рўмол билан бўйинга осиб олиш лозим.

Билак суяги чиққанда — тирсак бўғими қаттиқ оғриб, баъзан бармоқларгача тарқалади, билак шалвиллаб осилиб қолади, bemor уни соғ қўли билан кўтариб олади. Тирсак бўғимининг шакли ўзгариб шишади, баъзан қизаради, қўл панжаси ва бармоқлари кўкариб кетиши мумкин. Шифокор кўргунча қўлни рўмол билан бўйинга осиб олиш лозим.

Кўг бармоқлари чиққанда — қаттиқ оғрийди, бармоқ силжиб кетади, уни қимирлатиб бўлмайди. Кўпинча бош бармоқ чиқиб кетади. Биринчи ёрдам чиққан бармоқни қалин қилиб ўраб, дарҳол мутахассис шифокорга кўрсатишдан иборат.

Сон суяги чиққанда:

Белгилари: чаноқ сон бўғими қаттиқ оғрийди, оёқни қимирлатиб бўлмайди. Шикастланган оёқнинг тиззаси ички, соғ оёқ томонга бироз бурилиб қолади. Бемор чалқанча ёки соғ ёнбоши билан ётиб олади.

Биринчи ёрдам — оёқ ҳолатини ўзгартирган ҳолда маҳсус шина билан шиналанади. Бундай шина бўлмаса, шикастланган оёқни соғ оёққа қўшиб боғлаб, тахта замбилга чалқанча ётқизиб, маҳсус касалхонага олиб борилади.

Сүяклар сингандаги даволаш массажи услубияти

Сүяк бутунлигининг ўзгариши. Сүяк синиши кўпинча шикастланиш, зарб билан урилиш натижасида содир бўлади. Бунда сукни ўраб турган юмшоқ тўқималарга зарар етади. Бирор шикаст таъсирида тери йиртилиб, синган сүяк теридан чиқиб қолса, очиқ сүяк синиши, терига шикаст етмаса, ёпиқ сүяк синиши рўй беради.

Сүяк синишининг белгилари найсимон узун сүяклар (елка, билак, сон ва болдири) синганда яққол кўринади, bemor юра олмайди, ҳатто шикастланган органни қимирлатиб бўлмайди. Суяги синган орган (қўл-оёқ)нинг шакли ва узунлиги ўзгаради, синган жойда ғайритабиий силкиниш пайдо бўлади.

лар бўлмаса, қўлни саллача билан бўйинга осиб олинади, оёқ суяклари сингандага эса шикастланган оёқни соғлом оёққа бинан боғлаб қўйилади.

Синган соҳада даво массажи қилиганда, ён атрофдаги тўқималарда қон ва лимфа суюқликларининг оқиши тезлашади, мушакларнинг эластиклиги ортади, яранинг битиши тезлашади.

Ёпиқ синишлар бўлганда, 2–3 кундан кейин массаж қилишга рухсат берилади. Массаж оғриқни камайтиради, шикастланган соҳада мушак таранглиги пасаяди, қон йигилган соҳанинг сўрувчанлигини оширади, синган жойда суяқ битишини тезлаштиради. Шикастланган соҳада гипс қўйиб ёки тортиб боғлаб қўйилгандан сўнг массаж қилиш мумкин.

Гипс қўйилгандан кейин сўрувчи массаж ва соғлом соҳаларда камроқ массаж амалга оширилади. Биринчи кунлардаги массаж услубияти шикастланган соҳадан юқорида жойлашган мушак таранглигини пасайтиришга қаратилган бўлиши керак. Биринчи 9–12 кун ичидаги бу ҳол алоҳида билиниб туради. Шу мақсадда факат шикастланган соҳа юқориси, ҳатто кўкрак, қорин силанади. Силашдан ташқари енгил тебратиш усули ҳам қўлланилади.

Миалгия (шамоллаш)да массаж услуби

Миалгия сабаблари — совқотиш, зах хонада кўп туриб қолиш, сувда ҳаракат аппаратларини нотўғри йўналтириш, кам ҳаракатлик, тўқималар озиқланишининг бузилиши ёки ўрта мушакларнинг таранглик ҳолатидир.

Миалгияда массаж муолажалари енгил силашдан, титратишдан бошланади. Шундан сўнг уқалаш усулларига ўтилади: тўғри чизиқли ва тўрт бармоқ ёстиқчаси билан айлана шаклида, букилган бармоқ фаланглари билан айлана шаклида, кафтнинг асоси билан ишқалашни алмаштириб гоҳ бир бармоқ, гоҳ иккичи бармоқ ёстиқчаси билан таъсир кучини ошириб, кафт асоси, мушт билан бажарилади. Ишқалашдан сўнг уқалаш бажарилади.

Миозитда массаж услубияти. Миозит скелет мушакларнинг яллиғланишидир. Гоҳ оғир юқ кўтариш ёки шикастланиш натижасида мускулларнинг ўта толиқиши ҳам миозитга сабаб бўлади. Миозитда миозитнинг слдини олиш учун совқотиш ва оғир юқ кўтаришдан сақланиш ҳамда мускулларни чиниқтириш лозим.

Шикастлангандаги миозит ўткир ва сурункали бўлади. Сурункали миозит мушакларнинг майда, кичик ва қайта шикастланишлари сқибатида содир бўлиши мумкин.

Шикастлангандаги миозитга ёқимли таъсир кўрсатувчи воситалар: биринчи массаж, илиқ ва иссиқ муолажалардир. Соғайишни тезлаштирувчи суртма мойлар (апизатрон, долпикон ва бошқалар) билан массаж қилинса, тезроқ ижобий натижага эришиш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам массажнинг давомийлиги — 5–15 дақиқа. Кунига 2 марта массаж қилинади. Хона ҳаро-

рати 20°C дан кам бўлмаслиги лозим. Массажни ҳарорати паст хонада ўтказилиши лозим бўлган тақдирда хасталанган жой қолюкс билан қиздирилиши керак.

Даволаш массажи амалиётида аппаратлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин қўл массажи билан алмашлаб бажариш яхши самара беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ҳамма массаж үсуллари қайси йўналишда бажарилади?
2. Массаж олувчининг қайси соҳаларини массаж этиш ман қилинади?
3. Массаж олувчининг мушаклари массаж вақтида қандай ҳолатда бўлиши керак?
4. Массаж үсулларини қандай куч билан бажариш керак?
5. Массаж қандай босим ва темпда бажарилиши керак?
6. Умумий массажда тананинг қайси соҳалари массаж этилади?
7. Силаш үсулларини терига таъсири қандай?
8. Силашнинг нуқта массажига таъсири?
9. Спортда силаш қай ҳолатларда кўпроқ кўлланилади?
10. Силашда кафт ҳолати қандай бўлади?
11. Массаж олувчининг ҳолати қандай бўлади?
12. Сиқиш усули мушакларга қандай таъсир кўрсатади?
13. Уқалаш усулини танага таъсири қандай?
14. Ишқалаш үсуллари бўғинларга қандай таъсир этади?
15. Қоқиш үсулларини физиологик таъсири қандай?
16. Массажнинг қандай ҳаракат үсулларини биласиз?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Белая Н.А.* Руководство по лечебному массажу. – М.: «Медицина», 1983.
2. *Васечкин В.И.* Справочник по массажу. – Л.: «Медицина», 1988.
3. *Рихсиева А.А., Бирюкова А.* Массаж: поддержание и сохранение здоровья и восстановление трудоспособности. – Т.: «Медицина», 1988.
4. *Rixsiyeva A.A., Rixsiyev A.I.* Stress holatlar va jismoniy mashqlarga moslanish. Т.: 1994.
5. *Rixsiyeva A.A., Saidov T.M., Nurmuhamedov Q.A., Rixsiyev A.I.* Massaj. – Т.: «Ibn Sino», 1996.
6. *Дубровский В.И.* Спортивный массаж. – М.: «Недра», 2000.
7. *Залесева Е.Н.* Энциклопедия лечебного массажа и гимнастика. Оригинальное издание начала XX века. – М.: «Траст Пресс», 1999.
8. *Алимова З.А.* Даволювчи массаж асослари. Урта тиббиёт ва доришунос жадимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштирилган Республика Марказининг ахборот-нашиёт бўлими. – Т.: 2005.

*Мұхаррір Д.Иброхимова
Техник мұхаррір М.Султонов
Дизайнер Ж.Умаров*

Босишига рухсат этилди 16.04.08. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
Хажми 6,75 физ.б.т. 18-07 рақамли шартнома. Адади 100 нұсқа.
179-сон буюртма.

ҮзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими, 100052, Тошкент,
Оққўрғон кўчаси, 2-үй.

ЎзДЖТИ босмахонаси, 100052, Тошкент, Оққўрғон кўчаси, 2-үй.